У 302
89
Н-75

У.НОРМАТОВ

Ўтган кунлар ҳайрати

Ч30 2
89
Н 45

УМАРАЛИ НОРМАТОВ


O'zbek filologiyasi
fakul'teti
O'QUV ZAL

„ЎТГАН КУНЛАР“ ҲАЙРАТИ


Умумтаълим мактаблари адабиёт ўқитувчилари учун қўлланма

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги
нашрга тавсия этган

894.3г2 435.09 (0т7)



ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1996



Таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматовнинг мазкур рисоласи умумтаълим мактаблари адабиёт ўқитувчилари ва юқори синф ўқувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда ўзбек адабиёти дастури ҳамда дарслигидаги Абдулла Қодирийга оид, айниқса адибнинг шоҳ асари — «Ўтган кунлар» романи, унинг ижодий тарихи, янги ўзбек адабиёти ривожидаги ўрни, беқиёс аҳамияти ҳақидаги маълумотлар анча кенгайтириб берилган.

Рисоладан ўзбек адабиётига, хусусан, буюк сўз санъаткори А. Қодирий ҳаёти ва ижодига қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси ҳам фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар: УРФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор **С. Мамажонов**, филология фанлари номзоди **Т. Халилов.**

Ўзбекистон Халқ таълим вазирлигининг дарсликларни қайта кўриш махсус комиссияси маъқуллаган.

Н 79

Норматов У.
«Ўтган кунлар» ҳайрати.— Т.: Ўқитувчи, 1996. — 80 б.

83.3Уз

Н $\frac{4303010000-113}{353(04)-96}$ **96**

ISBN 5-645-02623-3

©«Ўқитувчи» нашриёти, 1996

...Ўзбек халқининг маънавият ва маърифатини, миллий қадриятлари ва онгини юксалтириш йўлида у зотнинг қилган хизмати беқиёсдир.

Юртимизда Абдулла Қодирий асарлари кириб бормаган бирорта ҳам хонадон бўлмаса керак. У фақат ўзбекларнинг эмас, балки Туркистон халқларининг ҳам севимли адиби, озодлик ва истиқлол куйчисидир.

ИСЛОМ КАРИМОВ

СЎЗ БОШИ

Абдулла Қодирий ҳақгўй сиймо эди. У фақат ҳаёт ҳақида, ўзгалар ҳақида эмас, ўзи тўғрисида ҳам ҳар қандай вазият, шароитда мардона туриб имкон қадар рост гапни айтган ва айтолган адибдир. Жумладан, 1926 йили битган «Таржимаи ҳол»ида у ўзи, ижоди хусусида шундай ёзади: «Ишчи-деҳқонлар ёзғон асарларимни суюниб ўқийдилар ва мени ёзувчилар қаторига киргиздилар ва ҳамон ўқирлар ва унутмаслар. Чунки мен уларнинг ўз ичларидан чиққан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билгувчи... бир ходимлари эдим» .

Бу сўзларда ҳеч қанақа манманлик аломати, муболаға йўқ. Адиб бор гапни — чин ҳақиқатни айтган. Қолаверса, ўша даврга қадар ва ундан кейин узоқ йиллар ҳеч ким Қодирий ва унинг ижодига бу қадар ҳаққоний баҳо бера олмаган. Ҳақиқатан ҳам Қодирий асарларини ўз давридаёқ ишчи-деҳқонлар, аниқроғи халқ суйиб, суюниб ўқиган, уни севимли ёзувчилари қаторига киритган; бу ҳолнинг сирини, туб сабабини адибнинг ўзи жуда яхши очиб берган. Қодирий халқ орасидан, ишчи-деҳқонларнинг ичидан чиққан, уларнинг дард ва тилакларини яқиндан билган... Адиб ўзига бўлган меҳр-эҳтиром ўткинчи бир ҳол эмаслигини сезган ва келажакда ҳам асарлари халқ томонидан севилиб ўқилишига, асло унутилмаслигига ишонган.

Ҳақгўй сиймо ҳақ бўлиб чиқди. Унинг бебаҳо асарлари XX асрнинг шафқатсиз синовларидан — даҳшатли тўфонлари, ижтимоий-сиёсий талотумлари, мустабид тузум тазйиқу таъқибларидан омон ўта олди. Ўша оғир

йилларда ҳам халқнинг Қодирий шахсига, унинг машҳур романларига бўлган қизиқиши, меҳр-эҳтироми заррача бўлсин сусаймади.

Қодирий ижодига бўлган қизиқиш фақат ўзимизда эмас, қўшни тожиклар орасига, қардош туркий халқлар, шунингдек жаҳоннинг кўплаб тараққий этган мамлакатларига ҳам ёйила борди. С. Айний, М. Авезов, Х. Деряев, Ч. Айтматов сингари улкан алломалар Қодирий романларининг кашфиётчилик моҳияти, қардош халқлар адабиёти ривожига таъсири хусусида илиқ гаплар айтганлар; атоқли рус шарқшуноси Е. Бертельс, машҳур рус танқидчилари З. Кедрина, В. Оскоцкий Қодирий ижодига юксак баҳо берганлар; немис адабиётшуноси Н. Тун, америкалик тадқиқотчилар Э. А. Олворт, Христофор Мурфи, асли эронлик америка олимаси Эден Наби Қодирий ижоди бўйича жиддий ишлар қилганлар.

Қодирий ижодий мероси XX аср янги ўзбек адабиёти равнақига ғоят самарали таъсир кўрсатди. Дадил айтиш мумкинки, XX асрда Қодирийдан қандайдир йўсинда таъсирланмаган, ўрганмаган бирорта ҳам машҳур ўзбек ёзувчиси, шоири, драматурги, танқидчиси йўқ. Қодирий мероси фақат сўз санъати, адабий тафаккур ривожи эмас, халқимиз маънавий равнақи учун ҳам ардоқли. Қодирий асарлари халқимизнинг маънавий камолотида, унинг XX аср талотумлари гирдобида ўзлигини, бетакрор миллий, маънавий қадриятларини сақлаб қолишида мислсиз роль ўйнади. «Киши умрида ўқиган китоблар ичида шундоқ китоблар бўладики, — дейди шоир Эркин Воҳидов, — улар умрининг бир қисмига, инсон ўзлигининг таркибига айланиб қолади. «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён» мен учун ана шундай китоблардан. Улар мени одам қилиб шакллантирган. Дунёқарашимни, юрагим ҳолатини белгилаган, умрим бойлиги бўлган китоблар сирасига киради». Шоир Шукрулло фикрича, «Қодирийнинг халқимизга қилган хизматлари беқиёс. Адиб ўз асарлари билан халқимиз онгига етказган нарсанинг ҳеч бир қиёси йўқ. Уни сўз билан ифодалаб бўлмайди. У ўз ҳаётида миллат дарди, Ватан муҳаббати, мустақиллик орзуси билан яшади». Одил Ёқубов ёзувчининг биргина асари, асардаги бир қаҳрамон, қаҳрамоннинг аҳиллик ҳақидаги сўзларидан асрга татигулик маъно топади: «Мана, 70 йилдирки, буюк бобомиз ўзининг севимли қаҳрамони

Юсуфбек Ҳожи тили билан бизни аҳиллик ва иноқликка чақиради, миллат учун ноаҳиллик иллатидан ёмон иллат йўқлиги ҳақида тинмай огоҳлантириб келади. Доно адибимизнинг бу сўзлари севимли диёримиз мустақилликка чиққан бу саодатли кунларда алоҳида аҳамият касб этмоқда».

Қодирий асарларининг бу хил аҳамиятли жиҳатлари беҳисоб. Шунинг учун ҳам биз Қодирий даҳоси олдида ҳар қанча таъзим қилсак оз.

Қодирий ҳаёти, ижоди олий ва умумтаълим мактабларида кўпдан бери ўқитилади, ўрганилади. Умумтаълим мактаблари учун тузилган янги адабиёт дастури ва дарсликларида Қодирий ижодини муносиб тарзда ўрганиш йўлида дадил қадамлар қўйилди, хусусан, 11-синфда Қодирийнинг машаққатли ва шонли ҳаёт ҳамда ижод йўли ҳақида кенгроқ тасаввур бериш, «Ўтган кунлар» романини махсус ўрганиш назарда тутилган.

Қўлингиздаги рисола адабиёт ўқитувчилари, юқори синф ўқувчилари учун дастур ва дарсликдаги Қодирийга оид маълумот, қарашларни кенгайтиришга, айниқса адибнинг шоҳ асари «Ўтган кунлар» романи, унинг ижодий тарихи, маъно ҳамда бадиият жилолари, янги ўзбек адабиёти ривожидаги ўрни, беқиёс аҳамияти ҳақидаги тасаввурларни чуқурлаштиришга хизмат қилади, деган умиддамиз.

ҚИСМАТ ВА ЖАСОРАТ

Бугун биз бу беназир сиймога кўпинча «Қодирий бобо» деб мурожаат этамиз, «Қодирий бобо» дея қўшиқларда тилга оламиз, уни нуроний отахон қиёфасида тасаввур қиламиз. Аслида бу табаррук сиймо ўз умрининг ҳали «бобо» фаслига етмай, айни қирчиллама йигитлик палласида фоний дунёни тарк этган эди. Абдулла Қодирий бор-йўғи қирқ тўрт йил умр кўрди. Шундан атиги йигирма йили қизғин ижтимоий фаолият, бадиий ижодга бахшида этилди. Шу йигирма йил ҳам машаққатлар, кескин курашлар, алғов-далғовлар, таъқибу таҳдидлар ичида кечди. Тақдир уни асло аямади. Болалигиданоқ ҳаёт шафқатсизликларини татиди, бировларнинг эшигида ишлади, қўл кучи, пешона тери билан кун кечиришга ўрганди. Мурғаклигиданоқ илмга чанқоқ, ўткир зеҳнли, тиришқоқ Абдулла, гарчи ўз сўзи билан айтганда, «тартиблик мактаб кўрмаган»

бўлса-да, ўз тиришуви орқасида замонасининг энг пешқадам зиёлилари, адиблари сафидан жой олди. Бу забардаст сиймо ўзининг фавқулодда ноёб истеъдоди, мислсиз жасорати билан халқимиз маданияти, адабиёти тарихида ёрқин из қолдирди, кўп асрлик миллий адабиётимиз ривожида улкан бурилиш ясаган, туб янги босқични бошлаб берган тенгсиз романлар яратди. Адиб «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» асарлари билан ўзбек романчилигига асос солди. Улар замонавий жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан бир қаторда туради. Унинг қаламига мансуб ҳикоялар, ҳажвий асарлар, публицистик, адабий-танқидий мақолалар, бадиий таржималар XX аср ўзбек адабиёти хазинасидан муносиб ўрин олган. Адибнинг ижодий мероси, машаққатли қисмати, шонли ва фожиали умр йўли, мислсиз жасорати авлодлар учун ҳам ибрат, ҳам аччиқ сабоқдир.

Халқимиз Қодирий шахсига, меросига ҳамиша катта эҳтиром, зўр қизиқиш билан қараган. Афсуски, мустабид тузум, жоҳил адабий сиёсат узоқ йиллар халқнинг ана шу қизиқиш ва эҳтироми йўлига ғов солиб келди. 20-йиллари адибнинг инсонлик шаънини топтаб, уни ҳибсга олдилар, бир неча ой қамоқда тутдилар, сўнг ўн йил давомида унинг шахси, асарлари теварагида «ҳақсиз ҳужумлар», «англашмовчиликлар», «бемаза исноқлар», «жимжималик замзамалар» давом этди. Ниҳоят, 30-йилларнинг мудҳиш довули Қодирийни халқ орасидан юлиб олиб кетди, унинг бебаҳо асарлари қатағон этилди. 50-йилларнинг охирларига келиб, Сталин шахсига сиғиниш қораланиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида муайян ўзгаришлар рўй бергач, адибнинг қутлуғ номи, шаъни тикланди, бебаҳо мероси халққа қайтарила бошланди, у ҳақда қатор яхши тадқиқотлар пайдо бўлди. Бироқ, мустабид тузум шароитида адиб ҳақидаги бор ҳақиқат тўла юзага чиқмаган эди. 80-йилларнинг ўрталарига келиб, мустабид тузум тагига сув кетиб, емирила бошлагач, ниҳоят, истиқлол даврида ҳақиқат йўлидаги тўсиқлар олиб ташланди. Адибнинг аввалари бирмунча шубҳали, қалтис туюлган қатор публицистик асарлари эълон этилди, «Ўтган кунлар» матнида аввалари тушириб қолдирилган ўринлар жойига қўйилди; Қодирий ҳаёти ва қисматининг энг кескин, фожеий паллалари — 1926 йили Қодирий устидан бўлган суд процесси материаллари,

1938 йилги тергов ва ҳукм тафсилотлари эълон этилди. Ёзувчининг ўғли Ҳабибулла Қодирийнинг шафқатсиз ҳақиқат руҳида битилган «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира-қиссаси майдонга келди, шунингдек И. Султон, Ҳ. Султонов ва Н. Боқий каби ёзувчиларнинг Қодирий ҳаётининг драматик лавҳаларини гавдалантирувчи асарлари жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилди. Адиб асарларини янгича нигоҳ билан таҳлил ва талқин этишга уринишлар бўлди.

Шуларга қарамай, ҳануз улуғ адиб, табаррук сиймо Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижод йўлини барча қирралари, бутун улуғворлиги, мураккаблиги, драмалари, фожиалари билан мукаммал тарзда ёритадиган яхлит асарга эга эмасмиз. Ҳали ёзувчининг мукаммал асарлари чиққани йўқ, илмий биографияси ёзилган эмас. Айниқса Қодирий шахсияти, сиймоси бор бўйича гавдалантирилмаган, аччиқ қисмати, фожиасининг туб сабаблари, илдизлари етарли идрок ва таҳлил этилмаган. «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларининг ижодий тарихи, асл матни муаммоси, маъно жилолари устида жиддий текширишлар давом эттирилиши лозим.

Қодирий ижтимоий фаолият доирасига, бадиий ижод оламига аср бошларида ўлкада етакчи ижтимоий-мафкуравий куч саналмиш жадидчилик ҳаракати таъсирида кириб келди. Кўпчилик илғор маърифатпарварлар, эркпарвар зиёлилар қатори у юртдаги инқилобий ўзгаришларга, озодлик ҳаракатларига зўр хайрихоҳлик билдирди. «Николайнинг тахтдан йиқилиб, ҳуррият бўлғонига хурсандчилиги албатта дунёга сиғмас эди, — деб ёзади у таржимаи ҳолида. — Айниқса 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди». Қодирий октябрь тўнтариши ва большевиклар сиёсатини дастлаб февраль ҳуррияти нинг давоми деб тушунади. «Октябрдан биз бошқача жасорат олдик. Сўз эркинлиги олдик», инқилоб «онг берди, ҳақ берди» дея қувонади. Катта ишонч, ғайрат-шижоат билан «озодлик йўлида ҳар қандай оғирликка ҳам чидаб», турли вазифаларда ишлайди, кўпроқ матбуотда — «Озиқ ишлари», «Рўста», «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Коммунист йўлдоши» газета ва журналларида фаолият кўрсатди, «Муштум» журнали унинг иштирокида ташкил топди. Ҳабибулла Қодирий берган маълумотга кўра, адибнинг 1919—1925 йиллар оралиғида

ёзган мақолалари 300 атрофида. Қодирийнинг публицистик чиқишлари аввало ўша даврнинг тарихий ҳужжати, замонасининг солномаси, ёзувчининг ўша йиллар ижтимоий-сиёсий ҳодисаларига, кундалик воқеаларга, ҳаёт муаммолари, жумбоқларига муносабати, қалб садоси, адиб ўйлари, маънавий изланишлари, кўнгилдаги қувонч ва ташвишлари, асл ғоя, маслаги ифодаси, қисқаси — ёзувчининг маънавий таржимаи ҳоли ҳужжатлари сифатида ғоят ардоқли.

Қодирий публицистикасининг мавзу-муаммолар доираси хийла кенг. Улар орасида ҳаётдаги муҳим тадбирларни, янгиликларни олқишлаб, қўллаб-қувватловчи, тарғиб ва ташвиқ этувчи, мураккаб инсоний тақдирлар ҳақида ҳикоя қилувчи, қардош халқлар ҳаёти ва хориждаги воқеаларга бағишланган мақолалар, бир туркум адабий-танқидий ишларни учратамиз. Қодирий қандай мавзуда қалам тебратмасин, уларда адиб шахсияти, қалб бисоти, кучли ва ожиз жиҳатлари баралла кўриниб туради.

Қодирий катта қалб, зўр ақл-заковат, юксак истеъдод эгаси бўлса ҳам, барибир, ўз даврининг фарзанди эди. Инқилоб йилларининг, шўро матбуотининг эҳтиросли қаламкашига хос муайян «қизиллашиш», инқилобий бетоқатлик унга ҳам ёт эмас эди. Маълум муддат ўша йиллари мамлакатда авж олдирилган «синфий кураш», «динга қарши» жазавали даҳриёна кампания таъсирида адиб бойлар, эшонлар, уламоларни фақат бой, эшон, уламо бўлганликлари учунгина синфий душман санаб, уларга қарши матбуотда «жиҳоди акбар» эълон этиб, аёвсиз кураш олиб бориш, синфий, мафкуравий рақибларни танқид қилиш, фош этишда хийла жангарилик, қизиққонлик кўрсатади, баҳслар пайтида гоҳо одоб доирасидан чиқиб, ҳамкасбларини ҳақоратлаш томон ўтиб кетиш ҳолларига ҳам йўл қўяди. Адибнинг ўзи шу хилдаги «синфий рақобат»чиликнинг жабрини кўрди — шу хилдаги хатти-ҳаракатлари туфайли, ёзувчининг ўзи иқрор бўлганидай, ўзига қарши ҳар бир бурчакдан тескаричи душманлар қаторлаштирди. 1926 йили Қодирий бошига тушган мусибатда ана шу рақибларнинг қўли, иштироки борлиги аниқ.

1926 йилги «Абдулла Қодиров иши» юзасидан тергов ҳужжатларини варақлаганда бир нарса аён бўлади: ҳуқуқ, адлия ходимлари Қодирийни ҳибсга олган дақиқалардан бошлаб, то суд ҳукми чиқарилгунга қадар

адолат йўлидан бориб ҳақиқатни аниқлаш эмас, ҳар боб билан адибга қўйилган «айб» ларни тасдиқлашга, ҳатто «жиноий ишни» чуқурлаштиришга ҳаракат қилганлар. Қамоқда, тергов пайтида устига бўҳтондан иборат асоссиз айблар қўйилганда, айниқса ҳамкасбларининг юзсизларча мунофиқлик қилаётганлигини, ошкора хиёнат кўчасига кирганини кўрганида адиб қандай аҳволга тушгани, бу иймони бутун, виждони пок, ҳалол, ростгўй, мард инсон қалбида қандай туғёнлар кечганини хаёлан тасаввур қилиш мумкин. Агар ўша кескин драматик руҳий ҳолат тўла тикланса, шекспирона трагедия туғилиши аниқ.

«Абдулла Қодиров иши»га оид ҳужжатлар орасида «Сўроқ мажлиси протоколи» нисбатан батафсил, ўзбек тилида саводли тузилган. Афтидан Қодирийнинг сўзлари адиб томонидан ўз қўли билан ёзиб берилгану, котиб уни оққа кўчирган. Протоколда Қодирий ўзига қўйилган айбларнинг бошдан-оёқ нотўғри, мантиқсиз ва ғаразгўйликдан иборат эканини, ўзининг кимлигини — ўтмиши ва ҳозирги кунини, эътиқоди ҳамда маслагини баён этиб беради. Суддаги «Айбдор Абдулла Қодирийнинг охирги сўзи» деб аталган бу тарихий ҳужжатда Қодирий табиатига хос кўп жиҳатлар— мустаҳкам иймон-эътиқод, катта ақл-заковат, зўр мантиқ, таҳлилий-илмий мушоҳада, ўта ҳақгўйлик, мардона бир шижоат — барчаси ёрқин намоён бўлган. Хийла босиқлик, мулоҳазакорлик билан ижод этилган охирги сўзда, барибир, Қодирийнинг бадиий ижод, ҳиссиёт кишиси экани, унинг ёниқ қалби, юрак туғёни, ғазаби, нафрати, алам-изтироблари, фиғони барча-барчаси баралла сезилиб, эшитилиб туради. Ёзувчи айбдор сифатида ҳибсга олинишига баҳона бўлган «Йиғинди гаплар» мақоласининг ёзилиши, «Муштум» да чиқиши жараёни тўғрисида гапириб, бу ҳодисанинг жонли шоҳидларини келтириб, у аввало масъул муҳаррирнинг розилиги, маъқуллаши, хайрихоҳлиги билан чиққанлигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар билан исботлайди. Қодирий мақоладаги жумҳурият масъул раҳбарлари — Охунбобоев ва Икромовга даҳлдор жумлалар, яъни овсар тилидан айтилган гўё Охунбобоев билан Икромовни танқид қилаётгандай кўринган гаплар аслида улар шахсиятини камситиш, обрўсизлантириш бўлмай, балки бунинг акси, ҳазил-мутоиба — овсарона танқид йўли билан улар ёнини олиш эканини айтади.

Буни тушуниш, англаш учун кишида озгина фаросат, ҳазил-юмор туйғуси бўлиши зарурлигини уқтиради. Шу мақсадда у кулги тарихини эсга олади. Кулги табиатини билмаслик, ҳис этмаслик, умуман бадиият бобидаги бефаросатлик, жаҳолат тарихда қандай фожиаларга олиб келганлигини, бундан ғаразгўй, майда кимсалар қабиҳ ниятларини амалга ошириш учун фойдаланганликларини эслатади.

Қодирийга айниқса бирга ишлаган, кечагина бир дастурхон атрофида ўтирган ҳамкасабаларининг сўроқ пайти «шахсий адоват» орқасида ёлғон гувоҳлик беришлари алам қилади. Ёзувчи уларнинг номларини бирма-бир тилга олиб ўтади. Адиб бундай мунофиқ, тубан шахслар олдида ўзини мардона тутади, бирон ўринда бўлсин паст кетмайди, туҳмату бўҳтонлардан, сиёсий айблар ва дағдағалардан чўчимайди, таҳликага тушмайди, ҳеч кимдан мадад, ҳимоя сўраб ялинмайди, ҳақиқатга тик қарайди. «Мен тўғрилик орқасида бош кетса, «иҳ» дейдиган йигит эмасман» — адибнинг бу гапи ниҳоятда самимий, унда ҳеч қанақа ясамалик, муболаға йўқ. Қодирийнинг суддаги кўп сўзларини унинг ўзига хос эътиқодномаси дейиш мумкин. Аслида бундай эътиқод суддан анча олдин шаклланган. Унингча: «Ҳаммадан илгари шахс ўзини танисин, сўнгра бошқани! Зеро, «ўзини билмаган ўзгани билмас» сўзи турмуш онасининг дард чекиб туққан тўнғич ўғлидир». У ғурур билан «... шу кунгача маним мезоним виждоним бўлиб келди, бундан сўнг ҳам жиловим ўшанинг қўлида», — дейди. Виждонсиз, эътиқодсиз одамлардан ҳеч қачон яхшилик кутиб бўлмайди. «... бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамасидир, қуллик бунёд қилган расво расволарнинг яна ашаддий расвосидир, — дея баҳсни давом эттиради у, — ... шахсий бутунлик, мустақил шахсият қуллик билан зиддир. Шахсий бутунлиги бўлмаган, яъни ўзида ҳақиқатни ихтиёр қила билиш кучи топилмаган ожиз, ихтиёрсиз одамлар жамият учун фойдалик ва чин аъзо бўлолмаслар. Чунки аксар мунофиқлик ва майдалик ихтиёрсиз ҳам ўзига ишончсиз кишилардагина гавдаланиши илмий равишда исбот қилинғондир».

Ҳа, Қодирий ўз қадрини биладиган, виждонли, «шахсий бутун», «мустақил шахсият» соҳиби, мардона, қаҳрамонона, беназир сиймо эди. У фақат суддаги охирги сўзида эмас, уч ойдан ошиқроқ қамоқда ётган

кезлари, терговлар, ҳар хил тазйиқлар пайтида ҳам сира иккиланмай, қатъий туриб ўз шаънини ҳимоя қилади.

Бироқ, шуларга қарамай, Қодирий, барибир тирик инсон. У ҳар қанча мардона шахс, «мустақил шахсият» соҳиби бўлмасин, ўзининг ҳақлигига ишонмасин, ўзи атрофидаги машмашалар туфайли «майда кишилар» қутқуси билан айбсиз айбдор бўлиб қолиши, инқилоб, озодлик ишига жонини тиккан чин ватан фуқаросининг тескаричи сифатида совет ҳокимияти қамоқхонасига тушиши — шоир айтмоқчи, чархи кажрафторининг бу ғаройиб шеваси, бундай мислсиз хўрлик адиб қалбини пора-пора қилади. «Кўнглида шамсий ғуборати, тескаричилик мақсади бўлмаған содда, гўл, виждонлик йигитга бу қадар хўрликдан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир». Адибнинг алам-ўкинчларга тўла бу қалб фиғони уни шу кўйларга солган, шундай қарорга келишга мажбур этган тубан кимсалар, ўша муҳит — вазият устидан чиқарилган зўр айбнома каби янграйди.

Маълумки, октябрь тўнтариши мамлакат, кўҳна Туркистон тақдирида чуқур из қолдирди. Айрим бунёдкорлик ишлари билан баробар инқилобнинг емирувчилик томонлари кенг намоён бўла борди; большевиклар мафкураси ва сиёсати кўпгина софдил зиёлиларни чалғитди; кўҳна ўтмишни, ўтмишдан қолган жамики қадриятларни, дин, ахлоқ, фалсафа, адабиёт ва санъат, кўҳна маданиятнинг кўпдан-кўп нодир намуналарини инкор қилиш кенг ёйилди, янги маданият, адабиётнинг бир қатор пешқадам вакиллари, масалан, инқилобчи шоир Ҳамза «эски турмуш боғлари»ни «қарға-зоғлар»га макон қилиб қолдиришга, «эски турмуш»ни бутунлай бузиб, замон ичра «янги турмуш»ни тузишга чорлади, бу йўлда «Бизга кимки қарши турса, шартта-шартта отамиз!» деб чиқди. Бундай кайфият қисман Қодирийда, унинг публицистик чиқишларида ҳам кўринди. Энг ёмони, инқилобий жангарлик, бетоқатлик туфайли одамлар орасидаги оддий инсоний муносабатлар, Шарқ халқларига, айниқса зиёлиларига хос юксак ахлоқ, одоб-андиша дарз кета бошлади, кишининг ҳар бир хатти-ҳаракатини ғоявий-синфий мезонлар билан ўлчаш, бир-биридан айб, ғоявий хато қидириш, бир-бирининг устидан тегишли идораларга донос — гап етказиш

одат тусини олди, ҳатто бу ҳол 20-йилларнинг ўрталарига келиб, даврнинг ахлоқ нормаси, давлат-партия сиёсати даражасига кўтарилди. Шу тариқа одамлар орасида бир-бирига ишончсизлик, мунофиқлик кенг ёйила бошлади. Боя кўриб ўтганимиздек, Қодирий билан унинг энг яқин кишилари — Назир Тўрақул, Комил Алимов, Ғози Юнус, Зиё Саид каби ҳамкасабалари орасидаги кўнгилсиз можаролар, шу ғайриинсоний, ғайриахлоқий вазият, сиёсатнинг ўзбек зиёлилари ичидаги илк қурбонларидан бири — энг ҳалол, юксак эътиқод, мислсиз истеъдод соҳиби, ҳақгўй адиб Қодирий бўлди.

Қодирий октябрь тўнтариши туфайли сўз эркинлиги, жасорат олдик деб қувонган, энди бор овоз билан ҳақиқатни айтиш, ёзишга чоғланган эди; у инқилобни, янги ҳаётни олқишлаш, ҳимоя қилиш билан баробар янги ҳаёт йўлидаги хилма-хил тўсиқларни фош этишга, совет воқелиги ривожи зиддиятларини холис туриб кўрсатишга жазм этди. У билардики, янги ҳаёт йўлидаги тўсиқлар фақат синфий душманлар — бой, мутаассиб домла-имом, руҳонийлар қаршилигидан иборат эмас, янги дунё қурувчилари ҳаракати, интилишининг ўзи ички зиддиятларга, қарама-қаршиликларга эга эди, қатор чиқишларида, хусусан, ҳажвий асарларида адиб мана шу зиддиятлар моҳиятини очишга, бадиий таҳлил этишга интилди. Аммо унинг бу интилишлари бирин-кетин зарбага учрай бошлади. «Московдан» хатлари тақдирида буни аниқ сезди. «Йиғинди гаплар» даги айрим ҳаёт зиддиятларига юмористик муносабат, ҳукумат кишилари ҳақидаги беозоргина кулги бу қадар шов-шувларга, оғир кўргуликларга олиб келишини у бошда хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Демак, бу даврга келиб, совет воқелиги зиддиятларини кўрсатиш, салгина бўлсин жамият, унинг раҳбарияти ҳақидаги танқидий гап айтиш имкони битди. Хуллас, 1926 йилги Қодирий фожиасининг асл илдизи ўша кезлардаги ижтимоий-сиёсий вазиятга, мамлакатда бошланган октябрь тўнтариши, социализм идеалларидан, большевиклар ваъдаларидан чекиниш ҳодисасига бориб тақалади.

Аммо Қодирийнинг энг катта бахти шундаки, у муайян муддат давр таъсирига берилган, «қизиллашган», замона гирдобида гоҳо бирёқлама сўзлар айтган, давр тўзони ичра қолиб, бошига оғир савдолар тушган бўлмасин, барибир, 20-йиллар алғов-далғовларидан омон

чиқди, оқибат натижада давр тазйиқларини енгиб ўтиб, улардан юқори кўтарила олди, хусусан, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари билан замонасидан бир неча ўн йиллар олға кетди.

Шу пайтга қадар «Ўтган кунлар» романидан парчалар 1922 йилда «Инқилоб» журналида босила бошлаганлигини, 1925 йили асарнинг бўлимлари алоҳида-алоҳида ҳолда, сўнг 1926 йили ёзувчининг жиддий таҳрири билан яхлит ҳолда китоб бўлиб чиққанини билар эдик. Адиб романни қачон ёзишга киришгани ҳақида ҳар хил тахминлар юрарди. 1937 йили Қодирий устидан уюштирилган жиноий иш, тергов материалларининг эълон этилиши туфайли маълум бўлдики, адибнинг ўзи «Ўтган кунлар»ни 1919 йилда ёза бошлаганини айтган. Романнинг 1925 йили чоп этилган биринчи бўлимига илова тариқасида битилган «Узр»да адиб бу асар дунёга келиши биланоқ бахтсизликка учрай бошлагани, «беш йиллаб босила олмай» ётгани ҳақида куйиниб ёзади. Демак, роман 1920 йилдаёқ ёзиб тугатилган, аммо асар қўлёзмаси устидаги иш у тўла ҳолда нашр этилгунга қадар давом этган.

Ёзувчи «Ўтган кунлар»да холис-объектив туриб, ўтган XIX аср ўрталаридаги Туркистон тарихининг, ўзбек халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини беради, муҳим тарихий жараёнларни чуқур бадиий таҳлил этади, даврнинг етакчи ижтимоий кучлари моҳиятини очади, ўша замон кишиларининг аҳвол-руҳияти, орзу-интилишлари, қувонч ва ташвишларини фавқулодда бир маҳорат билан ёрқин образлар орқали кўрсатади. Адиб асар ёзилган давр ҳукмрон мафкураси таъсирига, ўзининг ўша кезлардаги синфий майлларига берилмай, реализмнинг бош принциплари асосида реал ҳаёт қандай бўлса, ўшандайича кўрсатади. Назаримда илк бор худди шу роман орқали ўзбек халқи ўзининг бўй-бастини, асл қиёфасини, ички дунёсини, кучли ва ожиз томонларни бор бўйича худди тиниқ кўзгудагидек аниқ кўрди. Бу роман ўзбек адабиётида реализмнинг ҳақиқий тантанаси, катта ютуғи бўлди.

Адиб ўтмишдан олиб ёзган бу асарида ўтмиш ҳақиқатини асло бузмаган, замонавийлаштирмаган ҳолда замонавий мавзудаги асарларида замонаси ҳақидаги айтолмаган жуда кўп гапларини айтишга, ўзини тўлқинлантирган талай муаммоларга қарашини изҳор этишга эришди. Чор Россиясига муносабат, юрт истиқ-

лоли, миллий давлат тақдири, халқнинг бирлиги, шахс эрки, ахлоқ, оила, севги каби масалалар бўйича ёзувчи илгари сурган ғоялар, хусусан, халқнинг ўтмиши, ўтмиш маданияти инкор этилаётган ўша 20-йиллар шароитида, тарихимизнинг энг кир, қора кунларида ҳам халқимиз орасида ажойиб сиймоларнинг бўлганлиги, улар одамдек яшаб ўтганлиги, уларнинг катта қалби, юксак маданияти, орзу-интилишлари, эл-юрт тақдири ҳақидаги ўйлари, изтироб ва қувончлари тасвири — булар ўша давр маъмурий қўмондонлик сиёсати билан пинҳона баҳс-мунозара самараси эди.

Романни ўзбек ўқувчиси, бутун туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг зукко кишилари катта байрамдек кутиб олдилар, роман тилларда достонга айланди, у қисқа фурсатда қайта-қайта чоп этилди, бир неча тилларга таржима қилинди. Афсус, адабий танқид ўз вақтида романнинг ҳаққоний баҳосини беролмади; ёзувчи М. Шевердин уни зарарли асар деб баҳолади, мунаққид Сотти Ҳусайин «Ўтган кунлар» ҳақидаги рисоласида роман моҳиятини бузиб кўрсатди. Ҳатто Ойбекдек зукко шахс «Абдулла Қодирийнинг ижодий йўли» тадқиқотида адиб маҳорати хусусида илиқ гаплар айтса ҳам, романнинг ғоявий йўналишини бирёқлама талқин этди, асарнинг асл моҳиятини очиб беролмади. Роман тўғрисидаги чин ҳақиқат фақат 60—80-йилларга келиб юзага чиқа бошлади, лекин ҳамон бу ҳақиқат тўлалигича кашф этилгани йўқ. Бу романни ҳар бир давр, ҳар бир китобхон ва, табиийки, ҳар бир адабиётшунос, танқидчи ўзича идрок этади, кашф қилади.

Ҳақли равишда савол туғилади. Ёзувчи 20-йилларнинг бошларида қандай қилиб «Ўтган кунлар»дек, А. Қаҳҳор ибораси билан айтганда, янги давр адабиёти, Европа адабиёти гази билан ўлчаганда ҳам тўлақонли роман яратишга эришди, реализмнинг юксак чўққисига кўтарила олди?

Аввало, Қодирий ноёб истеъдод эгаси. Ойбек айтгандай у ижодда, «турмушни бадиий кўрсатиш» бобида ғоят тез ўсди, унинг насрдаги усталиги тез мукаммаллашди. «Жувонбоз» билан «Улоқда» ҳикоясини қиёслаб кўринг. Орадан бир йил ўтар-ўтмас реализм томон шу қадар олға кетиш ҳайратомуз ҳодиса. Гоҳо бутун бошли адабиёт ва улкан истеъдодлар бунақа тадрижий йўлни босиб ўтиши учун бир неча ўн йиллар

керак бўлади... Бу орада Қодирий юрти катта ижтимоий силсилалар палласига — миллий уйғониш, озодлик, инқилобий воқеалар даврига кирди, адиб бундай ҳаракатларда фаол иштирок этди, сўнг совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида янги ҳаёт, янги маданият, матбуот, адабиёт яратиш учун кетган шиддатли ва зиддиятли курашнинг олдинги сафида борди. Ҳаётдаги инқилобий ўзгаришлар, қизғин фаолият адибдаги катта маънавий-ижодий имкониятларни, ёзувчи истеъдодини яна ҳам тезроқ, тўлароқ юзага чиқишига олиб келди. 20-йиллар адабиётида бунақа ҳодисалар кўп бўлган. Ҳамза, Фитрат, Чўлпон каби улкан санъаткорлар истеъдодининг худди ўша йиллари кенг намоён бўлганлигини эсланг.

«Ўтган кунлар»дек романни яратиш учун ёзувчида муайян тайёргарлик, катта адабий билим, эстетик бисот бўлиши лозим. Ёзувчи ёшлигиданоқ Шарқ ва Ғарб маданияти, адабиёти намуналари билан танишиш имкониятига муяссар бўлди. Рус-тузем мактабида рус тилини эгаллади, Москвада олий журналистика институтида ўқиб, жаҳон адабиёти, маданияти билан яқиндан танишди, мадрасада таълим олиб, араб, форс тилларини, адабиётларини чуқур ўзлаштирди, татарларда ва қардош туркий тилларда чиқиб турган театр ва янги типдаги проза намуналари билан ошна бўлди, ўзи ёзганидек, турк миллий адабиётининг ўша даврдаги машҳур насрчилари Ёқуб Қодирий, Фолиҳ Рафиқий, Равшан Ашраф, Яҳё Камоллар унинг севимли ёзувчилари эди, араб адиби Жўржи Зайдон романларини севиб мутолаа қилди, Зайдонни ўзини роман ёзишга ҳаваслантирган устоз деб атади. Қодирийнинг 20-йилларда ёзган адабий-танқидий мақолаларида рус ва оврупо адабиётининг Данте, Сервантес, Гоголь каби буюк намояндалари номлари учрайди, бугина эмас, ёзувчи бу адиблар ижоди моҳиятини чуқур англаб етган, уларнинг айрим асарлари хусусида теран фикр-мулоҳазалар билдирган. Умуман олганда, 20-йилларда Абдулла Қодирий ҳар тарафлама шаклланган мукаммал реалистик эстетик қарашларга эга эди. Шуниси муҳимки, Қодирийнинг реализмга оид назарий эстетик қарашлари бевосита ижод жараёнида амалиёт билан бирга туғилди, шаклланди. 20-йиллар ўзбек адабиётида ҳеч ким Қодирийчалик реализм назарияси билан бу қадар

кенг машғул бўлмаган. Қолаверса, ўша кезлари бизда ҳеч ким реализм бобида ижодда Қодирий даражасига кўтарила олмаган. Жаҳон адабиётидан яхши биламизки, реализмнинг эстетик концепциясини биринчи галда реалист адибларнинг ўзлари ишлаб чиққанлар. Ўзбек адабиётида шу буюк вазифани ўташ биринчи галда буюк реалист адиб Қодирий зиммасига тушди.

20-йиллар ўрталарига келиб, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда таркиб топа бошлаган носоғлом муҳит — вазият унинг кўп эзгу ниятлари йўлига ғов солди. Ёзувчининг номи эл орасида достон бўлган, «Ўтган кунлар» романи босилиб, қўлма-қўл бўлиб ўқилаётган, адиб хаёли янги-янги ижодий режалар билан банд бўлиб юрган бир пайтда у, кўриб ўтганимиздек, мудҳиш муҳитнинг, нобоп сиёсатнинг қурбонига айланди, ёзувчи айтмоқчи, маънавий ўлим билан ўлдирилди. Адибнинг ҳаётдан, ижоддан, ҳамкасб дўстларидан ихлоси қайтди, ҳафсаласи пир бўлди, энди у жисмоний ўлимга ҳам рози эди. Яхшиямки, ҳали асл инсоний сифатлар ҳаёт экан, одамлар, ҳамкасблар орасида инсоф, диёнат тугаб битмаган экан, юқори доираларда инсофу адолат йўлини тутадиганлар бор экан. Ёзувчи қамоқда эканида кўплар Қодирий ва Қодирийлар хонадонидан юз ўгириб кетганида, машҳур драматург Ғулом Зафарий Қодирийлар оиласи жонига оро киради, ҳолидан хабар олиб туради, онаси номидан тергов органларига аризалар ёзиб, Қодирий мушкулини осонлаштириш йўлини қидиради. Халқ оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев Қодирий устидаги машмашалардан огоҳ бўлгач, адиб ёнини олади, унинг ташаббуси билан ижтимоий шўролар жумҳурияти Олий суд ҳукмини бекор қилади. Қодирий озодликка чиқади.

Қамоқда инсонлик шаъни, номуси топталиб, ўзини маънавий ўлган ҳисоблаган адиб ҳақиқат тантана қилиб, озодликка чиққач, кўп ўтмай яна ўзига кела бошлайди. Аммо бўлиб ўтган даҳшатли қуюн асорати бир умрга кўнглида, тақдирида, фаолиятида ўз таъсирини, қора кўланкасини қолдирди. Аввало, 1926 йил можаросидан сўнг у матбуотдан, ижтимоий ишлардан кетади, етти-саккиз йил давом этган жўшқин журналистик-публицистик фаолият энг авжида бирдан узилиб қолади. Шундан сўнг ҳам Қодирий гоҳо-гоҳо матбуотда адабий-танқидий, публицистик мақолалар билан кўринади, аммо ғаламислар қилмиши, нобоп муҳит тазйиқи

туфайли ўзбек миллий матбуоти, публицистикаси, бинобарин, кенг журналхонлар, газетхонлар оммаси ўзининг тенгсиз соҳиби қаламидан, жонкуяр фаол матбаа ташкилотчисидан тириклайин айрилди. Бунинг учун тарих ўша қаллоб кимсаларни, ўша мудҳиш муҳит жиноятини ҳеч қачон кечирмайди.

Қодирий озодликка чиқиб, маълум муддат нафасини ростлаб олгач, 1926 йил кузида «Ўтган кунлар» устидаги иш пайтидаёқ ўйлаб қўйган режасини рўёбга чиқариш — «Меҳробдан чаён» романини ёзишга киришади. Роман нисбатан тез ёзилди, 1928 йилнинг февраль ойида асар устидаги иш интиҳосига етди, роман 1929 йил мартида Самарқандда босилиб чиқди. Гарчи бу асар мавзуи ҳам ўтган асрдан, кейинги хонлик замонидан олинган бўлса ҳам, давр воқеаларини, ижтимоий жараёнларни, зиддиятларни, давр одамлари руҳияти, орзу-интилишлари, кечинмаларини ҳаққоний, бетакрор тарзда зўр реалистик куч билан ифода этган бўлса ҳам, ундаги замонавий руҳ жуда кучли.

Юқорида айтилганидек, 1926 йили Қодирий бошига тушган савдолар қоғозга туширилса, зўр фожеий асар пайдо бўлиши мумкин эди, аммо бунинг иложи йўқ эканлигини Қодирий яхши биларди. «Меҳробдан чаён» романини ҳар гал қайта ўқиганда шахсан менга унда ёзувчи гўё 1926 йил фожиалари ҳақида ҳикоя қилаётгандай, ўша мудҳиш можароларни ўтган асрга кўчириб хонлик саройи, саройдаги муншийлар орасидаги зиддиятларга ўраб, ўзгача кўринишда гавдалантираётгандай бўлиб туюлаверади. Асарни «Меҳробдан чаён» деб аташ, унда кўпроқ зиёлилар — мадраса кўрган мактабдор мулла одамларни қаҳрамон қилиб танлашдан мурод айрим адабиётшунослар ўйлаганича, «мусулмон руҳонийларининг реакцион ролини фош этиш» дангина иборат эмас, балки муқаддас даргоҳдан чиққан, муқаддас даргоҳга номуносиб, мунофиқ, қаллоб, тубан кимсаларга, зиёли, билимли бўла туриб илмига амал қилмайдиган, муқаддас даргоҳни, эътиқодни оёқ ости этадиган, шахсий манфаат, мансаб-мартаба йўлида ҳеч нарсадан тоймайдиган, истеъдодли, ҳалол одамларни кўролмайдиган ҳасадгўйлар қилмишига ишорадир. Кўпинча «Ўтган кунлар»даги Отабекни Қодирийнинг ўзига қиёс қиладилар. Отабекда ҳам, қолаверса адибнинг бошқа йирик асарлари бош қаҳрамонлари образи сиймосида ҳам ёзувчининг ўзидан

ALISHER NAVOIY NOMIDAGI TOSHKENT DAVLAT KUTUBXONASI

кўчиб ўтган анчагина жиҳатлар, хислат-хусусиятлар бор. Аммо «Меҳробдан чаён»даги Анвар қисматида, унинг теварагидаги фисқу фасодлар, қаллоблар қутқуси билан бошига тушган кулфат-кўргуликлар, қалб изтиробларига чексиз нафрати ифодасида Қодирийнинг ўз бошидан ўтган, қалбидан кечган изтиробларини шундоққина билиниб, кўриниб турибди. Зотан, «Меҳробдан чаён» устида иш олиб бораётганида «маънавий ўлим билан ўлдирилган» Қодирийнинг қалб яраси ҳали битиб улгурмаган эди ... Эҳтимол, роман услубидаги муайян шиддат, ошкора публицистик талқинлар ёзувчининг ўша кезлардаги руҳий ҳолати билан ҳам изоҳланар. Албатта, «Меҳробдан чаён»дек етук романнинг асосий пафоси, маъно кўламини фақат ёзувчи биографиясидаги драмалар билангина чеклаб қўйиш ҳам тўғри эмас.

Абдулла Қодирийнинг ижодий қисмати тимсолида умуман 20—30-йиллар ўзбек адабиёти ривожига хос зиддиятли, драматик жараёнларни кўриш-кузатиш мумкин. Ҳар қанча мураккаб, алғов-далғовларга тўла бўлмасин, 20-йиллардаги адабий ҳаёт чиндан ҳам кўпқиррали жўшқин жараён сифатида борди; жамики кам-кўстларига қарамай, адабиётда хилма-хил ижодий майллар, қарашлар, ранг-баранг истеъдодларнинг, кутилмаган фавқулодда бадиий кашфиётларнинг юзага чиқишига, кўнгилдаги гапларни рўй-рост айтишга, ижодий изланишларга имкон бор эди. Бора-бора мана шу имкониятлар торайди, гуё ҳар бири ўзича садо бериб, шарқираб оқиб, яхлит миллий адабиёт уммонига қуйилган ирмоқлар қаттиққўл миробнинг назорати остида бир ўзанга йиғилиб, бетон ариққа солиб юборилди, шу тариқа ҳар бир ирмоқ ўз қиёфаси, овозини йўқота бошлади. Ҳамма бир хилда фикрлаб, бир хил гапни айтишга мажбур этилди. Бу ҳақиқий истеъдод эгаси учун оғир кўргулик эди. Ўша кезлари замон шароити ва мажбурияти олдида осонгина таслим бўлиб, нуқул юқори идорадагилар юргизган сиёсатнинг, ҳукмрон мафкуранинг қулига, ҳозиржавоб тарғиботчисига айланган ижодкорлар ҳам кўп бўлди. Бироқ қанчалар қаршиликка, зарбага учрамасин, гоҳо замона билан муайян даражада йўлигагина муросага борса ҳам, барибир моҳият эътибори билан ўзлигига, иймон-эътиқодига, ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолган мардона адиблар ҳам бор эди. Ўзбек адабиётида Чўлпон билан Қо-

дирий шулар жумласидан. Чўлпон кўп танқид ва таъқиблардан сўнг 20-йиллар охирига келиб, шеъриятда кўнгил розини изҳор этишдан бир мунча тийилди, давр ўзанига тушиб, дилидагиларига зид гапларни шеърга сола бошлади. Аммо айни пайтда чин қалб розини ифодалаш учун бошқа йўллар ахтарди. Қодирий каби ўтмишга мурожаат этиб, йирик роман «Кеча ва кундуз» ни ёзди, дил розларига ҳамоханг жаҳон адабиёти дурдоналарини она тилига зўр маҳорат билан таржима этди. Бу 30-йиллар шароитида кўнгил розини изҳор этиш, чин ҳақиқатни айтиш йўлида дадил қадам эди. Ўша 30-йилларнинг ўта қалтис шароитида Қодирийнинг замонаси воқеаларига фаол муносабат, ўткир муаммоларига жавоб тариқасида «Обид кетмон» романини яратиши ҳақиқатан ҳам катта жасорат бўлди. «Обид кетмон» ҳам замонасининг етакчи адабий ўзанига тушмайдиган, ҳукмрон мафкурага мос келмайдиган асарлар жумласидан.

Қодирийнинг машъум 1926 йилдан кейинги ҳаёти, ижодий қисмати ғалати жумбоқ. Бир қарасангиз, Қодирий ижтимоий фаолият, идора ишлари, ташвишларидан озод, эркин ижод кишиси; у Тошкентнинг Самарқанд дарвоза даҳасидаги боғида тинчгина ижод, мароқли жисмоний меҳнат билан банд; ўз режаси асосида қурдирган машҳур шийпонида ҳар хил меҳмонларни кутиш, атоқли ёзувчи, рассом, бастакор, хонандалар билан суҳбат, баҳс қуриш билан банд. Унинг ҳузурида А. Толстой, С. Айний, Сўфизода каби таниқли адиблар меҳмон бўлади, кўплаб ёш истеъдодлар уни зиёрат қилиш, суҳбатини олиш учун келишади... Баъзи замондошларининг хотира-мақолаларида талқин этилишича, Қодирий ўша кезларда гўё Лев Толстой ўзининг Ясная Полянадаги боғ-мулкидаги каби фароғатда яшаб ижод этгандай ... Л. Толстой катта граф эди, унинг молмулки ҳадсиз-ҳисобсиз эди. У ҳам ўзига хос ташвишлар билан яшаса-да, унинг учун ижодий режаларни рўёбга чиқаришда Қодирий олдидаги каби тўсиқлар йўқ эди. Қодирийнинг туриш-турмуши, тирикчилиги ҳам бир нави, қўл учида кун кўрар эди, уч танобдан ошиқроқ боғдан келадиган даромад билан катта рўзғорни тебратиш мумкин эмасди. Ҳ. Қодирийнинг эслашича, Қодирий «Ўтган кунлар» учун олинган қалам ҳақини танишларидан бирига қарзга бериб, доғда қолади, у одам қарзини бермай кетади; «Меҳробдан чаён» учун

олинган қалам ҳақи ҳам арзимас пул бўлган. Адиб аввалгидек бирор идорада ишламайди, даромади йўқ. Ҳ. Қодирий отаси ҳақидаги хотираларида адибнинг ўша кезлардаги тирикчилигига оид йўл-йўлакай айтган гапларини, келтирган фактларини ўқиб, кишининг юрак бағри эзилиб кетади. Қарангки, буюк сиймо, тенгсиз санъаткор Қодирий рўзғор тебратиш ниятида бировларга ариза ёзиб беради, кўнгил майлларидан йироқ нарсаларни таржима қилади, чунончи, 1928 йилда у татар олими Абдулла Шуносийнинг уч бўлимдан иборат ўрта мактаблар учун ёзилган «Физика курси» ўқув китобини ўзбекчалаштиради, маънавий эҳтиёж эмас, балким кўпроқ сабаби тирикчилик учун ҳар хил бадиий таржималар билан машғул бўлади. Қодирий бунда ўзини эмас, кўпроқ оиласини, фарзандларини ўйлайди. 1937 йил баҳорида қаттиқ хаста бўлиб қолган пайтда динга қарши адабий мажмуа таржималари рўйхатини тузиб, «14-қисм таржима учун Ўздавнашрдан оладиган қалам ҳақимни олиш ваколатимни Ҳабибулло Абдулла ўғлига топшираман», деган дастхатни ёзиб қолдиради...

Партия Марказий Қўмитасининг 1932 йилги «Адабий-бадиий ташкилотларни қайта қуриш ҳақида» деб чиқарган қароридан кейин Қодирийга муносабат бирмунча ўзгарди. Қодирийнинг ўзи ҳам катта умид билан бу қарорни «Қутилган гўзал совға» дея олқишлайди; «шўра адабиёти бу тарихдан бошлаб, ўз қаноти остига шу кунгача социализм қозонида қайнамай келган «эскироқ» ёзувчиларни ҳам олди, уларга раҳбарлик қилди. Турли моддий ва маънавий ёрдамлар берди... Мен ўзимни Марказкўмнинг улуғ қароридан сўнг шўро қаноти остига кирган ёзувчилар гуруҳига мансуб ҳис қиламан», — деб ёзади у 1934 йилда. Дарҳақиқат, ўша кезларда партия ва ҳукумат раҳбарлари — Акмал Икромов, Файзулла Хўжаев, Йўлдош Охунбобоевлар Қодирийга эътибор билан қарайдилар, жумҳурият ёзувчилар союзи ташкил этилгач, уни союз аъзолигига қабул қиладилар; союз раҳбарияти — Қурбон Берегин, Раҳмат Мажидий, Назир Сафаровлар Қодирий ҳолидан хабар олиб, уни жамоат ишларига, адабий ҳаётга тортишга уринадилар, ижодий ишлар бўйича уни ёзувчилар сафида Москвага, Қозонга юборадилар; қишлоқ ҳаётидан йирик асар яратмоқчи бўлганида, унинг бу ташаббусини қўллаб, қайноқ ҳаёт ичига киришида кўмаклаша-

дилар. Бироқ бундай ҳиммат узоққа бормайди. Қодирий бошқалар каби ҳайбаракаллачилик йўлига ўтмайди, раҳбарият ҳиммати учун улар йўриғида йўрғалamайди. Унинг қишлоқ ҳаётидан олиб ёзган «Обид кетмон» романи ҳам раҳбарият кутган сталинча коллективлаштириш сиёсатини қўллаб-қувватловчи, улуғловчи асар бўлиб чиқмади... Бунинг устига мамлакат осмонида Сталин қонли сиёсати туфайли қўзғолган тўзоннинг қора булутлари тобора қуюқлашди; социализм олға борган сари синфий кураш, душман синфи қаршилиги кучая боради, деган қараш илгари сурилиб, «душман» қидириш, «ёт унсур»ларни фош этиш жазаваси авжига чиқади. Мана шу тўзон, жазаванинг ўзбек адабиётидаги илк қурбонларидан бири яна ўша ҳақиқатгўй, иймони бутун мардона шахс, буюк сиймо Қодирий бўлди. Матбуотда Қодирийга яна ҳужум бошланди, айниқса машъум 1937 йилга келиб, бу иш авжига чиқди. Ўша йили матбуотда адибни «ер билан яксон этиш»га қаратилган элликдан ортиқ мақола босилди. «Улар бош мақола, обзор, «илмий текширув», ахборот тарзида ёзилган бўлиб, имзолик-имзосиз босилаверган. Хуллас, кимнингки мақола ёзгиси келса, обрў орттираман, ишонч қозонаман деса, ҳеч иккиланмай Абдулла Қодирийни дўппослайверади ва ҳеч хато қилмай мақсадига эришаверади. «Гўё Абдулла Қодирий ўзбек совет адабиётининг бирдан-бир мудҳиш айбдори...» — дейди Ҳ. Қодирий алам-изтироб билан «Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира-қиссасида.

«Қодирийнинг сўнгги кунлари» хотира-қиссаси муаллифи архивларда сақланиб қолган тарихий ҳужжатлар асосида ўша қонли йилларнинг шафқатсиз ҳақиқатини очиб ташлади. Юқорининг топшириғи билан 1937 йил августида Ёзувчилар союзида ўтказилган тозалаш кампанияси, муҳокама мажлиси, сўнгра сентябрь ойида бўлиб ўтган пленумда, жумладан Қодирий теварагидаги беҳаёларча машмаша, яқингинада Қодирийга ҳавас ва эҳтиром билан қараган кишиларнинг Қодирийдек адибга юзсизларча ҳамлалар қилиши, унга ғоявий айблар, машъум ёрлиқлар қадаши, ниҳоят Қодирийнинг ёзувчилар Союзидан чиқарилиши — ана шундай шармандали воқеалар юз берган онлар тарихимизнинг, маданиятимизнинг энг кир, қора кунлари бўлиб қ.чажак.

Қодирий бошида қора булутлар қуюқлашган ўша

кезлари адибнинг яқинлари, меҳрибон таниш-билишлари уни бало-офатлардан сақлаб қолиш ҳақида қайғурганлар, унга ҳар хил маслаҳатлар берганлар. Ҳ. Қодирийнинг ёзишича, Тошкентнинг машҳур кишиларидан Маннон табиб унга «дадангга бориб секин айт, у албатта ўзини Тошкентдан четроққа олсин», дейди. Ҳ. Қодирий бўлган гапни дадасига етказганида, у чуқур ўйга толиб, сўнг: «Менинг ҳеч гуноҳим йўқ! Гуноҳсизни қамамасалар керак... Йўқ гуноҳни бўйинга олиб, ватанни тарк этиш, халқ кўнглига шубҳа солиш... аллақайси жойларда бўйин эгиб, сарғайиб юриш... Йўқ, бўлмайди! ..» дея қатъий жавоб қилади. Ғоят ориятли мардона шахс Қодирий бундай маслаҳатга кўниши асло мумкин эмас эди.

Ёзувчилар союзида бўлиб ўтган ўша шармандали муҳокамадан, пленумдан сўнг орадан тўрт ой ўтар-ўтмас 1937 йилнинг 31 декабрь куни кечқурун Қодирий ҳибсга олинади. Ўша кезларда адиб қаттиқ хаста эди, руҳий замзама — қийноқлар оқибатида адиб баданига эгзема тошиб, дард азобидан ўзини қўярга жой тополмас эди; бунинг устига катта ўғил Ҳабибулла суяк сили касалига йўлиқиб, гипсда ётарди. Қодирий ўз дарди қолиб, ўғли ҳаётини, соғлиғини ўйларди. Ана шундай ғамли кунларда у қамоққа тушди. Шу кетганича ундан узоқ йиллар дом-дарак бўлмади. Оила аъзолари, яқинлари, соғайиб оёққа турган Ҳабибулланинг сўраб-сўроқлашлари ҳам ҳеч қандай наф бермади. Қодирийнинг кейинги ҳаёти ҳақида сўнгги йилларга қадар ҳар хил гаплар, тахминлар юрарди, ҳибсдаги қисмати, унга қандай айб қўйилгани, қачон ва қаерда вафот этгани ҳам маълум эмас эди. Ниҳоят, ошкоралик, демократия кунларига келиб Абдулла Қодирийнинг Давлат хавфсизлик комитетида сақланаётган «жиноят иши»га оид ҳужжатлар тарихчи олим Р. Сафаровнинг «Хўрликдан ўлим тансиқроқдир — Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодий аҳволига доир янги маълумотлар» сарлавҳали мақоласи («Тошкент ҳақиқати», 1989 йил, 21 ва 23 ноябрь) орқали илк бор жамоатчиликка маълум этилди.

Қодирийнинг «жиноий иши»даги ҳужжатлар, аминмизки, ҳали атрофлича ўрганилади, чуқур таҳлил этилади, улар ҳақида хилма-хил фикр-мулоҳазалар айтилади. Бу ҳужжатларга ёндашганда ҳаммадан бурун бир ҳолатни ҳисобга олиш, «жиноий иш»даги жа-

мики далил-ашёлар 1937—38 йилларнинг маҳсули эканлигини, улар ўша давр шароити қонуниятлари асосида уюштирилганлигини ва тартибга солинганлигини асло унутмаслик даркор. Тергов ходимлари «айбдор» ҳақидаги ҳақиқатни очиш-аниқлашга эмас, ҳар боб билан уни қоралашга, фош этишга, айбини бўйнига қўйиб, жавобгарликка тортишга ҳаракат қилганлар. Шу ниятда асл ҳақиқат сохталаштирилади, мавжуд фактларга ўзгача маъно берилади, жиноий ҳолатни кучайтириш учун кўп нарсалар тўқиб, бичилади. Терговда Қодирийга қўйилган айбларга қаранг: эмишки, Қодирий аксилинқилобий миллатчи «Миллий иттиҳод» ташкилотининг аъзоси бўлган ва кўп йиллар давомида совет ҳокимияти ва партияга қарши аксилинқилобий кураш олиб борган; матбуотда бир неча бор партия сиёсати ва ҳукумат раҳбарларига қарши аксилинқилобий ва туҳматдан иборат кескин чиқишлар қилган; яксон этилган пан-туркча ташкилотнинг аксилинқилобий ишларида фаол қатнашган; йиғинларда доимий равишда советларга қарши аксилинқилобий фикрларни тарғиб қилган ва ҳоказо.

Ёдингизда бўлса, 1926 йилги тергов чоғида ҳам Қодирийга шу хил айбларнинг баъзилари тақалган эди. Аммо терговда, сўнгра суддаги охирги сўзида адиб бундай даъволарнинг барчасини мардона туриб инкор этади, ўзига қўйилган айбларнинг сохта ва мантиқсиз эканлигини рад этиш мумкин бўлмаган далиллар орқали исботлайди. Бу ерда эса қўйилган айбларнинг кўпчилигини ҳеч қандай қаршиликсиз бўйнига олаверади. Масалан, 1926 йилги фожеий воқеа устида сўз борганда, ўшанда судда айтган гапларига зид ўлароқ, «матбуотда советларга қарши чиқишларим учун ҳибсга олиниб, жавобгарликка тортилган эдим» дейди; бир вақтлар матбуот, жумладан, «Муштум» орқали Октябрь инқилоби, советлар, меҳнаткаш ишчидеҳқонлар манфаатига сидқидилдан хизмат қилганлигини фахр билан такрор-такрор таъкидлаган адиб бу ерда «Муштум» журналида фаол иштирок этиш билан «советларга қарши курашганлиги»ни эътироф этади; бир вақтлар ўзини «ғоя ва иш эътибори билан чин коммунист» санаган одам, бу ерда бирдан бошқа шахсга айланади, «ўзимнинг буржуа миллатчиси эканлигимни тасдиқлайман ва матбуот ҳамда адабиёт соҳасида олиб борган советларга қарши ва миллатчилик

фаолиятим учун тўла жавобгарман», — дейди. Асарларининг, ижодининг ғоявий йўналиши ҳақидаги тутруқсиз даъволарнинг айтарли барчасини тан олади...

1926 йилда судда «мен тўғрилик орқасида бош кетса «их» дейдиган йигит эмасман», «маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга қўрқинч эмасдир», деб ҳайқирган довюрак сиймо 1938 йилга келиб, нега бунақа итоаткор, муте одамга айланди, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, 1938 йилги сўроқ 1926 йилги тергов эмас. Замон бутунлай ўзгарган, оддий инсоний ҳуқуқлар, демократия унсурлари тугаб битган, ҳақиқат, социал адолат тушунчалари топталиб яксон бўлган, хавфсизлик, суд, тергов органлари қутурган авторитар қўмондонлик тизимининг емирувчи-маҳв этувчи машинасига айлантирилган эди. Мен аминманки, Қодирий 1938 йилги терговда ҳам ўша биз билган Қодирийлигича қолган, аслида у ўзини айбдор деб санаган эмас. Ўша ясама ҳужжатларда ҳам гоҳо асл ҳақиқатдан далолат берувчи — Қодирий ўзига қўйилган асоссиз айбларни қатъий туриб рад этганлигини тасдиқловчи айрим тафсилотлар сақланиб қолган. Чунончи, у «аксилинқилобий ташкилотга аъзо экани» ҳақидаги кўрсатмани бир неча бор инкор этади, айрим асарларини, жумладан, «Обид кетмон» романини аксилинқилобий, миллатчилик руҳидаги асар ҳисобламайман», дейди. Қодирийни қамоққа олган, уни қайта-қайта сўроқ қилган терговчи Н. И. Тригулов кейинчалик 1956 йил, 24 декабрда терговда берган жавобида Абдулла Қодирий қамоққа олинган биринчи кундан бошлаб бўйнига тақалган барча айбларни инкор этганлигини, сира тан олмаганлигини айтади. Эҳтимол, ҳам хўрлик, ҳам оғир дард азобини чекаётган хаста адибнинг ўзига қўйилган асоссиз айбларни мардона туриб охиригача рад этишга жисмонан қурби етмагандир... Балким, у жаллодларнинг зўравонлиги, ваҳшиёна калтаклаши туфайли хушдан кетиб, ўзига келган кезларда ўша ваҳший терговчиларнинг ўзлари тузган, ясаган «протоколлар»га имзо чекишга мажбур бўлгандир. Ҳужжатлардаги Қодирий «эътирофлари»нинг бизни ажаблантирган сири шунда. Тергов ҳужжатлари билан танишган, Қодирийнинг қандай шахс-сиймо эканини билган ҳар бир ҳушёр одам учун уларнинг бошдан-оёқ сохта, атайи ясалган экани шундоққина кўриниб турибди. Бу ҳужжатлар Қодирийни эмас, уларнинг

«ижодкорлари»ни айблайди, фош этади. «Қодирий иши»да қотиллар қилмишининг мисини чиқарадиган даҳшатли фактлар бор. Улар билиб-билмай, ўз қўллари билан ўзлари учун абадул абад тавқи лаънат тамғаси бўладиган ҳужжат қолдирганлар. Маълум бўлишича, Қодирий ишини суднинг ёпиқ мажлисида, қораловчи томоннинг ҳамда ҳимоячининг иштирокисиз, гувоҳларни чақирмасдан кўриб чиқишга қарор қилинган. Суд мажлиси 1938 йилнинг 5 октябрь куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтади. Бу мажлис соат 12 дан 45 минут ўтганда бошланиб, 13.00 да тугайди. Қодирий охирги сўзида Ватан манфаатлари йўлида ҳалол меҳнат қилиш учун имконият яратиб берилишини сўрайди. Аммо суд уни олий жазо — отувга ҳукм қилади. Қандай даҳшат, Қодирийдек буюк сиймо қисмати бор-йўғи 15 минут ичида ҳал этилади! Бундан ҳам даҳшатлиси, «Қодирий иши» даги маълумотномада суддан бир кун илгари 4 октябрда ҳукм ижро этилгани кўрсатилган. Фақат Қодирий эмас, Чўлпон, Фитрат каби алломалар қисмати ҳам худди шу кунларда ўша тарзда ҳал этилган... «Қодирий иши» билан илк бор танишган Р. Сафаров юқорида биз тилга олган мақоласида бундай деб ёзади: «Демак, Қодирий судгача отиб ташланибди-да? Гумонларимни тажрибали адлия ходимларига айтиб кўрдим. «Худди шундай» — дейишди улар, — ҳукмнинг ҳукм чиқарилгунга қадар ижро этилганлиги эҳтимолдан холи эмас. У кезларда бундай нарсалар оддий воқеа ҳисобланарди. Маҳбуснинг тақдири судгача, ҳибсга олиш пайтида, балким, ундан олдинроқ ҳал этиб қўйилган бўлса ажаб эмас». Бу сўзлардан баданларим жимирлашиб кетди, бутун вужудимга қўрқув югургандек бўлди».

Шу тариқа Абдулла Қодирий 1938 йилнинг 4 октябрида машъум сталинизм жаллодлари томонидан Тошкентда қатл этилди. Аммо унинг табаррук жисми қаерда дафн этилгани, хоки қаерда экани аниқ маълум эмас.

Қодирий ҳибсга олингач, кўп ўтмай, оиласини таъқиб этиш бошланади. Қодирийнинг ҳовли-жойини тортиб олишга чоғланадилар, бунга эришадилар ҳам. Қодирийнинг машҳур шийпони жойлашган боғни, Қодирий ўз қўли билан ўстирган мевазорларни пайҳон қиладилар, бу табаррук масканни отхонага, чўчқахонага айлантирадилар. Қодирий асарлари зарарли ,сана-

либ, маҳв этилади, уларни ўқиш тақиқланади, Қодирий асарларини яшириб ўқиган ёки адиб ҳақида бирор калима илиқ гап айтган неча ўнлаб одамларнинг ёстиғи қуритилади, кейинроқ Қодирийнинг катта ўғли — ТошМИ толиби Ҳабибулла Қодирий «халқ душманининг фарзанди» сифатида ҳибсга олиниб, сургун қилинади. Бундай таъқибу таҳқирлар йигирма йилча давом этди. Ниҳоят, расмий доираларда шахсга сиғиниш қораланиб, унинг оқибатларини тугатишга киришилгач, бу мудҳиш ҳодисанинг кўпгина қурбонлари қатори Абдулла Қодирий ҳам оқланди, адолат қарор топди, 1958 йилдан бошлаб унинг қутлуғ номи, асарлари халққа қайтарила бошланди. Бу ҳол халқимиз, маданиятимиз учун қутлуғ байрам бўлди. 30-йилларнинг машъум юҳоси Қодирийни ўз домига тортиб кетди, уни жисман йўқ қилди, аммо у яратган маънавий бойликни йўқотолмади. Қодирий барпо этган боғ—гўзаллик чамани мангу қолаверади, неча-неча авлодларга маънавий озиқ, битмас-туганмас завқ-шавқ ато этаверади. Бироқ шундай улуғ зотнинг фожеий қисмати авлодлар кўнглида мангу армон бўлиб қолади.

ОТАГА ТАЪЗИМ

Адабиёт тарихидан аёнки, ёзувчи-санъаткорнинг ижодий тақдирида яқин одамлар — ота-она, оға-инилар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар, ёру биродарлар, устозларнинг таъсири, ўрни ғоят катта бўлади, аксар ҳолларда улар адиблар яратган асарларда гоҳо ошкора, гоҳо пинҳона — руҳан иштирок этадилар. Бу ҳол айниқса реалистик адабиётда ўзгача тарзда кўринади. Улкан реалист адибларнинг кўпчилиги ҳаёт довонларидан ўта бориб, болалик йилларига қайта-қайта мурожаат этганлар, болалик йиллари ҳақида хотира асарлари яратиб, қадрдонлари сиймосини муҳрлаб қолдирганлар. Рус адабиётида Л. Толстойдан тортиб М. Горькийгача ўнлаб адибларнинг, бизда эса Айний, Ойбек, Ғ. Ғулом, А. Қаҳҳор, Н. Сафаровларнинг бу борада яхши анъана-тажрибалари бор.

Мен аминманки, буюк адиб Абдулла Қодирий 30-йиллар қатағонига дуч келмаганида, узоқроқ яшаганида албатта болалик йиллари ҳақида махсус хотира асарлар яратган, биринчи галда муҳтарам падари бузруквори, волидаи муҳтарамаси, қолаверса кўплаб

жигарбандлари, қадрдонлари хусусида дил сўзларини батафсил ифода этган бўларди. Бу беназир сиймо болалик хотираларига оид асарлар яратишга имкон бўлмаслигини олдиндан сезган шекилли, ўзи учун қадрдон айрим шахслар, хусусан, отасига оид ғоят муҳим маълумотларни, отага бўлган чексиз ҳурмат, таъзим-эҳтиромини, миннатдорчилик туйғуларини турли шаклларда изҳор этиб қолдирган.

Назаримда Қодирийнинг илк бор ўзлигини англаши, бу шафқатсиз ҳаётни таниши отасини, унинг ҳолини, турмушдаги мавқеини англашдан бошланган. «Бошда бой оилада туғилдимми ёки камбағал оиладами, албатта билмадим. Аммо ёшим 7—8 га етгач, қорним ошқа тўймағонидан, устим тузукроқ кийим кўрмаганидан аниқ билдимки, беш жоннинг томоғи фақат 80 ёшлик бир чол отамнинг меҳнатидан, 1300 саржин боғнинг ёзда етиштириб берадиган ҳосилидан келар экан. Агар баҳор ёмон келиб, боғ мевалари офатга учраб қолса, биз ҳам очлиққа дуч келиб, қиши билан жоврашиб чиқар эканмиз».

Дарвоқе, Абдулла дунёга келганида отаси Қодир бобо 72 ёшларда бўлган. Ҳабибулла Қодирий «Отам ҳақида» китобида берган маълумотга кўра Қодир бобо тахминан 1821 йили туғилиб, 1924 йили 104 ёшида вафот этган. У тўрт марта уйланган, олдинги уч хотинидан фарзанд бўлмаган ёки бўлса ҳам турмаган; баъзи хотинлари қазо қилган, баъзилари билан ажралишган. Ниҳоят, Қодир бобо тирноқ илинжида 50 ёшларида 15—16 ёшли Жосият исмли қизни никоҳига олади. Жосият биби ўғли Раҳимбердидан сўнг бирин-кетин 12 фарзанд кўради, бироқ барчасини қора ерга беради. Шундан кейин бу оила ирим қилиб, Эскижўвадаги ҳовлиларини сотиб, Самарқанд дарвозадаги боғ ҳовлиларига яқинроқ бўлган Эшонгузар маҳалласидан қуруқ ер олиб, янги уй қуради, шу янги уйда 1894 йили Абдулла туғилади... Абдулла 7—8 ёшга етиб ақлини таний бошлаганда кўпни кўрган ота қартайиб, бутун бошли катта рўзғор бир парча ер —боғ-ҳовлидан келадиган даромадга боғланиб қолган эди. Таржимаи ҳолдаги эътирофдан сезилиб турибдики, Қодирий болалигидаёқ ота ҳолини чуқур бир изтироб билан ҳис эта бошлаган.

Қодир бобо бўлғувси адиб Абдулла Қодирий учун тирик тарих, нақд ноёб хазинанинг ўзгинаси эди.

Қодирий тарихий асарлари учун қимматли маълумотларни аввало шу одамдан олди. Бу ажойиб сиймо Қодирийни машҳур романларида акс этган давр билан бевосита туташтирувчи олтин ҳалқа ролини ўтади. Қодирий 1922 йили ёзган «Отам ҳам большевик» номли хотира-ҳикоясида бу табаррук зот ҳаёт йўлининг энг муҳим паллалари, сажия-характерининг айрим жиҳатлари ҳақида самимият билан сўзлайди. Даставвал, бу одам руслар келганида 42 ёшларда бўлиб, Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қилганларнинг бири эканини айтади, сўнг унинг кўрганларини бирма-бир санайди: Қодир бобо Туркистон хонларидан Шералихонни, ундан сўнг Худоёрхон, Маллахон, бу орада йиллаб ва ойлаб хонлик қилиб ўтган Муродхон, Саид Султонхон ва бошқа хонларни; Тошкент бекларидан (ҳокимларидан) Муҳаммад Шариф оталиқ, Салимсоқбек (бу зот Бухоро амири томонидан Тошкент беклигига қўйилган, Мусулмонқул томонидан ўлдирилган), Азизбек, Нормуҳаммад қушбеги, Шодмон ўроқ, Мирза Аҳмад қушбеги, Маллахон (Маллахон оғаси Худоёрхоннинг хонлиги вақтида Тошкентда 3 йиллаб бек бўлиб турган), энг охирида Қушдодҳоларнинг беклигини кўриб ўтказган; хонликнинг бош нозири ва қўмондони ўрнида бўлганлардан Мусулмонқул ва Мулла Алимқулларни кўрган ва урушларида бўлган, пискентлик Қашқар амири машҳур Ёқуббекни Қашқарга кузатган... «Шундоқ қилиб, — дея гапга якун ясайди адиб, — қирқ йиллаб мусулмон хонлари замонини, эллик йиллаб Русия чор истибдодини ва энди беш йиллабдирки, меҳнаткашлар ҳокимиятини кўради».

Энди ёзувчи энг муҳим масалага — юз ёшдан ошган одамнинг ўзи гувоҳ бўлган уч хил ижтимоий тузумга — хонликлар даври, чор истибдоди ва меҳнаткашлар ҳокимиятига муносабати изҳорига ўтади. Қарилик ҳам бамисоли болаликдек бир палла, қария ҳар қандай тарафкашликни қўйиб, тарихий босқичларга ўзи билганича холис баҳо беради. Табиийки, қария Русия чор ҳукуматини сира ҳам тиламайди, чунки унинг эллик йиллик истибдоди зулмини, аччиқ-чучугини кўп татиган; у бу кунги меҳнаткашлар ҳокимиятига ҳам унча дўст эмас. Шу ўринда ёзувчи «бунинг ҳам сабаби маълум» деб қистириб ўтади, бироқ «сабаби» нима эканлигини ошкора айтмайди, кейинроқ пардалироқ тарзда ошкор этади. Қария кўпроқ хон замонларини қўмсай-

ди. Бизни ҳам бу ўринда кўпроқ шу масала қизиқтиради. Ҳикояда ўқиймиз: «Аммо хон замонларини ўйлаган чоқларида: «Эй, хўб замонлар бор эди, тилла жабдуқлик отлар ва басавлат беклар, ўрдаларда ҳар куни қарса базму... Ўтиб кетди энди бир замонлар», — деб афсус еб қўяди... «Қариянинг энг жиддий армони — юртнинг чор истибдоди исканжасига тушиб қолганлигида. «Худонинг хоҳлагани-да, кофирнинг қўлида қолиб кетдик», дея афсус-надомат чекади у. Бунинг сабабини **аввало ўзидан, ўзига** ўхшаганларнинг феълидан, халқ сажиясидаги ожизликлардан қидиради. «Ўзимизда ғайрат йўқ. Агар юрт бир оғизга тупуриб, яроғ тополмаганда ҳам қора калтак бўлиб чиқса, исни-бисга қўймас эди». Мана унинг дилидаги оҳи—юрт бошига тушган кўргулик, фожианинг бош сабаби ҳақидаги далил-исботи. «Қадимги замоннинг йигитларидан шу кунда ҳам бўлганда-чи, эй-ҳа ўрисингга йўл бўлсин...» Афсус-надомат билан айтилган бу гаплар қалб ҳайқириғи каби янграйди. Ҳикояда йўл-йўлакай изҳор этиб ўтилган бу маълумотлар ота қалбида қат-қат бўлиб ётган армон, афсус-надомат, дарду аламларнинг айрим зарралари, шунчаки учқунлари экани шундоқ сезилиб турибди. Қодир отанинг ҳикояда келтирилган сўзлари бу асар билан деярли бир вақтда яратилган Чўлпоннинг «Бузилган ўлкага» шеъридаги мана бу ҳам аламли, ҳам оловли мисраларга нақадар оҳангдош:

Эй, тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нега сенинг бошинг узра қуюқ булут кўланка?
...От минганда қушлар каби учғувчи,
Эркин-эркин ҳаволарни қучғувчи.
От чопганда учар қушни тутқувчи,
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?
Тоғ эгаси — сор, бургутлар қаерда?
... Сенинг эркин тупроғингда ҳеч ҳаққи йўқ хўжалар,
Нега сени бир қул каби қизғанмасдан янчалар?...
... Нима учун ёвларингни бир замон
Йўқ қулғундай темирли ўч йўқ сенда?...

Маълум бўляптики, ҳикоядаги қария шунчаки кўпни кўрган меҳрибон ота, бетакрор шахсгина эмас, балки қатъий маслак-эътиқодга эга бўлган, эл-юрт қайғуси, истиқлол ғами билан юрган ижтимоий-сиёсий сиймо ҳамдир. Ёзувчи Қодирий қарашларининг шакл-

ланишида бу одамнинг таъсири, шубҳасиз, бениҳоя каттадир. Бу ғаройиб қария тақдири, маслак-қарашлари билан «Ўтган кунлар» қаҳрамонлари, биринчи галда Отабек, Юсуфбек ҳожи маънавий-руҳий оламида, армон, орзу-истакларида кўпгина муштаракликлар мавжудлигини, қариянинг қалб армонлари, дил сўзлари Юсуфбек ҳожи билан Отабекнинг эл-юрт аҳволи ва қисмати ҳақида куйиб-ёниб айтган гапларига бошқачароқ тарзда кўчиб ўтганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Қарангки, қария Тошкентни чор аскарларидан мудофаа қилганлардан. «Ўтган кунлар» қаҳрамони Отабек ҳам айни шундай бурчни адо этади, фарқ шундаки, Отабек Тошкент мудофаасида эмас, Олмота устидаги ўрус билан тўқнашувда биринчи сафда қатнашади ва қаҳрамонона урушиб, шаҳид бўлади...

«Отам ҳам большевик» хотира-ҳикояси яна бир жиҳатдан аҳамиятли. Ҳаётда инқилобий, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли ота билан бола қарашлари, маслаги орасида содир бўлган муайян ажралишлар унда холис бир тарзда ифодаланган. Биламизки, Қодирий 1917 йилги февраль инқилобини зўр қувонч билан кутиб олган. «Николайнинг тахтдан йиқилиб, ҳуррият бўлғониға хурсандлигим, албаттє дунёга сиғмас эди ва сиғмаслиги табиий эди. Айниқса, 1916 йил рабочий олиш масаласидан кейин умуман Туркистон ишчиларида уйғонган истибдодга нафрат менда ҳам кучлик эди, — дейди адиб таржимаи ҳолида. Қодирий большевикларнинг эл-юртга истиқлол, озодлик, эркинлик бериш ҳақидаги ваъдаларига чин дилдан ишонди, ўзини «Улуғ Октябр инқилобидан сўнг унинг шароитида, тарбиясида етишган бир ходим» санади, озодлик йўлида ҳар қандай оғирликка чидаб, янги жамият учун ҳалол хизмат қилишда давом этди. Хотира-ҳикояда Қодирий янги тузум ходими, большевиклар тарафдори сифатида уларнинг ёнини олади, большевикларнинг сиёсати, хизматини отага тушунтириш пайида бўлади. Ота фақат бир масалада меҳнаткашлар ҳокимиятига тан беради, у болшовойлар оқ подшога қирон келтирганлигидан хурсанд. «Баракалла болшовойингга, балли болшовойингга, хўп қилипти-да! Оқ подшолигини бурнидан чиқарипти...» — дея қаҳ-қаҳ уриб, тасанно айтади. Аммо бошқа масалаларда ўғил куйиб-пишиб айтган илиқ гаплар, тушунтиришлар беҳуда кетади. «Эски турмуш билан заҳарланиб қолган чол» гап уқ-

мас бўлиб олади, энг жиддий масалаларга келганда эса қария хушёр тортиб, жамиятнинг қитиғига тегадиган гапларни айтади: «Баччаталоғингни бечорапарвар, деб эшитаман: кўйлак-иштонга беш-ўн газ мата сўрасанг берармикин... Хайр, бермаса ҳам гўрга. Ишқилиб солиқлардан дарҳон қилса бўлди. Ҳаммадан ҳам боққа кўз олайтира кўрмасин».

Бу «бечорапарвар», «камбағалпарвар» бўлиб кўринган ҳукумат сиёсатининг туб моҳиятига нозик бир ишора, киноя-кесатиқнинг ўзгинасидир. Қария «бечорапарвар» ҳукуматнинг хайр-эҳсонига, кўйлак-иштон учун берадиган беш-ўн газ матасига зор эмас, энг муҳими, одамларни солиқлардан дарҳон қилса, ҳаммадан ҳам одамларнинг мулкига кўз олайтирмаса бўлгани! Мана, қариянинг большевиклар ҳукумати сиёсатига эътирози! Бу хил эътирозлар қаршисида большевиклар тарафдори бўлган ўғлон лом-мим дея олмайди. Қарангки, большевикларнинг шафқатсиз солиқ сиёсати ва шахсий-хусусий мулкка тажовузи кейинчалик юртни, меҳнат аҳлини хонавайрон қилди...

Ота ва ўғил орасида меҳнаткашлар ҳокимияти, большевиклар сиёсати ҳақидаги баҳс давом этади, юрт бошлиқлари орасида ўзимизнинг мусулмонлардан борлигини эшитганда қария: «Тузук, тузук, кўп яхши. Болшовой одамохун экан», — дея ташаккур изҳор қилади ва шу заҳоти ўғилни жиддий саволга тутади: «Сарбоздан кел, сарбоздан. Ўзимиздан сарбозлар борми?» Бу қалтис масалада ўғилнинг жавоби мужмал бир йўсинда:

«— Бор, лекин бўлса ҳам йўқ ҳисобида.

— Аттанг, шуниси чакки экан-да.

— Нима зарари бор, дада.

— Эй, ўғлим, одам бўлгандан кейин ҳар нарсанинг ҳам бошида бўлиши керак, «нон қўйнимда, ит кейинимда...»

Ўғилнинг «тушунтиришлари» беҳуда кетмайди. Ҳикоя пировардида адиб ёзади: «Шундоқ қилиб, отам болшовойга йигит бўлмоқчи-я. Бироқ бир оз дармони йўқроқ-да. Эҳтимол, баҳорга чиқиб дармони яхшиланур, сочлари қорайиб, бошқа ўғлон тишлари чиқиб бўлса ҳам, лекин ҳозир эндигина милк ёриб келмоқда бўлган иккита жағ тишлари ҳам чиқиб бўлур-да, чолни болшовой ҳам йигитликка қабул қилур ва ул болшовойга чин «сарбоз» бўлур».

Енгил табассум, беозор киноя-кесатиқлар билан йўғрилган бу хотима киши хаёлини олис-олисларга етаклайди. Қодирий шу ўринда сезиб ёки сезмай, савқи табиий орқали ўз келажагига, тақдирига ишора қилмаганмикин. 100 ёшдан ошиб кетган қарияку болшовойларга чин «сарбоз» бўлиши мумкин эмас эди, орадан икки йил ўтиб, ота ҳаётдан кўз юмди; аммо Қодирий меҳнаткашлар ҳокимияти, болшовойларга чин ходим — «сарбоз» сифатида ҳалол меҳнат қилишда давом этди, ва, энг даҳшатлиси, бу ҳалол меҳнатлари эвазига у қандай «мукофотлар» билан тақдирланганлиги маълум!

Орадан ўн уч йил ўтиб, Қодирий яна бир воқеий ҳикоя эълон этди. «1819 йил ёдгори» деб аталган бу асар қаҳрамони 116 ёшлик Аҳмад амиркончи адибнинг отаси Қодир бобога деярли тенгдош, 1819 йили туғилган. У ҳам Қодир бобо сингари хон замонларини яхши билади, хонлардан Маъдалихон, Шералихон, Худоёрхон, Маллахонларни кўрган, қария адибга улар ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ёзувчини айниқса қариянинг Маллахон тўғрисидаги ҳикояси ҳаяжонга солади, асарда уни **тўлалигича келтиради:** «Мен бир вақт Хўжандга бордим, — деди Аҳмад ота, — Маллахон Хўжанд теварагига қўрғон олдирмоқда, шаҳарнинг ёши-қариси, хотин-қизлари зўрлик билан деворга ишлатилмоқда эканлар. Ҳар қандай узрни ҳам хон ва кишилари қабул қилавермас, хон олдида ўлимдан бошқа нарса узрга ўтмас экан... Ой-куни яқин бўлган бир ҳомилали хотин шотида туриб қўрғонга лой ирғитар экан, туғиб юборди... Боласи ерга тушиб, жон берди, ўзи ҳам шотидан боласи устига йиқилиб, шунда ўлди. Бу ҳолга чидолмаган халқ хонга қарши қўзғолон кўтарди...»

Хўш, ёзувчини нега қариянинг хонлар ҳақида берган бошқа маълумотлари эмас, Маллахон ва унинг кишилари ваҳшати қизиқтиради, асарда айни ўша даҳшатли воқеа келтирилади? Маълумки, ҳикоя ёзилган даврларда колхоз тузуми ғалаба қилиб, хотин-қизлар колхозда катта кучга айланган, улар даладаги оғир меҳнатга жалб этилиб улгурган эди. Бу асар ёзувчининг Фарғона водийсига қилган сафари таассуротлари асосида ёзилган. Қодирий водий далаларини кезиб, саратон офтоби остида оғир меҳнат билан банд ёшу қарини, хотин-қизларни ўз кўзи билан кўриб эзил-

ган, қаттиқ изтиробга тушган бўлиши табиий. Қариянинг хон замонлари ҳақидаги ваҳшатли ҳикояси айни асар ёзилган кезлардаги ёзувчи гувоҳ бўлган манзараларни ёдга туширган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. У даврларда совет далаларидаги оғир меҳнат, зўравон сиёсат, аёлларга шафқатсиз муносабат хусусида гап очиш у ёқда турсин, бу ҳақда ўйлаш ҳам даҳшат эди! Орадан неча йиллар ўтиб, аниқроғи 60-йилларга келиб, бу ҳақда ёзила бошланди (О. Ёқубовнинг «Бир фелетон қиссаси», П. Қодировнинг «Қора кўзлар», «Эрк» асарларини эсланг). Демак, Қодирий қария ҳикояси орқали замонасига ишора қилаётгани аниқ. Гап бу ерда фақат хотин-қизларга шафқатсиз муносабатдагина эмас, умуман хонлар ваҳшатини эслатиш бу 30-йилларда авж олган сталинизм ваҳшатига нозик бир ишора эканини сезиш қийин эмас. Қарангки, хон ва унинг кишилари ҳеч қанақа узрни қабул қилмайди, хон олдида ўлимдан бошқа нарса узрга ўтмайди... Бу 30-йиллар қатағон давридаги ваҳшатли сиёсатнинг ўзгинаси!

Хон замонларидаку одамлар қалбида инсоний туйғулар, ўч-исён сўнмаган экан, аёл фожиасини кўриб зулмга, шафқатсизликка чидолмаган халқ хонга қарши қўзғолон кўтаради, советлар даврида — 30-йиллар шароитида эса шўрлик оломон барча зулм-шафқатсизликларга бўйин эгиб, таслим бўлишдан ўзга чора тополмайди...

Бу ҳикоя менинг назаримда «Отам ҳам большевик» нинг давомидек туюлади. Аҳмад амиркончи гўё Қодир ота айтишга улгурмаган ҳодисаларни сўзлайди. Қария тимсоли орқали адиб гўё ота ўлимидан кейинги даврга муносабатини изҳор этгандай бўлади. Аҳмад амирконнинг сўнгги йиллари аянчли: чол бир неча марта уйланган, хотин-болалари ўлиб кетган, ҳозир ўзи ёлғиз яшайди, одамлар ундан хабар олиб турадилар, бундай ёрдам бўлмаган кунлари чол қийналади. У адиб билан хайрлашув чоғида: «Охунбобоевни кўрсангиз айтасиз, ҳолим оғир... Агар ўлсам, ўзи кўмсин. Эсингиздан чиқармангиз!» — деб зориллаб қолади. Шўрлик соддадил қария билмайдики, Охунбобоевнинг бундан бошқа ташвишлари ҳам кўп... У кунлар соддадил қариянинг оғир ҳолига қайғурадиган, қалб зорларини тинглайдиган замон эмас эди...

Яна Қодир отанинг ўзига қайтайлик. Ёзувчининг

соф бадиий асарларидаги ота ўрни, иштироки масаласига келайлик. «Жинлар базми» ҳикоясида, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида бу табаррук зот ажиб бир эҳтиром билан тилга олинади.

«Жинлар базми» ўғлон тилидан ҳикоя қилинади, ўғлон эса ота ҳикоясини қайта ҳикоя қилиб беради. Асар ўша давр ўзбек адабиёти учун тамомила бир янги йўсинда, ноёб бир услубда битилган — бир воқеа, бир ҳикоя-саргузашт икки одам — ота ва бола нигоҳи, тили орқали берилади, ота ўз бошидан ўтган ғаройиб саргузаштни сўзлайди, бола эса бу саргузаштни, уни тинглаш пайтидаги ҳолат ва кайфиятларини ҳам изҳор этган ҳолда, ўқувчига ҳикоя қилади. Асардаги ота ва ўғлоннинг номлари тилга олинмаган, зотан асар учун бунинг унчалик аҳамияти йўқ. Бадиий асар учун унда қаламга олинган воқеалар, шахсларнинг айнан ҳаётда бўлган ёки бўлмаганлиги муҳим эмас, балки уларнинг қанчалик ҳаётий, таъсирчан, маънодор чиққанлиги муҳимроқдир. «Жинлар базми» ҳикояси биздаги ғаройиб саргузашт-реалистик ҳикоянинг биринчи ва шу билан баробар баркамол намунасидир. Унинг бизни қизиқтирган жиҳати — айни шундай ноёб асарнинг ҳам ёзувчи таржимаи ҳолига дахлдор эканлигидир. Адибнинг оилавий муҳити, болалиги, отаси, қариндош-уруғлари, турар жойлари, шаҳар ва боғ ҳовлилари, ота машғулотларидан хабардор кишиларга аёнки, ҳикоядаги шахслар, оиладаги гурунг, воқеа юз берган макон, манзаралар — барчаси таниш; ота сиймосида айни Қодир бобони, ўғлон қиёфасида эса Қодирийнинг ўзини, болалигини кўрамиз. Халқимиз орасида қадим-қадимлардан ғаройиб саргузаштларни сўзловчи оғзаки ҳикоянинг моҳир усталари бўлган, улар айниқса радио, телевидение бўлмаган замонларда узоқ қиш кечаларида ҳар хил гурунгларни, оила давраларини сеҳрли саргузаштлари, ғаройиб ҳикоялари билан гуллатган. Қатор ҳужжатлар шундан далолат берадики, Қодир бобо халқимиз орасида учрайдиган ана шундай оғзаки ҳикоя усталаридан бўлган. «Жинлар базми»ни мутолаа қилганда бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ота ўз бошидан кечган ғаройиб ҳодисани нақадар жонли, жозибадор, таъсирчан, самимий ҳикоя қилади! Саргузаштни нимадан бошлаб, қаерда тугатиш, нималарни ошкор этишу нималарни сир сақлашни, қайси воқеаларни қандай оҳангда сўзлашни, тингловчига қандай

таъсир кўрсатишни—ифода санъатининг шу хил сир-асрорини яхши билади. Булар ёзувчининг маҳорати, санъати маҳсули эканини билиб турамиз, шу билан баробар Қодир бобонинг ўзида ҳам бу борада нимадир борлигини, адибга отадан нималардир ўтганлигини ҳам унутмаймиз. Ёзувчининг асосий асарлари — «Ўтган кунлар» ва «Меҳробдан чаён»да Қодир бобо номининг эҳтиром билан тилга олиниши, роман воқеаларининг бу табаррук зот билан боғланиши тасодифий эмас. Бу шунчаки адабий приём-усул бўлмай, айни пайтда ҳар икки романнинг дунёга келишида ота хизматининг самимий бир эътирофидир.

«Ўтган кунлар»нинг охирроғида «Эсини киргизди» бобида: «Мен — ёзувчи, «Ўтган кунлар» ҳикояларини отам марҳумдан неча қайталаб эшитсам ҳам зерикмас эдим, фақат бир жойигина мени зериктирар эди. Бу кун мен шу «Ўтган кунлар»ни қаламга олғонимда ҳам ўша ўзимни зериктирган фаслини ташлаб ўтишга мажбур бўлдим», — деб ёзади адиб. Гап кундошлик можаролари, икир-чикирлари устида бораётир. Бу реалистик адабиётда кўп учрайдиган адабий приём-усуллардан бири экани аён. Бу билан ёзувчи, бир жиҳатдан асар учун кераксиз тафсилотларни ҳикоя қилиб бериш масъулиятидан ўзини халос этиш «чора»сини кўрса, иккинчи томондан, ҳодисага ўз муносабатини тайин этади, кундошликни асло хушламаслигини билдиради. Муҳими — бу ерда роман воқеалари ота томонидан неча бор ҳикоя қилингани, уларни адиб ҳар гал мароқ билан тинглагани ҳақидаги эътирофидир, ёзувчи ҳатто марҳум отаси гапириб берган талай воқеаларни асарга киритишни лозим кўрмаганлигини ҳам эслатиб ўтади. Биламиз, Қодир бобо «Ўтган кунлар» ҳикояларини айни романдагидек тарзда бир бошдан ҳикоя қилиб бермаган, албатта. Бироқ оила даврасида болаликдан қулоғига қуйилган хотирот-ҳикоялар адиб кўнглидан муҳим жой олиб, кейинчалик роман нияти, поэтикасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этганлиги аниқ.

«Ўтган кунлар»даку ота ҳикоячи сифатида эслаб ўтилади, холос. «Меҳробдан чаён»да эса ота ҳикоя сўзловчилик вазифасидан ташқари, воқеаларга бевосита аралашади, иштирок этади, муаллиф унинг асар бош қаҳрамонлари билан бевосита мулоқати ҳақида маълумот бериб ўтади. Ёзувчи «Ўтган кунлар»даги каби

бу роман воқеаларини, яъни Мирзо Анвар ҳикоясини ҳам марҳум отасидан эшитганлигини айтади. «Мирзо Анвар, — дея давом этади адиб, — Қўқондан қочиб келиб, уч-тўрт йил чамаси Тошканднинг машҳур Эскижўва маҳалласида турған. Ул вақтларда бизнинг ҳовлимиз шу Эскижўвада бўлиб, мирзо Анвар отамға қўшни эмиш».

Роман воқеаларининг Қодир ота билан боғланиши одатдаги адабий приём-усуллардан бўлса-да, у аниқ ҳужжатга асосланган. Дарҳақиқат, роман воқеалари юз берган, мирзо Анвар Тошкентдан паноҳ топган кезлари ҳақиқатан ҳам, юқорида эслаб ўтилганидек, Қодирийлар оиласи Эскижўвадаги ҳовлида яшаганлар... Сўнгра ёзувчи Қодир бобо тилидан унинг қандай қилиб мирзо Анвар билан танишгани, улфатчилик қилгани, мирзонинг ўз оғзидан Худоёр билан кечган можаросини эшитгани, бундан ғоят таъсирлангани, минбаъд мирзога ихлоси ортгани, мирзо Тошкентда ўрус қўл остида тинч, аммо жуда ҳам фақир яшагани, бойларга мирзолик қилса ҳам даромади доимий бўлмай, қашшоқлик жонига тегиб, Раъно билан Қўқонга қайтгани ҳақида бирма-бир сўзлайди. Мана, Қодир бобонинг ўша ҳикояси:

«Чолнинг сўзига қараганда мирзо Анвар Худоёрнинг қўли етмайдирган Тошкандда (ўрус қўл остида) тинч, аммо жуда ҳам фақир яшаган, бойларга мирзолиқ қилса ҳам, даромади доимий бўлмаган. Тошкентда туришининг учинчи йилларида Худоёрдан авфнома олиб, қашшоқлиқ жонига теккан мирзо Анвар, ўйлаб турмай, Раъно билан Қўқондга қайтқан. Орадан уч-тўрт ой ўтгач, Қўқондан келгувчилар мирзонинг ўлдирилганлигини сўзлаганлар. Нега ўлдирилган, эски «гуноҳи» учунми, бошқа сабаб биланми ёхуд «авфнома» ҳам мулла Абдураҳмонларнинг найрангги бўлғонми, отам бу тарафини яхши билмас эди».

Ёзувчининг жонли гувоҳ — ота иштироки орқали, бир томондан, роман воқеалари, мирзо Анвар қиссаси ҳаётийлигини тасдиқлашга эришса, иккинчи томондан, отанинг мирзо Анварга хайрихоҳлигини таъкидлаш билан ўзининг тарихий воқеаларга муносабатини тайин этади. Ниҳоят, отасига бўлган таъзим-эҳтиромини яна бир карра изҳор қилади.

Биз — Қодирий асарларининг садоқатли мухлислари ҳам улуғ адибимизга қўшилиб, «Ўтган кунлар»,

«Меҳробдан чаён»дек XX аср ўзбек адабиёти дурдоналарининг туғилишида ўзининг бебаҳо ҳиссасини қўшган табаррук зот — ёзувчи падари бузруквори Қодир бобо руҳи олдида таъзим қиламиз.

«ЎТГАН КУНЛАР» ҲАЙРАТИ

Ўзбек адабиёти минг йиллар давомида асосан шарқ халқлари адабиёти, маданияти анъаналари доирасида ривожланди. XIX аср адоғи, XX аср бошларида у янги бир маънавий оламга, Европа адабиёти тажрибаларига юз ўгира бошлади. Бу ҳодиса узоқ вақт «Россияга қўшилишнинг прогрессив аҳамияти» сифатида баҳосланиб келинди. Ҳолбуки, бу хил ҳодиса фақат чор Россияси томонидан забт этилган Туркистон халқлари ҳаётида эмас, деярли барча шарқ мамлакатларида, ғарб мустамлакачилари қўли етмаган юртларда ҳам содир бўлди. Жаҳоннинг бирор ҳудудида маънавий, маданий ҳаётда, илм-фанда, адабий тафаккурда пайдо бўлган янгиликларнинг ўзга ҳудудларга кўчиб ўтиши қонуний, табиийдир. Жаҳонга юз очган, янгиликларга ташна, хайрихоҳ, ўзгаларнинг тажрибаларидан ижодий баҳраманд бўла олишга қобил юрт, миллатгина тараққий этган халқлар, мамлакатлар сафида юра олади. Ўзбек халқи неча минг йиллик тарихида бунинг шоҳиди бўлган, илғор тажрибалардан ижодий баҳраманд бўлиб, янги бадиий мўъжиза, мислсиз кашфиётлар яратишга, ўз навбатида, бошқа халқлар маданиятига таъсир кўрсатишга қодир эканини исбот этган.

Асримиз бошларида халқимиз тарихида янги давр бошланди, ўлкада миллий уйғониш, ўзликни англаш жараёни кучайди, тараққийпарвар сиймолар ҳар бир соҳада янгиланишга чуқур эҳтиёж сездилар ва бу йўлда фаол ҳаракат қилдилар. Чунончи, Абдулла Қодирий «Ўтган кунлар» романига ёзган сўз бошисида: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик, бас, биз ҳар бир йўсинда ҳам шу янги даврнинг янгиликлари кетидан эргашамиз ва шунга ўхшаш достончилик, романчилик ва ҳикоячиликларда ҳам янгаришга, халқимизни шу замоннинг «Тоҳир-Зуҳро»лари, «Чор дарвеш»лари, «Фарҳод-Ширин» ва «Баҳромгўр»лари билан таништиришга ўзимизга мажбурият ҳис этамиз», — деб ёзганида барча сафдош-маслакдошларининг ўша кезлардаги кайфиятини ифодалаган.

Кичкина изоҳ: Қодирийнинг: «Модомики, биз янги даврга оёқ қўйдик» сўзларини биз тор сиёсий маънода, октябрь инқилобини олқишлаш, октябрь йўлидан боришга даъват деб изоҳлаб келдик. Аслида улуғ адиб «янги давр» деганда кенг маънода халқ маънавиятидаги уйғониш, янгиланиш жараёнини назарда тутганлигини мана энди англаб етаётирмиз.

Маълумки, халқ маънавиятидаги, бадиий тафаккуридаги янгиланиш осон кўчадиган ҳодиса эмас, бу ғоят мураккаб, зиддиятли, баъзан узоқ давом этадиган машаққатли жараёндир. Масалан, рус адабиётида «Бечора Лиза» каби янги йўналишдаги ибтидоийроқ асарлардан то «Евгений Онегин», «Ўлик жонлар»дек баркамол реалистик романлар пайдо бўлгунга қадар 30—40 йил керак бўлди. Турк адабиётида танзимат деб аталган ислоҳотчилик ҳаракати орадан 40—50 йил ўтгач «Чолиқуши» романи сингари етук самараларни бера бошлади. Ўзбек адабиётида эса бу жараён хийла тез кўчди. Биринчи драма, ҳикоя, роман, янгича шеърий шакллардан «Ўтган кунлар» романи, «Ёркиной», «Абулфайзхон», «Паранжи сирлари» драмалари, «Уйғониш», «Булоқлар» шеърий тўпламларининг, яъни Европа адабиёти гази билан ўлчанганда ҳам тўлақонқонли асарларнинг пайдо бўлгунича бор-йўғи орадан 5—10 йил ўтди, холос.

«Ўтган кунлар» муаллифи асар устидаги ишни 1919 йили бошлаган, роман 1920 йилдаёқ ёзиб тамомланган. Ёзувчининг «Бахтсиз куёв», «Жувонбоз», «Улоқда» каби илк драма, ҳикоялари 1915 йилда битилганини, «Улоқда» ўзбек адабиётида ўша пайтга қадар яратилган нисбатан пишиқ реалистик асар эканини назарда тутадиган бўлсак, орадан 4—5 йил ўтиб, «Ўтган кунлар»дек кенг қамровли, ҳар жиҳатдан баркамол романнинг майдонга келиши чиндан ҳам жаҳон адабиёт тарихида сийрак учрайдиган ноёб ҳодисадир, кишини ҳайратга соладиган бадиий мўъжизадир.

Ўтган йиллар давомида «Ўтган кунлар» романи теварагида қизғин баҳс-мунозаралар борди, у ҳақда асоссиз танқид, ўринсиз даъволар билан баробар кўп илиқ гаплар ҳам айтилди, асарни хилма-хил жиҳатдан текширишга уринишлар бўлди. Бироқ бу романнинг ўзбек адабиёти, маънавий тараққиётимиздаги ҳақиқий ўрни, янгилиги, кашфиёти ҳали тўла-тўкис

аниқланган, атрофлича илмий тадқиқ этилган, баҳоланган эмас.

Гоҳо биринчи ўзбек реалистик драмаси, ҳикояси, қиссаси ва романининг асосчиси ким, бу жанрларни ким бошлаб берган, деган масала теварагида беҳуда тортишувлар ҳам бўлиб туради. Адабиётда бирор янги адабий шаклга илк бор ким қўл ургани эмас, балки шу шакл-жанрнинг чинакам баркамол намуналарини ким яратганлиги муҳимроқдир. Чунончи, Навоийгача ҳам яхши ғазаллар, достонлар битилган, аммо Навоий туркий-ўзбек адабиётида бу соҳада энг юксак чўққига, «ғазал мулкининг султони» даражасига кўтарилди, ҳақли равишда у ўзбек адабиётининг асосчиси номига мушарраф бўлди. Худди шунингдек, Қодирий ҳам янги ўзбек адабиётида асримизнинг 10-йилларда бошланган илк реалистик тажрибаларни янги босқичга олиб чиқди, «Ўтган кунлар» орқали узоқ йиллар адабиётнинг «қора» шакли деб камситилган наср Навоий, Бобур, Фузулий, Машраб шеърияти каби фусункор санъат даражасига кўтарилди.

Қодирийга қадар ҳам ўзбек, шунингдек, Марказий Осиёдаги туркий халқлар адабиётида «роман» ёзганлар бўлган. Айни «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» яратилган 20-йилларда ҳам бу жанрда асарлар битилган. Шунга қарамай, нега айни Қодирий ўзбек миллий романчилигининг асосчиси деган номга сазовор бўлди, ўша кезлари нега бирорта ҳам «роман» деган ном остида чиққан асар «Ўтган кунлар»га яқинлаша олмади? Чунки бу жанрнинг биздаги тўлақонли намунасини яратиш Қодирийга насиб этди.

Романнавис маҳорати деганда биз кўпинча тил, услуб, ифода воситалари, адабий приёмлар, санъатлар, сюжет, композиция, конфликт, асар таркиби, характерлар психологизми, миллийлик каби компонентларни тушунамиз, шу хил масалаларни текшириш билан банд бўламиз. Булар ҳам керак, албатта. Бироқ жанр моҳиятини белгилайдиган булардан ҳам муҳимроқ омиллар мавжуд. Ҳозирги замон назарий тадқиқотларидаги хулосаларга таянган ҳолда романнинг, аниқроғи реалистик романнинг бош жанр хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Асарда романга хос тафаккурнинг мавжудлиги, фикрий-фалсафий кўламдорлик.
2. Шахс ва ҳаётнинг янгича концепцияси.

3. Шахс ва ҳаётнинг худди кўзгудагидек холис-объектив ифодаси, ҳаёт ҳақиқатига садоқат, ҳақиқатнинг ёзувчи шахсий майллари, қарашларидан устунлиги-устиворлиги.

Ўзбек адабиётида мана шундай талабларга тўла жавоб бера оладиган илк асар — Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романи бўлди. Бинобарин, Қодирий ўзбек реалистик прозасининг асосчиси, романчилигимизнинг отаси деган фахрли номга ҳар жиҳатдан муносибдир.

Қодирий «Ўтган кунлар» асосига муҳим романбоп фикр-ғояни, халқ, миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик масалаларни қўяди. Аввало асарнинг мавзу-мундарижаси, пафосини белгиловчи омилнинг ўзида романга хос тафаккур унсури мавжуд. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида муаллифни шундай асар ёзишга, «мозийга қайтиб иш кўриш» га нима мажбур этди? Улуғ адиб романи учун кўп асрлик тарихимизнинг муҳим паллалари, беҳисоб воқеалари, сон-саноқсиз ёрқин сиймолари орасидан нима сабабдан айни кейинги «хон замонлари»ни мавзу қилиб, Отабек, Юсуфбек ҳожи каби эл-юрт ғамида юрган шахсларни бош қаҳрамон қилиб танлади? Кейинги «хон замонлари»ни нега тарихимизнинг «энг кирлик, қора кунлари» деб этади? Бу саволларга аввалари «замона зайли»га мос жавоблар бериб келдик. Энди бор гапни айтиш пайти келди.

«Ўтган кунлар» яратилган давр ўзбек халқи учун миллатнинг эрки, озодлиги, истиқлоли, жаҳон тараққиёти, ўзга миллатлар қаторидаги ўрни масаласи муҳим аҳамиятга молик масала эди. Қодирий октябрь тўнтаришидан буруноқ собиқ Туркистон тараққийпарвар зиёлилари изидан бориб, улар сафида туриб, юрт истиқлоли ҳақида ўйлай бошлаган, кўпгина маслакдошлари каби у ҳам халқ тутқунликда, жаҳолатда яшаётгани, эл-юрт жаҳон тараққиётидан, маърифатидан орқада қолаётганини англаб етган, ўзича нажот йўлини қидираётган эди; ўзи ёзганидек, унда истибдодга нафрат кучли эди. Дастлаб 1916 йилги рабочий олиш воқеалари, февраль, сўнг октябрь инқилоби адибга катта қувонч ва умид бахш этди; октябрь эрк берди, жасорат берди, ҳақ берди дея қувонди. Аммо шу йўлнинг бошидаёқ донишманд адиб катта ваъдалар билан амалиёт орасида кескин зиддиятлар рўй бераётганини, ёвуз мустамлакачилик сиёсати моҳият эътибори билан

ўзгармай қолаётганини, балки мунофиқона тус олаётганини биринчилардан бўлиб ҳис этди. Туркистонда ташкил топган биринчи миллий мустақил давлат — Қўқон мухториятининг яксон этилиши кўплаб илғор зиёлилар қатори Қодирийни ҳам хушёр торттирган бўлиши табиий. «Ўтган кунлар» ғоясининг муаллиф кўнглида айни ўша кезларда туғилиши, етилиши ҳам тасодифий эмас. Бу кезларда миллатни уйғотиш, унга ўзлигини, миллий қадриятларини англатиш, халқни улуғ мақсадлар сари сафарбар этиш ҳаёт-мамот аҳамиятига молик эди. Адиб «Ўтган кунлар» орқали «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари», — юртни мустамлака балосига гирифтор этган «хон замонлари» ҳақида сўз очиб, тарихнинг бу аччиқ ҳақиқатидан халққа сабоқ бермоқчи бўлди.

«Ўтган кунлар»нинг маъно-мундарижа доираси кенг, унда хилма-хил ижтимоий, маънавий муаммолар кўтарилган. Улар ичида, менингча, энг муҳими юртнинг, миллатнинг тақдири, мустақиллиги масаласидир. «Ўтган кунлар» романига қадар ҳам, асар ёзилган пайтда ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ўтган асрда миллат тақдири учун ҳаёт-мамот аҳамиятига молик тарихий ҳодисаларни, ўлканинг мустақилликдан маҳрум бўлиб, мустамлакачилар олдида таслим бўлишига олиб келган омилларни Қодирийчалик чуқур, холис, таъсирчан бадиий таҳлил этган асар ярата олгани йўқ! Мана, «Ўтган кунлар»да романга хос тафаккурни таъмин этган бош омил!

Бундай ижодий вазифани ўша кезлари ҳал этиш учун ёлғиз туғма ижодий иқтидор, истеъдод, ўқиш, ўрганиш, адабий малаканинг ўзи кифоя қилмайди; бунинг учун З. Фрейд айтмоқчи, онг-идрокдан ташқари, қандайдир сирли, сеҳрли иқтидор, илоҳий бир ваҳийни илғай оладиган зот бўлиши керак. Оллоҳ Қодирийга ана шундай мўъжизавий иқтидор берган эди.

Қодирийнинг энг жиддий кашфиёти шундаки, у «Ўтган кунлар» орқали янги давр адабиётининг бир неча ғоявий-бадиий вазифаларини моҳирона ҳал этиб берди, асарда XIX аср рус ва Европа реалистик романчилигига хос деярли барча муҳим хусусиятларни топиш мумкин. Энг муҳими, бу хусусиятлар ҳар қандай тақлидлардан, зўрма-зўракиликлардан холи равишда миллий заминда, миллий тафаккурга хос тарзда намоён бўлган.

Ўтмишда яратилган талай асарлардаги, жумладан, «Бобурнома»даги реалистик хусусиятларни асло камситмаган ҳолда айтиш мумкинки, «Ўтган кунлар»да ўзбек халқи ҳаёти илк бор ўзининг тўлақонли реалистик ифодасини топди. «Ўтган кунлар» бамисоли улкан ва тиниқ кўзгу, унда халқимизнинг муайян тарихий шароит, вазиятдаги турмуши, аҳвол-руҳияти, маънавий дунёси, бўй-басти, қиёфаси кенг кўламда аниқ-равшан гавдалантирилган, халқнинг қандайлиги ўзига шундайлигича — бор ҳолича кўрсатилган, ўзбекнинг урф-одатлари — оила қуриш, уй-рўзғор тутиш, меҳмон кутиш, эр-хотин, ота-бола муносабатлари, тўю аза, ҳар хил мажлислар, қувончли, завқли дамлар, драматик фожеий воқеалар, ўта шахсий хусусий саргузашт, кечинмалар, ҳаёт-мамот аҳамиятига молик улкан ижтимоий-тарихий ҳодисалар, ўрда ҳаётидан тортиб, оддий мискин кимсаларнинг, хилма-хил табақага мансуб кишиларнинг турмуш тарзи, ташвиш-қувончлари — барча-барчаси унда мужассам.

«Ўтган кунлар» романи билан ўзбек адабиётининг образлар, характерлар силсиласида янги давр бошланди. Қодирийнинг бу борадаги хизматини ҳазрат Навоий ижодий жасорати билан қиёслаш мумкин. Алишер Навоий «Хамса» достонлари орқали туркий-ўзбек тилида Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Искандар каби форс-тожик адабиётининг маълум ва машҳур қаҳрамонлари билан тенглаша ва баҳслаша оладиган оригинал образлар яратиб катта жасорат кўрсатди. Абдулла Қодирий эса реал ҳаётдан олинган Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумуш, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Зайнаб каби оддий одамларни Фарҳод, Ширин, Меҳинбону, Тоҳир, Зуҳра, Баҳром сингари анъанавий-афсонавий қаҳрамонлар қаторида тура оладиган ёрқин образлар даражасига кўтарди, кейинги йирик асарларида Анвар, Раъно, Солиҳ маҳдум, Худоёрхон, Мулла Обид сингари бетакрор характерлар яратиб, бу тажрибани янада мустаҳкамлади. Қарангки, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» чиққач, бизда Фарҳод, Ширин, Тоҳир, Зуҳра каби севимли исмлар сафида Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно деган номлар кўпайди.

«Ўтган кунлар»да реализмнинг яна бир муҳим хусусияти — шахс характери, руҳияти ва тақдирини аниқ тарихий шароит, жамият, сиёсат, мавжуд ахлоқ меъёрлари билан мустаҳкам алоқада ифода ва талқин

этиш ёрқин намоён бўлган; романнинг етакчи қаҳрамонлари ҳам бетакрор шахс, ҳам жамият вакили, аниқ тарихий шароит, муҳит фарзанди сифатида кўринадилар. Ёзувчи уларни даврнинг ҳаёт-мамот воқеа-ҳодисалари, муҳим маънавий-ахлоқий муаммолари гирдоби ичидан олиб ўтади. Қаҳрамонлар қисмати ифодаси орқали адиб жамият ҳаёти, ахлоқини, рус босқини арафасидаги халқнинг ҳолат, кайфиятини теран бадиий тадқиқ ва таҳлил этади. Буюк тарихга, қудратли давлатчилик, маданий, маънавий анъаналарга эга Туркистон ўлкасининг таназзулга юз тутиш, рус империясининг мустамлакасига айланиш сабабларини очиб беради.

Диққатга сазовор жиҳати шундаки, гарчи адиб шахс характери ва қисматини муҳит, шароит билан чамбарчас алоқадорликда тасвир ва таҳлил этса-да, инсон шахсининг муҳит ва шароитга боғлиқ бўлмаган туғма, сирли-сеҳрли ғаройиб шеваларига ҳам эътиборни тортади. Бу жиҳатдан бир оила, бир хил шароитда туғилиб вояга етган сажия-характер, сурат ва сиймо важидан икки олам — эгачи-сингил Зайнаб ва Хушрўйбиби образларининг талқини ғоят ибратли. Бири — муте, итоаткор, нуқул ўзгалар изни билан иш кўради; иккинчиси эса — дадил, мустақил, ўз бахти ва тақдири учун фаол кураш олиб боради. Ёзувчи бу икки шахс характерига хос туғма хусусиятларни шарҳлаш билангина чекланмайди, балки бундай хислатларнинг ўша кимсалар, қолаверса ўзгалар тақдирига кўрсатган таъсири, фожий оқибатларини ҳам ифода этади. Тақдирини ўзгалар ихтиёрига топшириб қўйган Зайнаб шу ожизлиги туфайли ўз бахтига зомин бўлибгина қолмай, яна ўша ожизлик туфайли ўзгалар қутқуси орқасида беихтиёр жиноятга ҳам қўл уради, Қумушга заҳар беради. Мустақиллик, дадиллик — яхши хислат, бироқ унга худбинлик аралашса, балои азимга айланиши мумкин. Хушрўйбиби ўз бахти учун дадил кураш олиб бораркан, шахсий манфаат йўлида ҳеч нарсадан қайтмайди, бошқа бировларнинг кўз ёшлари ҳисобига, ўзгаларнинг оилавий бахти вайроналари устида ўз бахтини тиклайди.

Бу икки образ характери, тақдири орқали илгари сурилган фикр-ғоя ифодаси мумтоз адабиётимизда кўп учрайдиган ибратли, дидактик ҳикоялардаги ифода тарзидан тубдан фарқ қилади; бу ерда воқеа-ҳодиса-

ларни олдиндан тайёр фикр-ғоя тасдиғи учун келтириш, «қиссадан ҳисса» чиқариш йўқ, аксинча, фикр-ғоя бевосита жонли, ҳаётий, бетакрор образлар характери, руҳияти, хатти-ҳаракати, қисмати таҳлили ва тасвиридан ўз-ўзидан келиб чиқади. Фақат бу икки персонаж эмас, балки романдаги барча қаҳрамонлар муайян фикр-ғояни ташийдилар, аммо уларнинг бар-часи биринчи галда шу тариқа бетакрор тирик инсон тарзида намоён бўладилар, фикр-ғоя эса тирик тандаги қон томирлар каби қаҳрамонларни ҳаракатга келтиради, аммо уларнинг мавжудлиги бир қарашда дарҳол сезилмайди. Бу етук реализмнинг энг муҳим аломати, фазилатларидандир. Шу жиҳатдан «Ўтган кунлар» мумтоз адабиётимиздаги ҳикояргина эмас, балки 10-йилларда яратилган драма, ҳикоялар билан қиёс қилинса, ёзувчи бадиият тараққиёти йўлида нақадар олға кетганлиги яққол кўринади!

«Ўтган кунлар»да реализмнинг энг муҳим омили — тарихийлик принципи, адабиётнинг ҳаётга яқинлашуви муваффақият билан ҳал этилди. Биламизки, ҳаётга яқинлашув, ҳаётни айнан ўзидай тасвир этишга уриниш маиший икир-чиқирлар орасида ўралашиб қолишга, зерикарли тафсилотбозликка, натурализмга олиб келиши ҳам мумкин. Адабиёт тарихида бунга мисоллар кўп. Қодирий реализм йўлидаги шу хатарни четлаб ўта олди, у реал турмуш манзараларини поэзия, санъат мулкига, реал ҳаёт ҳақиқатини чинакамига бадиий ҳақиқатга айлантира олди. Қаранг, асар қаҳрамонлари Отабек билан Кумушнинг оддий севги саргузаштлари — уларнинг илк учрашув, дийдорлашув, висол, ҳижрон ва яна висол дамлари ифодаси, тўй, қизлар, базми, қудаларни кутиб олиш лаҳзалари тасвири — барча-барчаси нақадар ранг-баранг бўёқлар, хилма-хил оҳанг-садолар, нафис туйғулар билан йўғрилган!

«Ўтган кунлар»нинг яна бир характерли жиҳати — унда ёзувчи ижодий фантазиясининг маҳсули бўлган воқеалар, тўқима образлар аниқ тарихий ҳодисалар, тарихий шахслар билан моҳирона туташтириб, чатиштириб юборилганлигида. Тарихда айнан бўлиб ўтган воқеалар билан муаллиф фантазияси самараси саналмиш саргузаштлар, тарихий сиймолар билан Отабек, Кумуш, Қутидор каби тўқима қаҳрамонлар орасидаги тафовут сезилмас бир ҳолдадир. Бу жиҳатдан «Ўтган

кунлар», шунингдек, «Меҳробдан чаён» жаҳон адабиётининг нодир намуналари, жумладан, В. Скоттнинг тарихий романлари, А. Пушкиннинг «Капитан қизи» билан бир қаторда туради. Роман етакчи қаҳрамонлари Отабек, Юсуфбек ҳожи, Кумуш тақдирининг ўтган аср ўрталарида ўлкада — Тошкент ва Қўқонда юз берган муҳим тарихий воқеалар (Қўқон хонлиги билан Тошкент беклиги орасидаги зиддият, тўқнашувлар, Тошкентдаги исён, қипчоқ қирғини ва ҳоказо), Худоёрхон, Мусулмонқул, Азизбек (Азиз бача), Нормуҳаммад қушбеги, Қаноатшоҳ каби тарихий сиймолар билан алоқадорликда кўрсатилиши, бир томондан, асарнинг маърифий қимматини оширса, иккинчи томондан, ундаги тарихийлик, бинобарин, реалистик хусусиятларни янада чуқурлаштирган. «Ўтган кунлар»дан бошланган бу ноёб тажриба кейинчалик ёзувчининг «Меҳробдан чаён» романида, шунингдек, Чўлпоннинг «Қеча ва кундуз», Ойбекнинг «Қутлуғ қон» асарларида, яна ўнлаб йирик эпик полотноларда давом эттирилди.

Қодирий «Улоқда» ҳикоясидаёқ ўзбек адабиётида биринчи бўлиб объектив-холис тасвирнинг яхши намунасини берган эди. «Ўтган кунлар»да бу тажриба кенг кўлам, янги кўриниш касб этди. Ёзувчи бутун асар давомида воқеа-ҳодисаларни, қаҳрамонлари хатти-ҳаракатларини холис, четдан туриб кузатади, воқеаларга деярли аралашмайди, қаҳрамонларни ўз ҳолига қўйиб беради, улар ўзларича мустақил ҳаракат қиладилар. Асарда аср бошидаги мавжуд мафкуравий оқимлар — диний-исломий қараш, жадидчилик, коммунистик онг тамойилларини учратамиз. Бироқ, муаллиф асарда бирорта мафкуравий оқимнинг тарғиботчиси бўлишдан ўзини тияди. Бу масалада ҳам у холис туради, фақат ҳақиқат, адолат юзасидан иш кўради, қайси мафкурага дахлдор бўлишидан қатъи назар шахс ва ҳодисаларни мусбат ва манфий томонлари, мураккаблиги, зиддиятлари билан бор ҳолича беришга интилади.

Ёзувчи асарда қаламга олинган даврни инқилобчиларга хос тарзда «тарихимизнинг энг кирлик, қора кунлари» деб атайди. Ўша «кирлик, қора кунлар» даҳшатини шафқатсизлик билан кўрсатади, бироқ ўша қора кунларнинг нурли жиҳатларини ҳам асло назардан четда қолдирмайди, эл-юрт ғамида юрган нурли

сиймолар образини ҳам яратади. Ёзувчи таъбирича, романдаги давр — «мусулмонобод» замон; хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бинобарин, асардаги барча қаҳрамонлар мусулмон, юриш-туриш ҳам мусулмонча, ҳукмлар ҳам шариатча. Аммо ҳар қадамда бу тантаналик таъбирни бузиб қўядиган ишлар ҳам бўлиб туради. Адиб жадид адабиётида бўлгани каби эски қолоқ одатларни кескин танқид остига олади, айни пайтда эски одатларнинг мақбул жиҳатларини, жозибасини моҳирона тараннум этади... Демак, ҳамма ҳолларда адиб ҳақиқатга содиқ қолади. Шунга кўра «Ўтган кунлар» ни тўғридан-тўғри бирор адабий-мафкуравий йўналиш — ё жадид адабиёти, ё совет адабиёти, ё диний адабиёт намунаси деб бўлмайди. «Ўтган кунлар» биринчи галда холис-объектив романнинг, чин маънодаги етук реализмнинг биздаги мислсиз намунаси. Бу жиҳатдан ҳозиргача ўзбек адабиётида унга тенглаша оладиган роман яратилган эмас.

Ниҳоят, «Ўтган кунлар» тил жиҳатидан ҳам ноёб ҳодиса. Ойбек шундай ёзган эди: «Ўтган кунлар» романида ёзувчи тил устида катта маҳорат кўрсатади. Романнинг тили ҳақиқатан бой, бўёқли, содда, ифода кучи зўр, оммага англашиларли бир тилдир. Ўзбек адабий тилининг шаклланишида бу асарнинг роли, шубҳасиз, ғоят каттадир... Ўзбек бадиий прозаси «Ўтган кунлар» романида қўйила ва шакллана бошлади. Бу эски поэтик воситалар системаси, эски китобларнинг «алқисса» услуби тузилишларини бузган, турмушга яқин, уни ҳаётий жиҳатдан аниқ кўрсатувчи бир прозадир. Эски прозанинг дабдабали, тамтароқли, сунъий, қуруқ услуби ўрнига бадиий содда, аниқ проза томонига қараб ўсишини кўрамиз».

Айрим адабиётшунослар, жумладан Қодирийнинг тил бобидаги маҳоратига юксак баҳо берган Ойбек «Ўтган кунлар» нинг поэтик ифодалар тизимида, тилида мумтоз адабиёт ва умуман эски адабий прозанинг таъсири борлигини негадир салбий баҳолайди. Бу масала мунозарали, у махсус тадқиқ этилишга муҳтож. Асар ёзилган даврда, бунинг устига ўтмишдан олиб ёзилган романда эски адабий анъаналардан бутунлай воз кечиш ҳам бирёқламаликка, ноҳаётийликка олиб келиши мумкин эди. Ёзувчи, ўзи айтмоқчи, асарни ёзишда доимо ўқувчи омма кўз ўнгида, бу китоб билан халқимиз рағбатини мумкин қадар янги-

ликка тортишга интилган, айни пайтда шу кунгача ўрта аср достон ва ҳикоялари билан озиқланиб келган халқнинг завқини, савиясини назарда тутиб, эски адабиёт усулларидан ҳам онгли равишда фойдаланган.

Қисқаси, бу роман тил, ифода тарзи жиҳатидан эски проза билан янги реалистик проза, қолаверса бутун бошли мумтоз адабиётимиз билан янги ўзбек адабиёти орасидаги олтин кўприк вазифасини ўтади, янги услубий йўналишларнинг қарор топиши, ривожи учун кенг йўл очиб берди.

РЕАЛИСТИК ТАСВИР ҚУДРАТИ

(Ёзувчи Ўткир Ҳошимов билан суҳбат)

ТАНҚИДЧИ. Адабиёт тарихида шундай ижодкорлар борки, вақт ўтган сари улар яратган асарларнинг қадр-қиммати тобора ошиб бораверади. Улуғ адиб Абдулла Қодирий ана шундай ижодкорлардан. Ёзувчининг илк романи «Ўтган кунлар» китоб ҳолида босилиб чиққанига, мана етмиш йил бўляпти, аммо бу асарга қизиқиш асло сусайгани йўқ.

Адабиёт тарихида қизиқ парадоксларга дуч келамиз. Шундай китоблар бўлади, улар ўз вақтида катта шуҳрат қозонади, атрофида шов-шувлар кўтарилади, бироқ кўп вақт ўтмай, эсдан чиқиб кетади. Яна шундай китоблар бўладики, ўз вақтида тан олинмайди, лекин вақт ўтиши билан, барибир, улар ҳақиқий баҳосини олади.

ЁЗУВЧИ. Адабиёт тарихида бошқачароқ парадокслар ҳам бор. Шундай асарлар учрайдики, китобхон уларни қабул қилмайди, қилолмайди. Муаллиф «ношукур» ўқувчидан ранжиб, мени келажак авлод тушунади, деб умид қилиб юради-юради, аммо келажак авлод ҳам тан олмайди. Бунинг сабаби аён: аслида ўша асарнинг ўзи бўш, ғоявий-бадиий жиҳатдан ожиз бўлади.

ТАНҚИДЧИ. Абдулла Қодирийнинг бахти шундаки, унинг асарлари, хусусан, «Ўтган кунлар» яратилган пайтида ҳам, бугунги кунда ҳам бирдек машҳур, қадрли.

ЁЗУВЧИ. «Ўтган кунлар» чин маънода буюк роман

бўлди. Бир қаламкаш ижодкор сифатида шунга аминманки, оддий китобхон ақалли тўртта шеърини ёд олиб юрмаган шоир — шоир эмас. Оддий китобхон роман ёки қиссасини ўқиб, ақалли тўрттагина қаҳрамоннинг қисматини бошқа бировга ҳаяжонланиб айтиб юрса, шу қаҳрамонлар билан ўзини дўст тутса, ўша ёзувчи — ёзувчи. Ҳолбуки, йигирманчи, ўттизинчи йилларда ўз ўғлига Отабек, қизига Қумуш исмини қўйган одамлар кўп бўлган. Бунақа ота-оналар ҳозир ҳам тез-тез учраб туради. Ёзувчи учун бундан катта бахт йўқ.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар»нинг ўз вақтида эл орасидаги довруғи ҳақида кўп эшитганмиз, ўқиганмиз. Асарнинг пайдо бўлиши китобхонлар учун катта байрамга айланган. Қадимда бизда ғазалхонлик, достонхонлик кенг расм бўлган, романхонлик анъанаси эса «Ўтган кунлар»дан бошланган. Бу романни ўқиш, тинглаш билан кифояланмай, уни ўзи учун бошдан-оёқ кўчириб олувчилар, ёд олиб, давраларда айтиб юрувчилар бўлган. «Гулистон» журналида «Ўтган кунлар»ни ёд айтиб юрувчи тожикистонлик бир кекса китобхон ҳақида бир мақола босилди. Ғазални, достонни ёд олиш, ёддан айтиш мумкин, бутун бошли романни ёд олиб, узоқ йиллар хотирда сақлаб айтиб юриш сийрак учрайдиган ҳодиса. Оддий китобхон бутун бошли романни ёд олган экан, демак бундай асар унинг учун ниҳоятда азиз, муқаддас, қалбига яқин бўлиши керак.

Бир воқеа сира эсимдан чиқмайди. Шоир Миртемир оғир дардга чалиниб касалхонада ётганида танқидчи Озод Шарафиддинов билан кўргани бордик. Миртемир домла бир оз ўзига келган, бироқ шифокорлар ҳали туришга рухсат бермаган эканлар. Биз хонага киргинимизда домланинг қўлларида «Ўтган кунлар» романи, ётган жойларида мутолаа билан машғул эканлар. Домла роман орасига хатчўп қўйиб, биз билан саломлашдилар ва китобга ишора қилиб: «Мўъжиза, нақд мўъжизанинг ўзи!»— дедилар ва: «Бу галги мутолаа, балким юзинчисидир...», дея жилмайиб илова қилдилар. Маълум бўлдики, Миртемир домла касалхонада бир оз ўзига келиб биринчи сўрагани «Ўтган кунлар» романи бўлибди. Улкан шоирнинг оғир хасталик чоғида хаёлини, дилини ўзига мафтун этган, этолган, юзинчи бор ўқишга ярайдиган китоб ҳақиқатан ҳам, унинг ўз сўзи билан айтганда, мўъжиза!

ЁЗУВЧИ. «Гулистон»да босилган ўша мақолани мен ҳам ўқиганман. Яна битта мисол қўшишим мумкин. Ҳузуримга бир йигит келди. Спортчи, аниқроғи, каратэчи экан. «Ўтган кунлар»дан бутун-бутун саҳифаларни ёдаки айтиб берди... Ҳолбуки, бу йигит нари борса ўттиз ёшларда эди. Бундан чиқди, «Ўтган кунлар» эллик йил илгари одамларни қанчалар ҳаяжонга солган бўлса, ҳозир ҳам деярли шунчалик тўлқинлантирар экан-да!

Тўғри, ўтмишда бошқа халқлар қатори бизнинг халқимизда ҳам савод масаласи чатоқ бўлган. Лекин бу — халқ ўртасида адабиётга қизиқиш йўқ эди, деган фикрни асло англатмайди. Акс ҳолда, ҳазрат Навоийнинг буюк ижоди яратилмас, бизгача етиб келмас эди.

Бундан бир неча йил илгари марказий матбуотда москвалик кекса педагогнинг «Оилавий қироатхонлик» («Семейные чтения») деган мақоласи эълон қилинди. Мақола муаллифи бир нарсани ҳаяжонланиб ёзади. Бир вақтлар оилавий китобхонлик бўларди, оиланинг каттаю кичик аъзолари жам бўлиб, бир китобни ўқир, ўша китоб қаҳрамонлари билан биргалашиб қувонишар, изтироб чекишар, бу эса оила аъзоларини бир-бирига руҳан яқинлаштирар эди, дейди. Тўғри гап, ҳали ҳамма ёппасига саводхон бўлмаган пайтда бизда «Ўтган кунлар» оила аъзолари ўртасида, чойхоналарда, гапгаштакларда завқ билан ўқилган, иштиёқ билан тингланган. Бир уй одам гоҳ кулиб, гоҳ йиғлаган... Одамлар буни азбаройи бекорчиликдан қилишган эмас...

Эсимда бор: урушдан кейинги йиллар эди. Тўрт-беш яшар боланинг хотираси нимага қодир бўлса, мен ҳам ўша қадар хотирлайман. Дадам тоғам билан суҳбатлашиб ўтириб, Жулқунбой деган «зўр ёзувчи», Ўтган кунлар», Отабек, Кумуш ҳақида гаплашиб қолишар, аммо чамамда ўша китобнинг ўзи уйда йўқ эди... Узун қиш кечалари катта акам еттинчи чироқни сандал устига қўйиб, «Қунтуғмиш», «Гўрўғли» сингари китобларни ўқир, катта-кичик ҳаммамиз жам бўлиб тинглар эдик... «Ўтган кунлар»ни мактабни битирган йилим ўқидим. Ўқидиму, ғалати, сирли бир оламга кириб қолгандек бўлдим. Тўғри, у пайтларда Евгений Бертельснинг «Дунёда бешта, яъни француз, рус, инглиз, немис ва ҳинд романчилиги мактаблари бор эди, энди олтинчисини, яъни ўзбек романчилиги мактабини Абдулла Қодирий яратиб берди», деган гапидан ҳам, Мухтор Авезов Қодирий романлари гўё текис саҳрода тўсатдан Помир

тоғлари вужудга келгандай пайдо бўлди, деганини ҳам, машҳур туркман адиби Хидир Деряев Қодирийни ўзининг буюк устози санаганини, ниҳоят, Ойбек домла Қодирий ҳақида йирик китоб ёзганини билмас эдим. Орадан кўп йиллар ўтиб, бир нарсани англадим. Ўқувчини асар қаҳрамони билан шунчалик ошно қиладиган китоб ёзиш қийин экан, жуда қийин экан. Кейинроқ яна бир ҳақиқатни англаб етдим: чинакам улуғ ёзувчи шундай мактаб яратар эканки, унинг мактабида тенгқурлари ҳам, келажак авлод қаламкашлари ҳам беихтиёр таълим олар экан. Ойбек, Ғафур Ғулом, Мирзакалон Исмоилий, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, Ўктам Усмонов, Худойберди Тўхтабоев, Неъмат Аминов, Хайриддин Султоновлар ижодида Қодирий таъсири у ёки бу тарзда сезилади. Асар тилида, услубида, характерлар яратишда, роман жанри ёки сатира сирларини эгаллашда... Мен тилга олган номлардан ҳам кўриниб турибди: ҳозирнинг ўзигача тўртта авлод Қодирийдан ижодий баҳраманд бўлибди.

ТАНҚИДЧИ. Қодирий мактабида тенгқурлари ҳам таълим олган дедингиз. Буни тасдиқлайдиган биргина факт келтираман. Садриддин Айний «Дохунда» романидаги бир ўринда Қодирийдан таъсирланганини ошкора эътироф этган.

ЁЗУВЧИ. Яқинда «Ўтган кунлар»ни қайтадан синчиклаб ўқидим. Китобнинг сўнгги саҳифаларига келганда кўзимдан тирқираб ёш чиқиб кетди. Шундай «жиддий адасини»нинг нима йиғлаётганини тушунмай ҳайрон бўлиб турган ўғил-қизим олдида ўзимни ҳеч тўхтата олмай йиғлардим. Бу фақат асар қаҳрамонлари тақдирига ачиниб йиғлаш эмас эди...

ТАНҚИДЧИ. Кўпинча адабиёт, санъат ривожидаги новаторона кашфиётлар кенг ўқувчилар оммаси томонидан бир оз қийинчилик билан қабул қилинади. Ўзбек адабиёти учун принципиал янгилик — том маънодаги биринчи реалистик роман — «Ўтган кунлар» кўпчиликка ниҳоятда маъқул тушган, кенг китобхонлар оммаси қалбига осон йўл топган, улар қалбининг тўридан жой олган экан, бунинг муайян сирлари, сабаблари бўлса керак.

ЁЗУВЧИ. Сиз айтаётган ҳолат «кўпинча» бўлмайди, «баъзан» бўлади. Чунки новаторона кашфиётларнинг

ўзи кўп бўлмайди. Шунда китобхон баъзан асарни яхши тушунмаслиги мумкин. Кўпинча эса бошқа нарса рўй беради: «қаламкаш мен новаторлик қиламан деб, халқ руҳидан, умуман ҳаётдан узоқ нарсаларни ёзади, натижада ўз авлоди ҳам, келажак авлод ҳам ўша асарни тушунмайди, тўғрироғи, тушунишни истамайди ҳам. Қодирий домланинг сиз айтган новаторона асари халқ ўртасида шунчалик шуҳрат қозонишининг унчалик фавқулодда сири йўқ. Рост, ўша олис йигирманчи йилларда халқ Тоҳир ва Зуҳро, Юсуф ва Зулайҳо сингари афсонавий қаҳрамонларга кўниккан эди. «Ўтган кунлар»нинг қаҳрамонлари афсонавий шахслар эмас эди. Шундай экан, нима учун оддий китобхонлар уларни дарров жон-дил билан қабул қиладилар? Чамамда, бунинг иккита асосий сабаби бор. Биринчидан, романда халқ руҳи жуда ҳаётий, жуда чуқур акс этган. Иккинчидан, китобхонлар «Ўтган кунлар»да худди ўзларига ўхшаган реал, тирик одамларни кўришди. Улар шундай асарга, ҳаётий қаҳрамонларга ниҳоятда муштоқ эдилар.

Бир қатор ҳурматли олимларимиз Қодирийнинг реалистик маҳорати ҳақида яхши ишлар қилишган. Бироқ, бу борада ҳали очилмай ётган қўриқлар ҳам беҳисоб. Айтайлик, реализмнинг муҳим хусусиятларидан бири — асарда одамлар олами, халқ руҳини тасвирлаш, кашф этиш. «Ўтган кунлар» бу жиҳатдан бебаҳо бир хазина.

Аввало, бадиий асарда халқ руҳи деганда нимани тушунамиз? Ўзим гувоҳ бўлган иккита мисолни айтай. Бундан анча йиллар илгари экранларда «Анна Каренина» фильми намойиш қилинди. Собиқ синфдошим, фабрикада ишлайдиган дўстим билан кинога тушдик. Кинодан чиққандан кейин дўстимнинг таассуротини сўрадим. «Фильм яхши-ю, лекин Каренина дегани ёмон хотин экан», деди дўстим. Мен унга ёзувчининг мақсадини, асар ғоясини тушунтирдим. Охири қўлига романнинг ўзини бердим. Ўн беш кундан кейин дўстим китобни олиб келди. «Ажойиб китоб экан, Аннани энди тушунгандай бўлдим», деди у... Орадан бир йилча. ўтгач, Қора денгиз бўйига дам олишга борганимизда ленинградлик бир студент қиз билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. У республикамизга, ўзбеклар ҳаётига, адабиётимизга ниҳоятда қизиқар, лекин ўзбек адабиётидан ҳеч нарса ўқимаган экан. Мен унга биринчи галда

«Ўтган кунлар»ни тавсия этдим. Ҳайриятки санаторий кутубхонасида романнинг русча таржимаси бор экан, олиб ўқий бошлади. Уч кундан кейин олдимга келди, роман ҳақида ҳаяжонланиб гапирди. Айни пайтда бир масалада ўз таажжубини ҳам билдирди: «Ажойиб асар экан, фақат бир нарсага ҳайрон қолдим. Нима, Қумуш жиннями? Эри бошқасига уйланса, йиллаб ташлаб қўйса-ю, Қумуш унинг йўлига кўз тикиб ўтирса?»

Айтинг-чи, нима бу? Ким айбдор? Ёзувчими, китобхонми? Йўқ! Ҳеч ким айбдор эмас. Толстой ҳам, Қодирий ҳам, дўстим ёки студент қиз ҳам... Бутун гап инсон психологиясининг кўп йиллар мобайнида шаклланган кўникмаларида, қолаверса асарнинг ҳаётийлигида. Агар ҳамма адиблар бир қолипда асар ёзаверса, ижоднинг ўзи аллақачон барҳам топар эди. Чинакам миллий ёзувчининг маҳорати, реалистик тасвир қудрати ҳам шундаки, у инсон психологиясини, халқ руҳини ниҳоятда аниқ тасвирлайди. Аслида бадиий ижод мана шу ранг-баранглиги билан умуминсонийликка хизмат қилади.

ТАНҚИДЧИ. Адабиётнинг бош вазифаси. Л. Толстой айтгандек, одамларни, бинобарин, халқларни бир-бирига яқинлаштириш. Одамларни, халқларни бир-бирига яқинлаштириш эса уларнинг бир-бирларини яқиндан билиши, яхши тушуниши орқали амалга ошади. Адабиёт ҳар бир халқнинг ўзига ҳаёт тарзини, миллий руҳиятини ифодалаш, кашф этиш орқали ҳам халқларни бир-бирига яқинлаштиради. Мен аминманки, сизнинг ишчи дўстингиз рус адабиётини, ленинградлик студент қиз эса ўзбек адабиётини, унинг энг яхши, баркамол асарларини кўпроқ ўқисалар, ҳар иккаласидаги бояги ажабланиш тобора барҳам топиб, асарларда акс этган халқ руҳиятини англайдиган, миллий характерлар хатти-ҳаракати, кайфиятини тушунадиган, қадрлайдиган бўла борадилар.

Ўзимдан бир мисол келтирай. Дастлаб Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Танҳоликда юз йил» романини ўқиганимда ундаги кўп лавҳалар, одамлар орасидаги интим муносабатлар ифодаси мени таажжубга солган эди; романда сиз билан биз асло ҳазм қилолмайдиган, биз учун ниҳоятда ғайри табиий бўлиб туюлган ҳолат, ғаройиб одатлар оддий, табиий ҳодисадек тасвир этилади. Кейинчалик бу улуғ реалист ёзувчининг бошқа асарлари билан танишгандан кейин амин бўлдимки, Маркес Ко-

лумбия халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини, халқнинг ҳаёт тарзини, миллий одат, таомилларини фавқулодда бир маҳорат билан акс эттириб берган экан. Дастлаб ғаройиб туюлган ҳодисалар эндиликда мен учун ҳам табиий кўринадиган бўлиб қолди.

ЁЗУВЧИ. Келинг, «Ўтган кунлар»даги халқ руҳиятига оид мисолларга мурожаат қилайлик. Қодирийнинг бу борадаги маҳорати асар бошидаёқ кўринади. Отабек Марғилонга илк бор сафар қилганида шаҳардаги баъзи одамлар у қўнган ҳужрага меҳмон бўлиб келишади. Хизматкор Ҳасанали чой келтиргани турганида меҳмонлардан бири бу чол кимлигини сўрайди. Адиб бу манзарани шундай тасвирлайди:

«Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз».

Хўш, нега у Ҳасаналини «узоқлатиб», сўнгра жавоб беради? Бу масалага оддий қарасак, Ҳасанали Отабекка маънавий отадек гап. Аслида ҳам шундай, шунинг учун йигит унинг ҳурматини жойига қўяди, деймиз. Аммо гап фақат шундами? Йўқ, яна бир гап бор. Муҳими шундаки, Отабекда андиша бор. Мабодо Ҳасанали маънавий ота даражасида бўлмаса ҳам, Отабек, барибир, шундай қилар эди.

Яна бир лавҳа. Мирзакарим қутидор Отабекни меҳмонга чақиради. Шу хабарни у оила аъзоларига мана бундай етказади:

— «Мен сизга айтиб қўяй, Кумуш, — деди турар экан, қутидор Офтобойимга, — бу кунга бир меҳмон айтган эдим».

Бу суҳбат устида Кумуш ҳам бор. Қолаверса, Қутидор Отабекни аввал ҳам кўрган, «кироии куёвинг шундоқ бўлса», деган хаёлга ҳам борган эди. Энди, тасаввур қилингки, асар худди шу ҳолда бошқа тилга ағдарилди. Китобхоннинг хаёлига дарров бир фикр келади. Қутидор Отабекни қизига мақтаяпти. Негаки, — «Кумуш» деб мурожаат қиляпти. Аслида шунақами? Йўқ! Биринчидан, Қутидор бадавлат одам. Қизига келаётган совчиларнинг саноғи йўқ. Қолаверса, у тақводор киши. Ҳеч қачон ўз қизи олдида бегона йигитни гапириб ўтирмайди... Гап шундаки, у Кумушга эмас, хотинига — Офтоб ойимга мурожаат қиляпти. Халқимизда ҳалиям бир удум бор. Эр хотинини, хотин эса

эрини бош боласининг исмини айтиб чақиради, мурожаат қилади, тасаввур қилинг, бу фикрни китобни бошқа тилда ўқийдиган китобхонга изоҳлаш учун озмунча шарҳ керак бўладими?

Яна бир мисол. Отабек Марғилонга келиши билан қайнанаси Офтоб ойим «товоқни хурмага, хурмани товоққа уриштириб», шоша-пиша қатиқ олиб чиқади. Ёки қипчоқлар қирғинини ўз кўзи билан кўриб келган Отабек Юсуфбек ҳожига қаттиқ гаплар айтади. Отаси, гарчи айбдор бўлмаса ҳам, бу гапларни изтироб аралаш жим эшитади. Аммо зум ўтмай, гап мавзуи Отабекнинг Марғилондаги «қотиллиги»га етганида Юсуфбек ҳожи «шарқ оталиги вазиятини олади». Гарчанд нариги масалада отаси қанчалик айбсиз бўлса, бу масалада Отабек ҳам шунчалик бегуноҳ бўлишига қарамай, у отанинг бетига сапчимайди. Бор гапни, юрак дардини одоб билан тушунтиради.

Ниҳоят, тағин бир лавҳа: Кумуш илк бор қайнатаси билан юз кўришди. Қодирий ёзади: «Кумуш уялиб зўрғагина салом берди ва Юсуфбек ҳожининг яқинига келиб бўйин эгди. Ҳожи қўли билан Кумушнинг елкасига қоқиб суйди ва Кумушнинг манглайига тегизиб олган ўз қўлини ўпди...

Мана, сизга аниқ тасвир, халқ руҳи, удуми! Ҳиндлар бир-бирини кўрганида кафтини жуфтлаб таъзим қилади, баъзи араблар бир-бирига бурнини тегизиб омонлашади, французлар аёл кишининг қўлидан ўпиб саломлашади, ўзбек эркаги эса фарзанди қатори аёлни оталарча эркалаганида, унинг манглайини силайди-да, ўз қўлини ўпади...

ТАНҚИДЧИ. Одамни титратиб юборадиган яна бир ёрқин миллий ҳолат: Кумуш заҳарланиб, ўлим тўшагида ётибди. Қайнатаси Юсуфбек ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўтиради. Келиннинг кўзи юмуқ, сочлари юзи устида паришон. Ҳожи келининнинг сочларини тузатиб, манглайига қўлини босади, «Ойим... Ойим!» дея мурожаат этади. Бунақа ҳолатда ёши улуғ эркак кишининг, қайнатанинг келини ёнига келиб паришон сочларини тузатиши, манглайига қўлини қўйиб ҳол-аҳвол сўраши табиий бир ҳол. Шунга қарамай, Кумуш кўзини очиб, бесаранжом унга назар ташлайди ва таниб... қўзғалмоқчи бўлади. Қарангки, келин қайнатасини таниб, бу ёши улуғ эркак киши олдида афтодаҳол ётганидан ҳи-

жолат чекиб, ўша ночор ҳолда ҳам одоб юзасидан қўзғалмоқчи, ўрнидан турмоқчи бўлади.

ЁЗУВЧИ. Умуман Қодирий ижодида, «Ўтган кунлар»да ҳам, «Меҳробдан чаён»да ҳам, «Обид кетмон» ҳикояларида ҳам бундай манзаралар тўлиб ётибди. Бу хусусда кўп гаплар айтиш мумкин. Менга қолса, Қодирийнинг «зўрлиги» бунақа лавҳаларни ишлатишнинг ўзида эмас. Рус адабиётшунослигида «самоцель» деган жуда ўринли ибора бор. Ҳанузгача унинг аниқ ўзбекча таржимаси йўқ. Эҳтимол, бу «ўзининг билимдонлигини кўрсатиб қўйиш» деган маънони берар. Муҳими шундаки, Қодирий бу лавҳаларни ўзини кўрсатиб қўйиш учун ишлатган дейиш бориб турган гумроҳлик бўларди. Гап шундаки, буларнинг ҳаммаси асарнинг ўзи билан бирга қўшилиб туғилган. Аслида истеъдод деганининг энг ёрқин қирраларидан бири мана шу — табиийлик бўлади!

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар»ни элга манзур этган омиллар кўп, шулардан бири, Сиз айтгандай, романда халқнинг кайфияти, руҳияти, таомиллари ёрқин ифода этилганлигидадир. Халқ руҳияти, таомиллари ифодасига оид яхши мисоллар келтирдингиз. Аммо халқ руҳияти фақат шу хилдаги таомиллар ифодасидангина иборат эмас. Романдаги бир ҳолат ниҳоятда қадрли. Асарга, муаллифнинг ўзи эътироф этганидек, «тарихимизнинг энг кир, қора кунлари» мавзу қилиб олинган; дарҳақиқат, романда «энг кир, қора кунлар» саналмиш кейинги «хон замонлари»нинг ярамасликлари, даҳшатлари, кескин зиддиятлари шафқатсиз бир реалистик куч билан очиб ташланган. Шу билан баробар ёзувчи халқ тарихига, унинг кечаги кунига, бой анъаналарига, яхши удумларига улуғ бир ҳурмат, эҳтиром билан қарайди, халққа, унинг шаънига малол келадиган гап қилмайди, ўша «энг кир, қора кунлар»да ҳам халқ орасида зулматни ёритувчи нурлар, зулмат билан олишадиган, халқ истиқболини ўйлайдиган кучлар бўлганлигини асло эсдан чиқармайди; ёзувчи ўша феодал муносабатлар чириб битган, таназзулга юз тутган, бундан эл-юрт мислсиз жафо чекаётган, қолоқ одатлар одамлар турмушига оғу солаётган, улар бахтини завол этаётган бир замонда ҳам кишилар чин одамийликни сақлаб қолганликларини, одамдек яшашга интилганликларини санъат-корона кўрсатади; гарчи муваққат, ўткинчи бўлса-да, одамларнинг бахтли дамларини, ҳаётнинг сурурли дақи-

қаларини — дала сайри, меҳмон кутиш, ширин суҳбатлар, зиёфатлар гаштини, совчилик удуми, қиз узатиш, никоҳ тўйи базми, висол лаззати онларини бутун завқшавқи билан китобхонга етказади. Яхши одамлар қалбидаги заковат ва саҳоват, улар орасидаги меҳр-эҳтиром, бир-бирига мурувват, самимият, севги-садоқат, фидойилик туйғуларини топиб тасвирлайди; Юсуфбек ҳожи, Отабек, Қутидор, Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Кумуш, уста Олим — буларнинг ҳар бири китобхон дилини ўзига ром этади. Ана шундай одамлар билан танишганингизда, беихтиёр, ўзингизни шундай кишилар авлодидан эканлигингиз билан фахрланасиз. Бундай одамларни бошқа халқларга ҳам кўз-кўз қилгингиз келади.

ЁЗУВЧИ: Оддий бир ҳақиқат бор. Инсоният пайдо бўлган ўша кўҳна замонлардан бери яхши одамлар ёмонлардан кўра ҳамиша кўпроқ бўлган. Акс ҳолда тараққиётнинг ўзи бўлмас эди. Яхшилар эзгу удумларни, покиза ниятларни авлоддан-авлодга мерос қилиб қолдирганлар. Қўлларидан келганча шу покиза маънавий бисотни кўпайтиришга ҳаракат қилганлар. Ҳа, муаллифнинг ўзи таъкидланганидек, «Ўтган кунлар» тарихимизнинг энг «қора кунлари»ни акс эттиради. Адиб инсон ҳаётини бўғувчи, жамият тараққиётига кишан бўлувчи муҳитни бутун зулмати билан тасвирлайди. Аммо, давр ёмон дегани — одамзот ёмон, дегани эмас. Ёзувчи мана шу ҳақиқатни асло унутмайди. Хонликлар замонининг мудҳиш манзараларини ўқиб, юрагингиз сиқилиб кетганидан табиатнинг гўзал лавҳалари, одамлар ўртасидаги самимий дўстлик, ҳар қандай синовга бардош бера оладиган қудратли инсоний муҳаббат, садоқат тасвирини кўриб, дилингиз ёришади. Қизлар мажлисини эсланг: «гуллар, лолалар, тўтилар, қумрилар мажлиси!» Отабекнинг Мингўрикка чиққанида кўрган баҳор манзараси-чи?

ТАНҚИДЧИ. Шуниси характерлики, ҳаётдаги нурли, завқли ҳодисалар ифодасида ўтмишни идеаллаштириш, безаб кўрсатишдан асар ҳам йўқ!

ЁЗУВЧИ. Адибнинг чинакам реалистик маҳорати шундаки, у энг гўзал, сурурли манзараларни тасвирлаганда ҳам асарнинг бош концепциясидан асло чекинмайди. Китобхоннинг хаёлида аллақандай хавотирга ўхшаган ҳис доим сақланиб тураверади. Баъзан эса энг гўзал манзара энг оғир ҳолатни очиш учун хизмат қилади. Ёдингиздами, Отабек Зайнабга уналтирилгандан кейин

Марғилонга кетаётганида кўклам тасвири берилади...

ТАНҚИДЧИ. Умуман, «Ўтган кунлар»да манзара тасвири кам, борлари аниқ, тиниқ, ҳаммаси муайян мақсадга хизмат қилади...

ЁЗУВЧИ. Бояги ҳолатда ёзувчи кузнинг дилгир манзарасини чизса ҳам бўлар эди. Бундай қилиш муаллиф ихтиёрида. Аммо, Қодирий кўклам тасвирини чизар экан, бошқа, катта мақсадни кўзлайди. Табиат яшнаган, қушлар ошён қуриш ташвишида. Бу Отабекнинг ҳолатига тамоман зид. Ҳатто қушлар ҳам уй қуряпти. Ота-она орзуси эса унинг ширин ошёнини бузяпти. Ўқувчи буни ҳис қилади-ю, ўша табиат манзараси хаёлига умрбод муҳрланиб қолади.

Удумлар масаласига келсак, аксарият асарларда бу борада бир қолип бор. Ўтмишда аёллар забун бўлган, эркаклар аблаҳ, зўравон бўлган. Тўғри, ўтмишда забун аёллар ҳам, аблаҳ, зўравон эрлар ҳам етарли эди. Ҳомид, Азизбек, Содиқ, Мутал, Қўрбоши, Мусулмонқул каби разилларнинг бутун чиркин оламини Қодирий ўхшатиб, баъзан ошкора ғазаб билан тасвирлайди. Бироқ, аёлларга муносабат бобида Отабек, Қутидор, Юсуфбек ҳожи, уста Олим сингари эрлар ҳам йўқ эмасди. Отабекдан совчи келганида Қутидор энг аввал хотини билан кенгашади. «Энди қандай кенгаш берасан, хотин?» дейди. Ёки Юсуфбек ҳожи билан Ўзбек ойимнинг муносабатларини олайлик. Ҳожи Ўзбек ойимнинг измидан чиқмайди. Кўп китобларда домлалар эчки соқол, саводсиз, очкўз қилиб тасвирланади. Отабекни Кумушга никоҳлаган домла эса «оқ соқолли, кўркам сиймо ва оғир табиатли...» Бу ишни адиб азбаройи ўша домлани «яхши кўриб кетганидан» қилган эмас. Гап шундаки, бу тасвир Отабекнинг ўша пайтдаги ҳолатига жуда мос. Мантиқан чуқур асосланган.

ТАНҚИДЧИ. Шу тариқа «Ўтган кунлар» романи аввало асосий ғоявий йўналиши, ижтимоий мазмуни, яъни халқнинг тинкасини қуритган, тарихий тараққиётга ғов бўлган феодал муносабатлар, қолоқ одатлар фожиасини очиб берганлиги билан, айни пайтда халқ ҳаётининг нурли томонларини, халқ дилига яқин кишилар образини зўр эҳтиром билан кўрсатгани, шу йўл билан халқ руҳияти, қайфиятига яқин бўлгани учун ўқувчилар орасида катта довруғ, обрў-эътибор қозонди.

Бугина эмас, асар ўзининг бадиияти билан ҳам халқ руҳига ниҳоятда яқин эди. «Ўтган кунлар»да халқнинг

узоқ йиллик ҳам оғзаки, ҳам ёзма бадиий, маънавий анъаналари, ҳаттоки архитектура, мусиқа соҳасидаги бадиий тафаккури ўзига хос тарзда реалистик шаклда мужассамлашган.

Ёзувчи Темур Пўлатов «Тошга битилган достон» мақоласида адабиётимиздаги илк реалистик, йирик асарларнинг туғилишида, уларнинг поэтикасидаги қадимий архитектура ёдгорликлари ансамбли тажрибаларининг маълум ва сезиларли таъсири, роли борлиги ҳақида қизиқ фикрларни ўртага ташлаган эди. Дарҳақиқат, «Ўтган кунлар» поэтикасида ўша улуғвор архитектура ансамбларини ёдга туширувчи нималардир бор... Қолаверса, мен «Ўтган кунлар»ни мутолаа қилаётганимда негадир хаёлан шашмақом куйларини тинглаётгандай бўламан: гоҳ якка созда, гоҳ созлар ансамблида, гоҳ хонандалар билан созандалар жўрлигида... Роман бош қаҳрамони ҳаётининг энг кескин драматик дақиқаларидан бирида шашмақомнинг ниҳоятда мунгли, драматик куйи — «Наво» садосини тинглаймиз. Бу мақом куйининг сўз санъатидаги биринчи реалистик ифодаси, талқини! Бу тасодифий бир ҳол эмас. Романда «Наво» куйи билан баробар кўп ўринда халқ қўшиқлари, лапарлари ҳам қаламга олинади... Ҳа, асарда ёзувчи романга бу хил қўшиқлар оҳанги-руҳини ҳам сингдирган. Яхлит олганда, асардаги тасвир оҳанги мунгли, дардли бўлсада, воқеалар, ҳодисалар қамрови, оқимига кўра сержило—полифоник.

ЁЗУВЧИ. Аввало ҳар бир чинакам бадиий асарнинг ўз ички мусиқаси бўлади. Бу куй ҳали адиб ёзув столи олдига ўтирмасданоқ бошланади. Илҳом деймизми, пафос деймизми, хуллас, шу куй бўлмаса, асар чинакам бадиийликдан маҳрум бўлади. «Ўтган кунлар»да ҳам биринчи саҳифаларданоқ қулоғингиз остида майин, хазин бир куй жаранглаб кетади. Адиб сизни шу мусиқа билан аллалаб, китоб ичига олиб кириб кетганини ўзингиз сезмай қоласиз. Асарнинг ички оҳанги ҳақида ҳали яна тўхталармиз. Ҳозир Сиз айтган халқ куйи, қўшиқларининг романда қўлланиши ҳақида... Ҳа, асарда лапарлар, қўшиқлар кўп. Бироқ, Қодирий буларни ҳам азбаройи халқ оғзаки ижодидан яхши хабардорлигини кўрсатиш учун ишлатган эмас. Ҳар бир куй, лапар, қўшиқ қаҳрамон руҳиятини очишга, керак бўлса, асар драматизмини кучайтиришга хизмат қилади. «Қизлар мажлиси»даги қўшиқ Кумушнинг ҳолатини. ички дар-

дини очиш учун энг чиройли восита. Ахир, у ҳозирги замон қизи эмаски, бу тўйнинг менга кераги йўқ, ўз севганим бор, деса! Баъзан адиб ишлатган бир сатр қўшиқ бутун бошли достоннинг кучини беради... Кулманг, муболаға қилаётганим йўқ. Яна ўша боя тилга олинган манзарани эслайлик: Отабек Зайнабга унаштирилган, Кумушнинг олдига кетяпти. Баҳор, гуллар очилган. Олисда қўш ҳайдаётган йигитнинг қўшиғи эшитилади: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!..» Агар бу сўзларни Отабекнинг ўзи айтганида шунчаки сентиментал, чучмал эшитилиши мумкин эди. Йўқ, уни бутунлай бошқа одам айтяпти. Атайлаб эмас, шунчаки... Бироқ «шунчаки» ашула фавқулодда катта маъно касб этади. «Наво» куйи ҳақида гапирдингиз. Шу бобда китобхонни титратиб юборадиган битта жумла бор. Маст Отабек хонандага буюради: «Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз!...» Мана шу жумланинг ўзида жуда аламли, оғир, изтиробга тўла ҳақиқий эркак йиғиси бор.

Яна асар мусиқасига қайтсак... Тўғри айтдингиз: асарда ранг-баранг оҳанглар бор. Аммо уларнинг ҳеч бири алоҳида ажралиб қолмайди. Аксинча, бир-бирини тўлдиради, ягона оҳангдорликни ташкил этади. Ҳаётнинг ўзи шу: инсон боласига йиғлаш учун алоҳида, кулиш учун алоҳида кўз ато қилинган эмас. Қувонч ёши ҳам, алам ёши ҳам битта кўздан чиқади. Қолаверса, шодлик билан изтироб кўпинча етаклашиб юради.

ТАНҚИДЧИ. Кинода ҳамиша ҳодисалар мусиқа садолари жўрлигида гавдаланади, кўпинча биз бу куйларни тинглаб турамизу, уларга эътибор бермаймиз. Аксинча, энг яхши бадиий асарда, гарчи мусиқа, куй мутлақо тилга олинмаса ҳам, ҳодисалар бағридаги аллақандай ички садони, оҳангни баралла эшитгандай бўламиз. «Ўтган кунлар»даги энг ҳаяжонли ҳодисаларнинг барчаси ўз оҳанги, садосига эга. Уларнинг барчаси жам бўлиб, романнинг етакчи пафосини китобхон қалбига етказишда муҳим роль ўйнайди.

ЁЗУВЧИ. Романда одамнинг дилини ҳар хил кўйга соладиган садолар кўп. Кумуш Отабекни никоҳ кечасида илк бор кўрганида: «Сиз ўшами?» деб энтикканида, эр-хотин узоқ жудоликдан кейин дийдор кўришгач, Кумуш: «Сиз қочқоқсиз», деб Отабекни эркалаб, секингина юзига шапатилиб қўйганида, ўринга кирар экан, ёш боладек: «Бўлгани йўқ, бўлгани йўқ!», деб ўйин-

қароқлик қилганида жаранглаган садолар киши кўнглини яшнатиб юборади. Отабек билан Қутидор ўлим ёқасига борганида, Тошкент устида қонли булутлар тўпланганида бутунлай бошқача, мунгли, изтиробли, шиддатли куй эшитасиз. Отабек Кумушнинг узатилаётганини тасодифан эшитиб қолган оқшом «Хўжа Маъоз» мозорига бориб тунаган пайтдаги мусиқа-чи? Қабристон, чакалак, тутаб ётган тўнка олдида ўтирган, сочи ўсиб соқолига аралашиб кетган девона... Зим-зиё тун, пишқирган, қутурган, гулханни тўнка-пўнкаси билан улоқтирган, азамат чинорни қўпориб, ерни титратган ел, қарғалар, бойқушлар... Бунақа ёввойи, қудратли симфонияни китобхон қулоғи остида жаранглатиш қийин, жуда қийин... Уста Олимнинг ҳикояси... Сизни билмадиму, мен уни ўқиганимда нима учундир олис манзилга йўл олган карвоннинг маъюс қўнғироғини эшитгандек бўламан. Манзил нурли эмас, йўл олис, карвон толиққан, аммо барибир юриш керак. Қўнғироқ мунгли-мунгли жаранглайди.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар»да ўтмишдаги улуғ алломалар, сўз санъаткорлари номи ҳурмат билан тилга олинади, Юсуфбек ҳожининг «Бобурнома», Отабек билан Кумушнинг Фузулий ғазалларига меҳри алоҳида таъкидланади. Романда мумтоз адабиётимиз асарлари билан бевосита мувозийлар йўқ, аммо бу асар ўзининг руҳи жиҳатидан мумтоз адабиётимиз дурдоналарига оҳангдош. Чунончи, ҳаёт шафқатсизликлари ифодасида «Бобурнома» лавҳаларини ёдга туширувчи, ошиқ қалби назокати, ҳижрон аламлари фарёди тасвирида Фузулий ғазаллари нафасини эслатувчи ўринлар йўқ эмас. Умуман «Ўтган кун»ларда қандайдир шоирона, поэтик руҳ мавжуд. Прозанинг шоири деган ибора бор. Бу сифат бизда, менингча, ҳаммадан кўпроқ Абдулла Қодирийга ярашади.

ЁЗУВЧИ. Шоир насрнависга ўхшаса қанақа бўлишини билмайман-у, аммо насрнависда шоирона руҳ бўлиши жуда яхши фазилат. Жаҳон адабиётидан бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин: Тургенев, Тагор, Мопассан, Лондон, Шолохов, Айтматов... Ҳатто прозанинг энг бешафқат «худоси» Лев Толстой асарларида ҳам шундай ўринлар борки, адиб қаҳрамон ҳолатини куй қилиб чертиб юборади... Қодирий прозанинг шоири эди. Лекин ҳамон прозада поэзия аломатлари бўлишини нотўғри талқин қилувчилар бор. Гўё поэтик руҳ про-

задаги реализмни сусайтирадигандек. Аслида, ҳаммаси маҳоратга боғлиқ. Қодирийда шу маҳорат бор эди. Адабиётимизда «Ўтган кунлар»дан кейин ҳам яратилган кўплаб ажойиб реалистик асарларда шунақа руҳ борлиги кишини қувонтиради... Қодирий насридаги мумтоз шеърият билан боғланадиган жиҳатларга келсак, буни махсус текшириш, ўрганиш керак.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар» романида, шунингдек Абдулла Қодирийнинг бошқа асарларида миллий маданият, адабиёт тажрибаларига бориб туташадиган робиталар кўп. Айни пайтда бу улкан санъаткор ижодида қардош халқлар, жаҳон илғор адабиёти дурдоналари билан муштарак жиҳатлар ҳам мўл. Адибнинг ўзи араб фузалоси Жўржи Зайдонни устоз деб атайди, роман ёзишга ҳаваслантирганлигини эслатади; адабиётшунос Сотти Ҳусайн, Собир Мирвалиевларнинг ишларида Зайдон асарларининг Қодирийга таъсири ҳақида хилма-хил фикрлар илгари сурилган. Немис адабиётшуноси Ниото Тун Абдулла Қодирий билан В. Скотт тарихий романларини қиёслаб, улар орасидаги муайян яқинликларни аниқлаган; шу билан баробар «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романларида А. Пушкин, И. Тургенев, Л. Толстой, А. Чехов асарларидаги айрим персонаж, манзара ёки тасвир усулларини ёдга туширадиган ўринлар борлиги, ёзувчи сатираси, хусусан, «Калвак махзумнинг хотира дафтаридан» ҳажвияси услуби, ифода тарзи жиҳатидан Сервантеснинг «Дон Қихот», Я. Гашекнинг «Шоввоз солдат Швейкнинг кечмишлари» асарларига яқин туриш хусусида мулоҳазалар ўртага ташланган. Бундай қиёсларни яна давом эттираверишмумкин. Масалан, «Обид кетмон»даги Хатиб домла билан Мулла Мухсинларнинг пичинг-киноялларга тўла қиёсий характеристикаси Н. Гоголнинг машҳур қиссасидаги Иван Иванович билан Иван Никифорович образлари талқинидаги усулни эслатади...

Бу ерда эсга олинган ёзувчилар, асарлар билан Абдулла Қодирий ижодидаги муштаракликни илмий жиҳатдан чуқур, атрофлича ўрганиш навбатдаги вазифа; бироқ шу хил фактлар мавжудлигининг ўзиёқ муҳим аҳамиятга эга. Бу ҳол шундан далолат берадики, Абдулла Қодирий асарлари, хусусан, «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари соф миллий анъаналар заминидагина эмас, қардош халқлар, жаҳон илғор адабиёти билан алоқада — жонли мулоқотда, улар тажрибала-

рини ижодий ўзлаштириш асосида майдонга келган. Жаҳон реалистик адабиёти тажрибаларидан бехабар ҳолда бундай етук реалистик романнинг пайдо бўлиши асло мумкин эмас эди.

ЁЗУВЧИ. Шубҳасиз. Мен ҳам Қодирий асарларида жаҳоннинг кўп улуғ реалистлари ижоди билан муайян муштаракликлар борлигини сезиб тураман. Эҳтимол бу гап кўпчиликка эриш туюлар: Отабек нима учундир менга Андрей Болконскийни эслатади. Йўқ, ғоявий юксакдорлиги, бадиий концепцияси билан эмас. Одам сифатидаги баъзи қирралари биланми, ақл-заковати, муҳаббатга муносабати биланми... Билмадим, бу менинг шахсий фикрим.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар»дек романнинг майдонга келишида яна бошқа омиллар ҳам муҳим роль ўйнаган. Романга қўл урган пайтда бу улкан истеъдод эгаси каттагина адабий, бой ҳаётий тажрибага эга эди. Қолаверса, у шахсий мутолаа, эскича таълим орқали миллий маданият, адабиёт бойликларини пухта ўзлаштириб олган, ёшлигидаёқ рус-тузем мактабида, кейинроқ Москвадаги журналистика институтида ўқиб, рус адабиёти, бинобарин, жаҳон илғор адабиёти билан яқиндан танишган эди.

Баъзан «Ўтган кунлар»нинг пайдо бўлиши фавқулоддда бир ҳодиса сифатида кўрсатилади. Аслида бу роман тасодифан туғилиб қолган эмас, унинг муаллифи ҳар жиҳатдан шундай асар яратишга тайёр эди — ҳам ҳаётий, ҳам адабий тажриба, ҳам адабий билим, ҳам мафкура-дунёқараш, ҳам маънавий жиҳатдан... Буларнинг устига қулай ижтимоий-тарихий шароит — инқилобдан кейинги уйғониш — кўтарилиш — хуллас , ноёб истеъдоднинг рўёбга чиқиши, мислсиз асарнинг дунёга келиши учун ҳамма нарса муҳайё эди, шулардан бироргаси ҳам бўлмаганида «Ўтган кунлар»дек романнинг яратилиши мушкул эди. Демак, буюк асарнинг майдонга келиши кўпдан-кўп омилларга боғлиқ экан.

ЁЗУВЧИ. Сиз санаган омилларнинг барчаси ҳам муҳим, аммо шахсан мен «Ўтган кунлар»дек романга қўл уришда муаллифнинг маънавий тайёргарлиги ниҳоятда муҳим роль ўйнаганлигини алоҳида таъкидлаб моқчиман. Бу романга тайёргарлик пайтида, уни ёзиш вақтида адиб бутун вужуди билан шу романда акс этган ҳаёт ичида яшагани, нафас олганлигини сезиб тураман... Албатта, бировга нур бериш учун аввало ўша

нур ўзингда бўлиши керак. Бадиий асар эса, аввало, адиб маънавиятининг, қалбининг маҳсули. Бу гап янгилик ҳам эмас. Ўша пайтларда, яъни адабиётимизда тузук-қуруқ реалистик прозанинг ўзи йўқ бир замонда «Ўтган кунлар»дек мукаммал асарнинг пайдо бўлиши чиндан ҳам фавқулодда ҳодиса эди. Аммо, бу асарни Қодирий ёзганлиги тасодифий ҳол эмас. Негаки, Қодирий, Сиз айтгандай, ҳар жиҳатдан шундай романни ёзишга тайёр эди, жумладан, унда пухта билим, малака етарли эди, Шарқ ва Ғарб, жаҳон адабиётидан хабардор эди. Хўш, қисқа бир муддат ичида одам дарров шунча илмга эга бўла қоптими, деган савол туғилади. Бу энди скептикларнинг майда гапидан бошқа нарса эмас. Бадиий ижодда истеъдод деган тушунча бор. Истеъдод эса ҳар қадамда учрайвермайди. Бошқалар ўн йил ҳижжалаган нарсани истеъдодли одам бир йилда бемалол ўрганиши мумкин. Негаки, у моҳиятни тезроқ англайди. Такрор айтаманки, «Ўтган кунлар»нинг ўша пайтда бирданига яратилиши тасодифий туюлиши мумкин, лекин уни Қодирий яратгани тасодифий эмас. Чунки Қодирийнинг ўзи фавқулодда истеъдодли адиб эди. Ҳамма гап шунда.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар»ни роман жанрининг етук намунаси дедик. Қодирийнинг романнавис сифатидаги маҳорати масаласига келадиган бўлсак, аввало асардаги романга хос тафаккур санъати устида тўхталмоқ лозим. Мен аминманки, романга хос тафаккурни таъминлайдиган омиллар асарда ҳаётнинг романбоп нуқтаси — воқеа-ҳодисаси, жиддий, улкан драма ва баркамол, чуқур ҳис этилган янгича нуқтаи назарга эга бўлган қаҳрамоннинг мавжудлигидир. «Ўтган кунлар»да шуларнинг ҳаммаси бор.

Абдулла Қодирийнинг романнавис сифатидаги маҳорати аввало шундаки, у асари учун мозийдан мавзу танлар экан, тарихнинг романбоп нуқтасини тополган: боя айтилганидек, ўтган асрнинг ўрталари, феодал муносабатлар чок-чокидан сўкилиб кетган, феодал ҳукмдорлар мамлакатни бошқаришга, идора этишга яроқсиз бўлиб қолган, қолоқ одатлар одамлар турмушига оғу солаётган, бинобарин, ижтимоий, маънавий-ахлоқий зиддиятлар энг олий нуқтага кўтарилган бир давр; бундай ҳол узоқ давом этиши мумкин эмас, юрт қандайдир улкан ўзгаришлар олдида, бу ўзгаришлар ҳали юз бермаган бўлса-да, унинг нафаси уфуриб ту-

рибди... Ҳаётда чок-чокидан сўкилиб кетаётган феодал муносабатларга, қолоқ одатларга қарши турувчи, юрт истиқболи ҳақида бош қотирувчи, янгиликка ташна илғор кучлар ҳам бор, аммо эндигина шаклланаётган бу кучлар ҳали ожиз, бунинг устига уларнинг хатти-ҳаракатлари зиддиятли. Ана шундай тарихий шароит, вазият романга асос қилиб олинган.

ЁЗУВЧИ. Адибнинг маҳоратини қарангки, роман учун танланган вазиятнинг ўзида асар концепцияси мужассам. Персонажлар тақдири, конфликт, сюжет, композиция — ҳаммаси бир йўла туғилгандек. Асарнинг бошиданоқ гоҳ «шахсий», гоҳ «ижтимоий» бобларга кўринади. Бироқ, бу асарни бўлак-бўлакка ажратадиган мутахассислар роса тер тўкиб изласа топадиган гап. Аввал Отабек ошиқ бўлиб қолади, кейин отасидан Тошкент воқеалари ҳақида хат олади. Аввал Кумушга уйланади, кейин қамоққа тушади. Аввал бир қамоқдан қутулади, кейин Тошкентда исён кўтарилади. Аввал Мусулмонқулнинг қонли чангалидан қутулади, кейин ўша замоннинг бошқа бир ижтимоий зулм чангалига — чиркин удумлар исканжасига тушади. Буларнинг ҳаммаси ниҳоятда табиий равишда рўй беради. Агар хон замонасининг зулматида яйраб юрадиган Ҳомидлар бўлмаса, Отабек ноҳақ чақувга учрамасди. Агар Юсуфбек ҳожи Азиз баччанинг мулозими бўлмаса, Отабек сиёсий душман саналмасди. Агар Юсуфбек ҳожи халқни Азизга қарши қўзғотмаса (бу ишни у азбаройи ўғлининг жонини сақлаб қолиш учун эмас, ҳақ йўлида, адолат йўлида қилади), Отабек Мусулмонқул қўлида сўйилар эди. Агар эркин севги йўлига ғов бўладиган чиркин удумлар бўлмаса, Кумуш охир-оқибат жувонмарг бўлмасди. Мана шу «агар-агарлар» романда шунчалик чамбарчас боғланиб кетганки, асар воқеалари ўша фожиага тўла манфур замон устидан чиқарилган ҳукмнома бўлиб жаранглайди. Натижада Отабек ҳам ўз даврининг қурбонига айланган фожеий қисмат бўлиб китобхон хотирасида умрбод сақланиб қолади.

ТАНҚИДЧИ. Роман кўптармоқли. Унда бир неча инсоний тақдирлар, сюжет тармоқлари мавжуд. Аммо барчаси романдаги бош ғоявий муаммо — ижтимоий муносабатларнинг нобоплиги, инқирози, қолоқ одатларнинг келтирган жабри масаласи билан боғланади. Ҳо-

зир яратилаётган айрим романларимиз шу жиҳатдан оқсайди..

ЁЗУВЧИ. Айрим асарларимиз шу жиҳатдан оқсайди, деган гапингизда жон бор. Ҳар қандай бадиий асарнинг бош тасвир объекти — инсон, унинг мураккаб олими. Баъзан биз замонамиздаги улкан ютуқлар, катта ишлар ҳақида ёзамизу, мана шу ҳодисалар инсон тақдирида нима ўзгаришлар қилаётганини, одамларимиз қисматидаги катта зиддиятлар, курашларни ишонарли, етарли тасвирлаб бера олмаймиз. Баъзан эса бунинг тескарисини кўрамиз. Инсоннинг шахсий ҳаёти тасвири катта ижтимоий ҳаётдан ажраб қолади.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар» ўзбек адабиётида алоҳида шахслар тақдирини бевосита ёки билвосита юрт тақдири билан, оддий одамларнинг шахсий ҳаёти, ишқий саргузаштларини, шахсий-оилавий драмаларини юртдаги муҳим тарихий жараёнлар, давр драмаси билан узвий алоқадор ҳолда ифода этиш бобидаги дастлабки тажрибалардан эди. Асарни ўқиганда унда ифода этилган давр нафасини, тарихнинг романга хос кенг қамровли манзарасини, ҳаракатини, драмасини кўриш, аср туғёнини баралла ҳис этиш мумкин.

Асардаги ишқий-оилавий саргузаштлар ҳар қанча ҳаяжонли бўлмасин, агар улар муайян тарихий-ижтимоий ҳодисалар, давр драмаси билан боғлиқ ҳолда берилмаганида, роман бу қадар муҳим аҳамият, таъсирчанлик касб этмаган бўлар эди. Романда ишқий-оилавий можаролар маънавий-ахлоқий муаммолар билан боғлиқ ҳолда берилади. Лекин шу маънавий-ахлоқий муаммолар ҳам даврнинг ижтимоий зиддиятларига бориб туташмаганида ёки уларнинг ижтимоий моҳият, драмаси очиб берилмаганида, роман бу қадар реалистик қудратга эга бўлолмас эди. Зотан, ижтимоий таҳлил реалистик асарнинг қони ва жонини ташкил этади.

ЁЗУВЧИ. Ижтимоий таҳлил менингча, ҳаётни, шахс ва жамият муносабатларини, даврни, тарихни чуқур бадиий идрок этиш оқибатида юзага чиқади. Бадиий идрок этиш эса, энг аввало ҳаёт ҳодисалари ичида ёнмоқ. Чингиз Айтматов сўзлари билан айтганда, изтиробга, ларзага тушмоқ демакдир. Ёзувчи фақат ўзигина ларзага тушиб қолмай, тарихни ҳам ларзага, изтиробга солмоғи лозим. Қодирий ҳаётни, даврни чуқур идрок этиш орқали тарихни ларзага, туғёнга сололган, ўтган аср туғёнини, фарёдини янги давр китоб-

ҳонига етказолган. «Ўтган кунлар»нинг реалистик кучи, ижтимоий-бадиий қиммати ҳаммадан бурун шунда деб биламан.

ТАНҚИДЧИ. Боя биз «Ўтган кунлар»да халқ руҳияти, миллий туйғулар, одат-таомиллар тасвири, бу борада ёзувчи нигоҳининг ўткирлиги, мислсиз маҳорати ҳақида гаплашдик. Ёзувчи реализмининг кучи, фазилати фақат шундангина иборат эмас. Улуғ адиб реализмининг қудрати яна шундаки, у халқ турмушининг бетакрор жамолини катта билимдонлик, нозик дид билан тавдалантириш баробарида халқ ҳаётининг маънавий-ижтимоий жиҳатларини чуқур таҳлил этиб беради, муайян тарихий ҳодисалар, миллий феълу атворлар, уларнинг тақдири орқали феодал жамиятининг, унда амал қиладиган қолоқ одатларнинг ғайриинсоний моҳиятини очади, ижтимоий адолат, инсон эрки, бахти, камолоти сингари умуминсоний ғояларни илгари суради; оддий, камсуқум, ҳалол, жабрдийда одамларга нисбатан шафқат-мурувватга чорлайди.

Ёзувчи реалистик санъатининг яна бир жиҳатига эътиборни тортмоқчиман. «Ўтган кунлар»да барча ҳодисалар ҳаракатда берилади, бу ҳаракатлар эса диалектик тарзда, ички зиддиятлари билан содир бўлади; табиийки, ҳаракатлар диалектикаси қаҳрамонлар орқали амалга оширилади. Роман сюжети узлуксиз давом этадиган ички зиддиятларга тўла ҳаракатлар занжиридан ташкил топган. Ҳаракатлар занжиридаги ҳалқалар ҳар хил — воқеалар гоҳ оромбахш-қувончли, гоҳ тиғиз-ташвишли, гоҳ тантанавор-сурурли, гоҳ алам-изтиробли. Улар бир-бири билан тўхтовсиз алмашиниб туради. Шуниси характерлики, бахтли, оромбахш, қувончли дақиқалар ниҳоятда қисқа, ўткинчи, шу билан баробар улар пинҳона зиддиятларга тўла, уларда яқин орада юз бериши мумкин бўлган кўнгилсизликларнинг шарпаси сезилиб туради. Отабек билан Кумуш кечмишини эсланг. Тасодифан дуч келган йигитга қизнинг кўнгли тушиб қолган. У пинҳона ишқ ўтида маст. Шу орада у куёвга узатилади, пинҳона ишқ ўтида ёнган қизга тўй тантаналари, қувончлари татимайди; ниҳоят, куёв қиз пинҳона кўнгил қўйган йигит бўлиб чиқади, энди у кутилмаган бахт, висол лаззатидан маст.. Лекин бу висол лаззати узоққа бормайди, чақув-иғво туфайли Отабек, унга қўшилиб қайнота Қутидор ҳибсга олинади, йигит ва қайнота тақдири қил устида

турганда яқин одамлар мадади билан улар ҳибсдан озод этиладилар; яна висол, бахтли дақиқа, бироқ орадан кўп ўтмай тағин кўнгилсизлик; Ҳомид каби кимсалар ҳасад-қутқуси, юртдаги тартибсизликлар туфайли қаҳрамон бошига кетма-кет оғир савдолар тушади; ниҳоят, Ҳомид орадан кўтарилади, Кумушлар хонадонидаги англашилмовчиликлар барҳам топади, юртда нисбий осойишталик рўй беради, бошда Кумушнинг Тошкентга кетишига асло рўйхуш бермаган ота-она энди Кумушни олиб, Отабеклар хонадонига борадилар, яна висол, бахтли дақиқалар, аммо шу дақиқаларнинг ўзида муросага келтириш мумкин бўлмаган зиддиятлар, кундошлик можароси, келгусида содир бўладиган катта фожиаларнинг аниқ шарпаси...

ЁЗУВЧИ. Ҳодисалар ҳаракатининг ички драматизми, тадрижий, узлуксиз ривожи ҳақида гапиряпсиз. Мени воқеалар ривожидаги мантиқий изчиллик, ёзувчининг далиллаш санъати лол қолдиради. Бир қарашда «Ўтган кунлар»даги ҳар бир боб алоҳида асарга ўхшайди. Илмий тилда айтганда, ҳар бир бобнинг ўз тугуни, фабуласи, конфликти, апогейга чиққан нуқтаси, ечими бор. Бироқ, уларнинг ҳаммаси бир-бири билан шу қадар чирмашиб кетганки, ҳеч қайсисини ўрнидан силжитиб бўлмайди. Керак ўринда адиб бир хонадан иккинчисига ўтадиган «туйнуклар» қолдириб кетади. Бу нарса асар бошидаёқ кўзга ташланади. Отабек илк бор Ҳомид билан кўришганида Кумуш ҳақида гап кетади. Ҳомид типирчилаб қолади. Қутидор Отабекни чақирганида Ҳомид ҳам ўғринча боради. Уни Тўйбека тасодифан кўриб қолади. Бу ёқда Отабек оҳ чекиб ётади, у ёқда Кумуш «иситмалаб», «аллануучук сўзларни айтиб» чиқади. Шу ўринда мени китобхон сифатида кўп ўйлатадиган бир деталь ҳақида гапиргим келади. Қутидорнинг ҳовлисидан ариқ ўтади. Кумуш ҳаётининг бурилиш нуқталарида ариқ бўйига бир неча бор боради. Аввалига Кумуш Отабекни шу ариқ бўйида илк бор кўргани учунгина адиб бу детални қайта-қайта ишлатган деб ўйлаган эдим. Тўғри, бош муддао шу. Аммо, бу деталь яна бошқа мақсадни ҳам ташишини кейин тушундим. Гап шундаки, ўша замонда аёл кишини ташқи олам билан боғлайдиган (лоақал орзуларини боғлайдиган) нарса — ариқ экан. Шу боисдан ҳам қадимий қўшиқларда ариқ детали кўп ишлатиларкан. Шундай қилиб, романдаги

кейинги воқеалар ўз-ўзидан бири иккинчисини мантиқан давом эттиради.

ТАНҚИДЧИ. Романдаги тасодифлар ҳақида нима дейсиз?

ЁЗУВЧИ. Синчиклаб кузатган кишига романда тасодифлар кўпайиб кетганга ўхшайди. Отабек тасодифий чақув туфайли қамалади. Кумуш тасодифан қайнотасининг хатини топиб оладию, Ўтаббой қушбегига етказади-да, отаси билан эрини қутқариб қолади. Отабек иккинчи бор ўлим ёқасида турганида Тошкентдан келган хат билан яна қутулиб қолади. Отабек қайнотасиникидан ҳайдалганида тасодифан уста Олимникига бориб қолади. Уста Олим эса Содиққа қўшни. Кумуш иккинчи бор узатилаётганида куёвни ўлдириб кетишади, Отабек бу ишнинг, умуман ўз кулфатларининг сабабчиси Ҳомид эканини тасодифан билади... Битта асарга шунча тасодиф кўплик қилмайдими? Йўқ, кўплик қилмайди! Негаки, Қодирий бу ҳодисаларнинг ҳаммасини чинакам реалист ёзувчи сифатида мантиқ билан оқлайди. Аввало, Отабекнинг қамалиши тасодифий эмас. Кумушга кўз тиккан Ҳомид, калласи ёрилиб кетгудек ўйлай-ўйлай, охири Отабекнинг Марғилонга келишини Тошкент воқеаси билан боғлайди. Қўрбошига ўхшаш порахўрлар бор экан, Отабекни қаматиш унинг учун ҳеч гап эмас. Кумуш хатни топиб олиши ҳам тасодиф эмас. Ўлим олдида турган кишисининг ҳар бир буюми одам учун азиз бўлади. У эрининг кийимларини кўздан кечирган бўлиши ҳеч гапмас. Айнан шу хат уни қутқариб қолишининг сабаби шундаки, жарчи жар солиб, икки гуноҳкорнинг айби нимадалигини айтган, буни Кумуш эшитган. Отабекнинг иккинчи бор қамалиши яна ғаламисликдан бўлади. Иккинчи бор қутулиб қолиши-чи? Буниси Азизбекнинг очкўзлиги, золимлиги, Юсуфбек ҳожининг халқпарварлиги билан боғлиқ.

Хатни айнан Ҳасанали элтиб бергани эса мутлақо ҳаётий деталь. Отабекнинг уста Олимникига бориб қолишига ажабланмаса ҳам бўлади. Бу аҳволда у дунёнинг нариги чеккасига бориб қолса ҳам ажабланмас эдик. Ниҳоят, Содиқнинг чувринди ҳовлиси айнан шу чекка маҳаллада бўлиши ҳам ажабланарли ҳол эмас. Уста Олимнинг Ҳомидни ёмон кўриши учун сабаб бор. Биласиз. Комилбекнинг қотили Ҳомид деганида уста ҳеч ажабланмайди. Бу гапнинг

Отабек олдида айтилиши эса ўқувчини ҳайрон қолдиради дейишга асос йўқ. Негаки, Отабек устанинг қадрдони, бинобарин, унинг яширадиган сири йўқ. Отабек Ҳомиднинг режаларини ҳам осонгина билиб олмайди. Жаннат пучуқ ҳсвлидан хабар олгани чиққанида Отабек замбил тагига бекинишини эсланг... Энг охиргиси. Умрида бировнинг юзига тик қараб қаттиқ гапирмаган Отабек одам ўлдиради. Тағин бир эмас, учта каллакесарни! Хўш, буниси қай даражада исботланган? Чинакам реалистик тасвир билан жойжойига қўйиб исботланган! Отабек умрида илк бор одам боласини пичоқлаб, ўзини йўқотар ҳолатга келганида тешилган девор ортидан жонидан суйган кишисининг нафасини эшитади. Ниҳоятда аниқ руҳий ҳолат! Бунақа пайтда ўз номуси учун, боринғки, адолат учун жонини беришга қасд қилган одам ҳеч нимадан тап тортмайди.

Асарда фақат чинакам реалист санъаткоргина уддалай олиши мумкин бўлган ғалати ҳолатлар кўп. Юсуфбек ҳожи хотинининг Отабекни Тошкентда уйлантиришини маъқулламайди, аммо унинг раъйига қарши ҳам боролмайди. Кумушни доим «анди» деб ҳақоратлаб юрадиган, «ҳинди домла»нинг «сеҳри»дан нажот тополмай қийналган Ўзбек ойим марғилонлик келинини илк бор кўрганида қувонганидан йиғлаб юборади. Негаки, ўз хатосини дафъатан англай бошлайди. Икки марта ўлим олдида турганида ҳам рақибларининг юзига тик қараган, Мусулмонқулдек қонхўрдан қўрқмаган Отабек икки хотинли бўлиб қолганидан сўнг, айниқса, Кумушбиби Тошкентга келгандан кейин Зайнабга бир хил, Кумушга бир хил гапиришга мажбур бўлади. Негаки, икки бор ўлим олдида турганида ҳам ўзини ҳақли деб биларди. Бу ўринда эса у ўзиниям айбли санайди. Ниҳоят, Ўзбек ойимдай шаддот хотин Кумушнинг ўлимидан кейин Отабек бутунлай Марғилонга кетиб қолганида лом-мим деёлмайди... Реалистик асарда ёзувчининг дадиллаш санъати деб шуни айтадилар!

ТАНҚИДЧИ. Тасодифлар орасидаги мантиқий, ҳаётий, зарурий алоқадорликни топа олиш, буларга китобхонни ишонтира билиш чиндан ҳам санъат. Фақат реалист санъаткоргина бунинг уддасидан чиқа олиши мумкин. Қаҳрамонларнинг энг қалтис дақиқалардаги ҳолати, руҳияти, хатти-ҳаракати ифодаси-чи? Буларни топиб тасвирлаш ҳам катта санъат! Қодирий энг тиғиз,

драматик дақиқаларни ҳам, қаҳрамоннинг ниҳоятда қувончли онларини ҳам ўқувчи қалбини титроққа соладиган қилиб беради, уларни «энг нозик» дақиқалардан, Одил Ёқубов «Абдулла Қодирийни ўқиганда» мақоласида айтганидай, «эсон-омон ўтказиб» ола билади. Отабек билан Кумушнинг илк учрашув дақиқалари ёки узоқ ҳижрондан сўнг Тошкентдаги висол онлари, Кумушнинг Ўзбек ойим, Ҳожи ва Зайнаблар билан дийдорлашув лаҳзалари ифодаси — булар реалистик тасвирнинг ажойиб эҳсони.

ЁЗУВЧИ. Дарҳақиқат, «Ўтган кунлар»да бунақа ҳолатлар кўп. Эсланг-а, Отабек Марғилонга борганидан кейин ўзининг Зайнабга унаштирилганини қай юз билан айтишни билмай, охири, умуман Тошкентга қайтиб бормасликка аҳд қилади. Шунда Қутидор қудасидан хат олади, сирдан хабардор бўлади. Отабек айтолмаган бу сирни Кумушга ота-онаси айтишади. Кумуш изтироб ичида ўтирган Отабекнинг олдига чиқади. Ораларида шундай гап бўлади: «— Мен рози, мен кўндим! — деди дафъатан Кумуш; бу сўзни нимадандир қўрққандек шошиб айтди». Ҳамма гап унинг бу сўзни «нимадандир қўрққандек шошиб» айтганида! Бу ҳолатда таҳлика ҳам, норозилик ҳам, алам ҳам, умид ҳам, хуллас жуда кўп туйғулар мужассам. Агар Кумуш минғиллаб, йиғлабсиқтаса, пичинг қилса, у Кумуш эмас, бошқа аёл бўлиб қоларди. Лўлавозлик қилса, қаттол Ҳушрўйга ўхшаб қоларди. У эса Кумуш! Шу вазиятда фақат Кумушгина шунақа дейишига, деганда ҳам айнан шунақа дейишига шубҳа қилмайсиз. Умуман, романда бунақа нозик тасвирлар кўп. Кумушнинг кўзи ёриганида Отабек Зайнаб билан тунайди, туш кўради. Отабекнинг туши кейинги фожеаларнинг ишорасидек. Майли, бунақа ҳолатни топиш унчалик мушкул эмас. Аммо унинг уйғониши лавҳасида ёзувчи битта жумла ишлатади: «Чўчиб уйғонди... Ёнида Кумуш... Зайнаб йўқ эди...» Бу нима дегани? Отабекку Зайнаб билан тунаган эди. Нимага адиб Кумушнинг номини айтяпти? Нимага Отабек аввало Кумушни излайди? Жуда аниқ, ҳатто тушунтириш мушкул бўлган даражада аниқ руҳий ҳолат! Яна бир жойи. Кумуш заҳар ичган. «Ҳасанали табибга юборди, Отабек қайтиб уйга кирди. Чақалоқни Зайнаб кўтарган, Кумуш ҳамон қусмоқда...» Нега қилар ишни қилиб бўлган Зайнаб чақалоқни кўтариб туради? Мана шу жумланинг тагида ҳам изоҳлаш мушкул бўлган гаплар бор. Ўлаётган Кумуш эрининг Зайнабга «та-

лоқсан», деб ҳайқирганини эшитганида сўнгги бор кўзи ярқ этиб очилиб кетади... Атоқли адибимиз Одил Ёқубов ёзганидек, бундай нозик лаҳзалар ёзувчи учун «қил кўприкдан ўтиб олиш»дек мушкул иш. Бунақа мушкул, нозик вазифани адо этиш фақат улкан санъаткор ёзувчиларгагина насиб этади.

ТАНҚИДЧИ. Энди романдаги тасвирнинг, ифода воситаларининг хилма-хиллиги масаласига ўтайлик. Абдулла Қодирийнинг бу борадаги тажрибаси ҳам ўз даврига нисбатан жуда катта жасорат, олға ташланган дадил қадам эди. Ётук бир реалистик асарнинг ўзида биз ҳам романтик бўёқлар билан жилоланган лавҳаларга, ҳам эртаклардагидек сирли, кутилмаган фавқулоддда вазиятларга, ҳам турмуш-майший ҳаёт икирчикирлари тасвирига, ҳам чуқур ижтимоий-психологик таҳлилга (буниси етакчи), ҳам детектив-саргузашт ифода усулига дуч келамиз. Асарнинг услубий оҳанги, тасвир мутаносиблиги, аввал айтилганидек, сержило-полифоник: гоҳ майин лирик, гоҳ шиддаткор драматик, гоҳ ҳазил-мутоиба, киноя-кесатиқлар билан йўғрилган комик тасвир садолари бир-бири билан алмашиниб туради; ёзувчи ҳодисаларни гоҳ ўз тилидан, гоҳ персонажлар нуқтаи назаридан ҳикоя қилади, мактуб усулидан кенг фойдаланади; реалистик принципларга изчил риоя қилган ҳолда она тилимизнинг жонли сўзлашув бойликларига дадил мурожаат этади, айни пайтда асарда қадимий ёзма адабиёт, хусусан, эски наср тили ифода тарзига хос унсурлар ҳам оз эмас. Қаранг, бир асарнинг ўзида нақадар хилма-хил усул, услуб, ифода воситаларининг уйғунлиги, ҳозирги ибора билан айтганда синтези! Шаклдаги синтез аслида бизда «Ўтган кунлар»дан бошланган. «Ўтган кунлар»даёқ реализмнинг барча хилма-хил услуб, ифода воситаларига кенг очиқ эканлиги тасдиқ этилган.

Шуниси муҳимки, бунчалар хилма-хил услуб, усул, воситаларни барига жо этган асар поэтик жиҳатдан яхлит, бир бутун. Кейинги пайтларда бир асарда хилма-хил услуб, усул, ифода воситаларидан фойдаланиш бобида бир оз нўноқлик юз бераётир, бу ҳол кўпинча асарнинг поэтик яхлитлигига монелик қилаётир, буни эса ҳар хил йўллар, масалан, «мозаика» деган ниқоб билан оқлашга уринишлар бўлаётир. «Ўтган кунлар»да хилма-хил шакллардан, воситалардан фойдаланиш бор, аммо унда «мозаика»нинг ҳеч қанақа асорати йўқ...

ЁЗУВЧИ. Ёдингизда бўлса, бир суҳбатда синтезлашув жараёни бугунги адабиётда катта янгилик эмаслигини айтган эдик. Бунга Қодирий ижоди ҳам мисол бўла олади. Ёзувчининг ҳамма асарларида, жумладан, «Ўтган кунлар»да ҳам юқорида айтганимиз — реализмнинг изчил тасвири ҳам, лирик ҳолатлар ҳам, халқ оғзаки ижодидан унумли, ўринли фойдаланиш ҳам, детектив тасвир ҳам, хат, туш кўриш приёми ҳам, натурализмга яқин турадиган тасвир ҳам, юмор ҳам — барчаси бор. Бироқ бу ҳол асарнинг поэтик яхлитлигини бузмайди.

ТАНҚИДЧИ. «Ўтган кунлар» услуб жиҳатдан изчил реалистик оқимга мансуб. Унда асосан ҳодисалар, характерлар холис тарзда ифода этилади. Ёзувчи санъатини қарангки, асарда ўша етакчи услубий-ҳиссий оҳанг сақланган ҳолда айрим ўринларда ҳодисаларга фаол аралашиш, қаҳрамонларга нисбатан муаллиф муносабатини ошкора ифода этиш, публицистик баҳо ва хитоблар ҳам учрайди. Бу ҳол, айниқса, юртдаги ижтимоий вазиятга баҳо беришда, ижтимоий жиҳатдан зарарли тарихий шахслар, масалан, Мусулмонқул, Худоёр, Азизбекларга, маънавий-ахлоқий жиҳатдан тубан кимсалар, чунончи, Ҳомид ва Содиққа муносабатда яққол кўринади.

ЁЗУВЧИ. Тўғри айтасиз, Қодирий «Ўтган кунлар»да асосан изчил холис услуб йўлидан боради. Аммо, айрим ўринларда ҳодиса ва қаҳрамонларга нисбатан ўз муносабатини яшириб ҳам ўтирмайди. Баъзан бу йўл ўзини унча оқламайди. Айрим персонажлар тасвирида муаллиф «бир махлуқ эди» деб қўя қолади. Эҳтимол бу — реалистик проза учун номақбул йўлдир. Лекин кўп жойларда муаллиф муносабати асар воқеаси ривожини, бадиийлигини сусайтирмайди, аксинча, кучайтиради. Содиқларнинг яшаш тарзи тасвирланган саҳнани эсланг. Исқирт ҳовли, ойлаб сув кўрмаган иркит идишлар... Ҳаётда бирор нурли мақсади бўлмаган одамнинг уйи шунақа бўлади-да! Ёзувчининг бу манзарага салбий муносабати шундоққина сезилиб турибди... Кумушнинг азасига етиб келган ота-она ҳолатини чизишга келганда адиб хитоб қилади: «Бечора она, бечора ота!..» Реалистик асардаги публицистик талқин ҳақида гап кетса, айрим ўртоқлар бунга тиш-тирноғи билан қарши турдилар. Аслида бу ҳам тўғри. Баъзи асарларда қаҳрамонни оқлаш, олқишлаш ёки сўкиб ке-

тиш, эзмаланиш, юракдан эмас, томоқдан чиққан хитоблар публицистика деб берилаверади. Қодирийнинг хитоби эса, айтайлик, Офтоб ойимнинг соч юлиб йиғлаши, Қутидорнинг талмовсираб қолганини кўрсатувчи бутун-бутун саҳифалардан кўра кучлироқ таъсир қилади китобхонга. Мен оддий ўқувчи сифатида ҳам, оддий қаламкаш сифатида ҳам бунақа «публицистика»ни ҳамиша қўллаб-қувватлайман.

ТАНҚИДЧИ. Сиз қувватлайдиган таъсирчан публицистик тасвир учун романдан яна бир мисол. «Наво куйи» бобида бўзахона, у ердаги Отабекнинг ҳолати тасвиридан олдин ёзувчи шундай публицистик чекиниш қилади: «Халқимизнинг таъбирича, бу замонлар «мусулмонобод» бўлса-да, бироқ бу тантанали таъбирни бузиб қўядиган ишлар ҳам йўқ эмас эди. Хон мусулмон, бек мусулмон, халқ мусулмон, бунинг устига юриштуриш ҳам мусулмонча эди. Ўғрилик қилгани учун қўл кесилар ва ё дорга осиларди. Зони билан зониялар ҳам пештоқдан ташланадилар, ичкилик учун қирқ дарра уриладир. Раис афанди мулозимларига дарра кўтартириб, номозсизларни текширар, фарзи айнни билмаганларни урдирар эди. Иш шунчалик нозик бўла туриб ҳам ўғрилар ўз тирикчиликлари орқасидан қолмайдилар. Эш ака билан Тош аканинг уйлари орқасидан тешилиб, моллари ўғирлана берадир, пештоқдан қопга бўғилиб ташланмоқ учун фоҳишалар ҳам етишиб турадирлар. Бутун умрида пешонаси сажда кўрмаганлар ҳам кўп, аммо фарзи айннинг бош томонидан тўрт-беш жумлани ҳар ким қийналмасдан сайрай олар эди. Кўп кишиларнинг уйларида мусаллас билан бўзалар хумлаб қайнаб ётса, иккинчи томонда, расмий суратда ичкилик сотиш билан тирикчилик қилувчилар ҳам йўқ эмас эдилар».

Киноя-кесатиқлар билан ёниб айтилган бу гаплар китобхонни давр зиддиятлари ичига тағин ҳам чуқурроқ олиб киради. Бугина эмас, айни пайтда бу ердаги маълумотлар Отабекнинг ўша кезлардаги хатти-ҳаракатини далиллаш учун ҳам хизмат этади.

Романда ҳар гал қаҳрамонларнинг ижтимоий қиёфаси, ғоявий-сиёсий маслаги устида гап кетганда ёзувчи изчил, аниқ-равшан позицияда туради, халқ, юрт манфаатидан келиб чиқиб, уларни баҳолайди. Мусулмонқул, Худоёр, Азизбеклар эл-юрт кушандаси бўлганликлари учун ёзувчи уларга нисбатан чексиз нафратини

яшира олмайди. Айни пайтда эл-юрт манфаати, осойишталиги йўлига жонини тиккан кишиларга, хусусан, Юсуфбек ҳожига нисбатан муаллифнинг меҳр-эҳтироми ҳамиша сезилиб туради. Аммо бошқа кўпчилик ижобий қаҳрамонларга ёзувчи меҳрининг изҳори ўзгачароқ — бу ерда бўёқлар сержило, ранг-баранг... Ёзувчининг бу борадаги маҳорати Отабек, Кумуш, айниқса Ўзбек ойим, Офтоб ойим, Зайнаб образлари тасвирида ниҳоятда ёрқин кўринади; етук реализмга хос хусусиятлар — характерларга хилма-хил томондан ёндашиш, уларда ҳам кучли—мусбат, ҳам ожиз—манфий томонларни назардан соқит қилмаган ҳолда, бутун мураккаблиги, барча қирралари билан ифодалаш, характерлардаги манфий жиҳатлар, ожизликларнинг ҳаётий илдизини очиш, далиллаш санъати шу образлар тасвирида янги куч билан намоён бўлган.

ЁЗУВЧИ. Адабиётимизда қордек оппоқ ижобий ва кўмирдек қора салбий образлар яратиш тамойили эскирганига анча бўлган. Жонли инсон қиёфасини яратишнинг илдизлари олисга бориб тақалади. Бу борада ҳам Қодирийнинг ўзига хос катта улуши бор. Ҳали айтганимиздек, бошига қилич келганида ҳам рост сўзлайдиган Отабек икки хотин олдида азбаройи муроса учун иккиюзламачилик қилишга ўрганади. Кумушдек оқила жувон кундошини кўргандан кейин учирма гаплар айтиб, эрининг дилини вайрон қилади. Ҳожидек оқил одам кўра-била туриб ўғлини ўтга ташлайди: ярим довдир хотинининг сўзига кириб, Отабекни бахтсиз қилади, адолат учун кураша-кураша, охири узлатга чекинади. Қутидордек эсли одам ўз қизининг қурбон бўлишига бир қадар сабабчи бўлади — қизи Кумушни кундош ҳузурига бошлаб келади... Зайнабни олайлик. Уни ҳарчанд айбламайлик, барибир унга ачинамиз. Ахир у ҳам одам! «Жонсиз ҳайкал»ни қучоқлаб йиғлаганида унга раҳмингиз келмайдими?! Аёл кишининг рашки ёмон. Рашкидан қасди ёмон! Зайнабнинг асосий мақсади Кумушни ўлдириш эмас, Отабекка эга бўлиш (опаси қаттоллик қилмаганида у бу ишни асло қилолмасди). Муаллиф Зайнаб фожиасини янада чуқурлаштириш учун асар охирида битта лавҳа қўшади. Отабек Кумуш қабри қошида тунаган кечаси мажнуна Зайнаб келади. Отабек уни ҳайдайди:

«— Кет мундан!»

— Мен Кумуш! — деди яна Зайнаб, аммо кетмай

иложи қолмади. Зероки, дунёдаги энг яқин кишиси унга «кет!» амрини берган эди».

Шу ҳолатнинг ўзида қанча-қанча маъно бор! Ниҳоят, Отабекнинг ўзи ҳам чиркин замоннинг қурбони бўлади. (Ёзувчининг мақсади уни курашчи қилиб тасвирлаш эмас эди.) Шунинг учун ҳам биз асардаги янги одамларнинг ҳаммасини севиб қоламиз. Негаки, улар, муайян камчиликлари бўлишига қарамай, тирик инсонлардир. Биз оқил-вазмин Отабекни, гўзал, дилбар Кумушни, ўлган хотинига содиқ қолган меҳнаткаш уста Олимни, юмшоққина Мирзакарим Қутидор билан андишали Ойтоб ойимни, эл ғамини еб адо бўлаёзган Юсуфбек ҳожи билан чала-думбул Ўзбек ойимни чин юракдан яхши кўриб қоламиз. Буларни қанчалик яхши кўриб ачинсак, Зайнабга ўхшаганларга шунчалик раҳмимиз келиб, ижирғанамиз. Қизиқ, Отабекда ҳам худди шунақа ҳолат: Кумушни севади, Зайнабга раҳми келади. Ажиб мантиқни қаранг: муҳаббат билан шафқат деган сўз ёнма-ён туради. Шафқат билан нафрат деган тушунча бир-бирига тамоман тескари. Аммо мазкур учликда ғалати ҳол. Отабекнинг Зайнабга шафқати қанчалик кучли бўлмасин, доим нафрат билан ёнма-ён юради... Биз ҳам асар қаҳрамонларига бирда шафқат қиламиз, бирда (салбий персонажларга) нафрат билан қараймиз, бирда чин дилдан севамиз. Хуллас, лоқайд бўлмаймиз, ҳеч бирига, ҳеч қайсисига! Аслида, ҳақиқий асар китобхонда худди шундай таассурот уйғотади.

ТАНҚИДЧИ. Асардаги чинакам реалистик манзаралар, уларнинг чуқур маънодорлиги, таъсирчанлиги, улардаги бўёқларнинг ранг-баранглиги масаласига қайтайлик. Ёзувчи алоҳида қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини ёки икки партнёр-персонаж орасидаги мулоқотларни, уларнинг ўша дамлардаги руҳий оламини, қалбларидаги жараёнларни гўё моҳир рассом сингари суратга солиб кўрсатади; шу билан баробар бир неча кишилар иштирок этадиган оммавий саҳналарни, бир оннинг ўзида бир неча одамларнинг хилма-хил ҳолат, руҳиятини кишини лол қолдирадиган даражада аниқ, жонли гавдалантиради. Зиё шоҳичининг уйидаги суҳбат, ўртадаги мажлис-зиёфат, тўй маросими, хусусан, қудаларни кутиб олиш манзараси — булар реалистик тасвирнинг мўъжизакор туҳфаси! Қудаларни кутиб олиш лавҳаси беихтиёр И. Репиннинг «Запорожьеликлар турк султонига хат ёзмоқда» картинасини ёдга солади...

ЁЗУВЧИ. Суҳбатимизнинг бошида Абдулла Қодирийнинг меъморлик, мусиқа санъати тажрибаларидан баҳраманд бўлгани ҳақида гап борган эди. Қодирий кино санъатидан ҳам яхши хабардор бўлган. Унинг «Равот қашқирлари» фильми ҳақидаги мақоласи шундан далолат беради. Айни пайтда у рассомлик санъати сирларини ҳам пухта билган. Ҳайриддин Султоновнинг «Раъно гулининг суви» ҳужжатли ҳикояси билан танишганда, муҳими, ёзувчи романлари, ҳажвияларини ўқиганда бунга тўла ишонч ҳосил қилиш мумкин.

ТАНҚИДЧИ. Ёзувчи тасвирлаган манзаралар фақат жонли, ҳаётий, пластиклиги билангина эмас, чуқур маънодорлиги билан ҳам диққатни тортади. Бир қарашда у қадар аҳамиятсиздек туюлган лавҳалар, персонажлар ҳам асарда чуқур маъно ташийди. «Тошкент қамалда» бобидаги «даҳшатлар тепаси» лавҳасини эсланг. Баъзи бировларга уч-тўрт юз кесилган инсон бошидан кўтарилган тепа, ундаги бошлар қиёфаси ифодаси натуралистик тасвир бўлиб туюлиши мумкин. Лекин жиддий эътибор берсангиз, унда нақадар катта шафқатсиз ҳақиқат борлигини, бу даҳшатли лавҳа ўзаро урушлар, беҳуда қон тўкишлар устидан чиқарилган ўткир бир айбнома эканлигини англаб етасиз, қаттиқ ларза ичида қоласиз. Бамисоли В. Верешчагиннинг уруш даҳшатларини акс эттирувчи реалистик полотноларини томоша қилгандаги ҳолатга тушасиз.

ЁЗУВЧИ. В. Верешчагиннинг асарларига мен бир хилда — нуқул эҳтиром билан қарамайман. Хусусан, бу улкан мусаввирнинг Ўрта Осиё тарихига оид айрим асарларида қора бўёқ кучайиб кетгандек туюлади. Бу менинг шахсий фикрим. Қодирийда эса ҳатто ўша қора манзаралар орасида ҳам табиий нур сезилиб туради. Бир қарашда аҳамиятсиздек туюлган лавҳалар, персонажларга жиддий маъно юклаш маҳоратига оид мисолларни яна келтириш мумкин. Марғилондан қудалар келганида Ҳожининг уйига йиғилган одамлар орасида жаллод ҳам бўлади. Ўқиб ҳайрон қолдим. Ҳожидек одам жаллодни нимага уйига чақирсин? Гарчанд у (Пирназар жаллод) бу ҳунарни ташлаб юборган бўлса ҳам, шу ерга келиши мантиққа хилофдек кўринади. Бироқ, кейин тушундимки, муаллифнинг бундан мақсади бор экан. Отаси сўз ўйини қилиб, Отабекнинг ҳам жаллодлик қилганини айтмоқчи экан... Ёки тағин бир манзара. Романда Қовоқ девона нима қилиб юриб-

ди? Одамлар унинг устидан кулишию, девонанинг бурнини оқизиб йиғлашини тасвирлаб ўтириш шартмиди? Бир қарашда шундай кўринади. Лекин Қовоқ девона романда биз ўйлагандан кўра анча катта маъно ташийди. Шундоқ қилиб, Отабек Зайнабга уйланди. Энг нўноқ ёзувчи Тошкентдаги тўйни ҳам бутун тафсилоти билан ёзар эди. Ахир, Тошкентдаги тўй Марғилондагидан фарқ қилади. Қолаверса, шу кунлардаги Отабекнинг ҳолати китобхонга қизиқ туюлиши мумкин. Ўртачароқ адиб бўлса, бошқача йўл тутар эди. Асарни «Жодугар ҳинди» бобидан давом эттираверарди. Бироқ Қодирий Қовоқ девонани асарга олиб киради. Нимага? Биринчидан, «Қора тегин» Отабекнинг уйланганини билиб олди. Лекин девона образи асарга фақат шунинг учун киритилган эмас, ҳамма гап шундаки, Отабекнинг иккинчи уйланишидаги бутун қувонч — бир девонанинг битта белбоққа эга бўлишию, бир тоғора ош еб, маза қилишидан нари ўтмади. Бор гап шу! Аслида бу тўйнинг ўзи Отабек учун девоналикдек гап эди. Мана, ёзувчи нима демоқчи!

ТАНҚИДЧИ. Мен университет аудиторияларидаги лекцияларимда «Ўтган кунлар»ни ва Қодирийнинг бошқа асарларини бир вақтлар бўлган асоссиз танқидлардан ҳимоя қилиб гапирганимда, баъзан талабалар «Ўтган кунлар»да, умуман Қодирий реализмида камчиликлар, ожиз томонлар ҳам борми, деб сўрашади. «Ўтган кунлар»ни етук, баркамол роман дедик. Лекин шундай асар ҳам кам-кўстлардан холи эмас, албатта.

ЁЗУВЧИ. Албатта, Қодирий асарларида — «Обид кетмон»да ҳам, «Меҳробдан чаён»да ҳам, ҳатто адибнинг бош асари бўлмиш «Ўтган кунлар»да ҳам мутахассис сифатида эмас, оддий китобхон сифатида синчиклаб қаралса — айрим камчиликлар топилиши мумкин. (Беайб — парвардигор дейдилар, қолаверса, катта ишлар мутлақо камчиликсиз бўлмайди.) Шахсан менга Кумушдек оқила аёлнинг Отабек номидан ёзилган сохта хатларнинг биронтасидан эрининг дастхатини излamaслиги, пайқамаслиги ғалати кўринади. Тўғри, эри бировга уйланганини билиб, минг хил хаёлга бориб ўтирган хотин учун бунақа зарба оғир бўлади. Бироқ, Қутидордек тадбирли одам ҳам бу туҳматларга чиппачин ишонади... Эҳтимол, бу Қодирийнинг ўзи айтган «Чор дарвиш» туридаги достонларни ўқиб ўрганган китобхонлар учун асло сезилмас... Тағин билмадим.

Балки, бу худди ўша романтик адабиёт таъсиридир... Қолаверса, романда айрим мантиқан чуқур асосланмаган ўринлар ҳам бор. Асар бошида Отабек Ҳасаналининг тақдирини, ўтмишини эслайди. Бу нарса муаллиф тилидан баён қилинса ҳам, Отабек руҳияти орқали берилади: «Ҳасанали ўттиз ёшлик вақтида сотиб олинган бир чўрига уйлантирилган бўлса ҳам, аммо ўғил, қизлари бўлмаган, бўлсалар ҳам ёшликда ўлиб кетганлар...». Аввало, реалистик прозада бунақа дейилмайди. Боласи бўлиб, кейин ўлганми ёки бутунлай фарзанд кўрмаганми? Қолаверса, Отабек Ҳасаналини маънавий ота деб билади. Демак, бу нозик масалани у аниқ билиши керак. Салбий қаҳрамонлар портретида бир хиллик учрайди. Аксарияти пучуқ, тасқара. Жаннат образида бир деталь жуда ҳаётий. У икки гапнинг бирида «қиҳ» деб туради. Баъзи ўринларда адибнинг шоирона туйғулари меъёридан ошиб кетади. Қутидорникидан қудачиликнинг хушхабарини олиб келган Ҳасанали ухлаб ётган Отабек ҳақида ўй суради: «Қайғурма, бегим, Ҳасанали отанг бу тўғрида ҳам сени ёдидан чиқармади... Бу кеча сенинг қайғули кечаларингнинг энг кейингиси ва ойдинли ҳам шеъриятли тунларингнинг арафасидир, бегим!» Эҳтимол, шу қадар катта, муҳим ишни умрида биринчи марта қилган қул Ҳасанали ўша кеча қаттиқ ҳаяжонлангандир. (Аслида ҳам шундай!) Лекин саводсиз бир чол «шеъриятли тунлар» дермикин? Бу муаллифнинг гапи эмасмикин?

Умарали ака, инсоф билан айтганда, мен ҳеч қачон, ҳеч кимнинг асаридан камчилик излаб ўқиган эмасман. Тўғриси, бу менинг вазифамга кирмайди ҳам. Ҳозир, мана буюк адиб (мен бу сўзни айтишдан истиҳола қилмайман) Қодирий домланинг асарларидаги айрим камчиликлар ҳақида сўз борар экан, бир нарсани ўйлаб қолдим. Аввало, «Ўтган кунлар» ёзилганига етмиш йил бўлди. Ўшанда бизда чинакам реалистик прозанинг ўзи йўқ эди. Қолаверса, Абдулла Қодирий бу романини ёзганида ўттиз ёшга ҳам чиқмаган эди. Бугун ўттиз ёшимизда нимани қойил қиляпмиз? Тўртта ҳикояни эплаб ёзсак, ўзимизни «классик» санагимиз келади. Йўқ, мен, ҳозирги ёзувчиларни айбламоқчи эмасман. Демоқчиманки, биз Қодирий ижодига етмиш йил беридан туриб, аввало, ўзимизнинг етмиш йиллик реалистик прозамиз тажрибаларига таяниб, қолаверса, жаҳон адабиётидан ижодий фойдаланишимиз имконияти ўша

даврга нисбатан етмиш марта кўпроқ бўлган даврда туриб гапираяпмиз. Ундан ҳам муҳими, «Ўтган кунлар» мана етмиш йилдирки, ҳамон севиб ўқиляпти. Шунинг ўзи катта гап эмасми! Бургут боласини ўзидан баландроқ учмагунча қўймай чўқилар экан.

Қодирий домла ўзбек реалистик прозасининг классиги, у ўз мактабини яратди. Фақат бизнинг ўзбек адабиёти эмас, умуман ўша давр кўпмиллатли совет адабиётида катта из қолдирди. Биламиз, улкан адиб Авезов Қодирийни устоз санайди, улкан адиб Айтматов эса Авезовни ўз устози деб билади. Модомики, биз бир-биримизни устоз деб биларканмиз, мана шу устозлар сафида Абдулла Қодирий ҳам борлигидан чин дилдан фахрланамиз. Агар биз ўзбек прозаси «Ўтган кунлар» савиясида тўхтаб қолди, десак хато қиламиз. Негаки, етмиш йил мобайнида кўп яхши асарлар яратилди. Қодирий домла агар ҳаёт бўлганида бугун адибларимиз эришаётган ютуқлардан қувонар, камчиликларидан ранжир эди. Негаки, катта истеъдоднинг қалби ҳам катта бўлади. Мен оддий бир қаламкаш сифатида Абдулла Қодирийдек катта истеъдод эгасининг руҳига ҳамиша таъзим қиламан!

ТАНҚИДЧИ. Абдулла Қодирий ижоди, аниқроғи, «Ўтган кунлар» романи, романдаги ёзувчининг реалистик маҳорати, санъати, адиб реализмининг қудрати хусусидаги баҳс-мулоҳазаларимиздан келиб чиқадиган бугунги кун адабиёти, хусусан, ёш қаламкашлар учун энг асосий хулоса, сабоқлар нималардан иборат деб биласиз?

ЁЗУВЧИ. Ҳар қандай улкан санъаткор, табиийки, бошқа қаламкашларни ҳам ёзишга илҳомлантиради, таъсир кўрсатади. Бироқ, зийрак қаламкаш улкан адибдан фақат ёзишнигина эмас, қандай ёзмасликни ҳам ўрганади. Йўқ, Қодирий қандай ёзмаслик «намунасини» кўрсатган эмас. Гап бошқа ёқда. Ҳақиқий қудратли адиб асарини ўқиганингизда кўпинча ўзингизнинг машқларингиз майда, бачкана кўриниб кетади. Бошқа кўп классиклар қатори Қодирий домлани ўқиганимда менда ҳам шундай кайфият пайдо бўлади. Бугунги ёш қаламкашларнинг Қодирийга муносабати, ундан таълим олиши масаласига келсак, ҳар ким ўз хулосасини ўзи чиқаргани маъқул.

МУНДАРИЖА

Сўз боши 3
Қисмат ва жасорат 5
Отага таъзим 26
«Ўтган кунлар» ҳайрати 37
Реалистик тасвир қудрати 47

УМАРАЛИ НОРМАТОВ

«ЎТГАН ҚУНЛАР» ҲАЙРАТИ

Тошкент «Ўқитувчи» 1996

Муҳаррир *Ҳ. Нуруллаев*
Техн. муҳаррир *С. Турсунова*
Бадиий муҳаррир *Э. Нурмонов*
Мусаҳҳиҳа *З. Ғуломова*

ИБ № 6795

Теришга берилди 22.12.95. Босишга рухсат этилди. 28.02.96. Формати 84×108$^{1}/_{32}$. Тип қоғози. Кегли 10 шпонсиз. Литературная гарнитураси. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 4,20. Шартли кр.-отт. 4,41. Нашр. л. 4,15. Тиражи 6000. Буюртма № 229.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 13—124—95.

Ўзбекистон республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод даҳаси, Муродов кўчаси, 1- уй. 1996.